


ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ОЛТИН ЎРДА ВА ТЕМУРИЙЛАР
ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН
ТУРКИЙ ЁРЛИҚЛАР:
ТАРИХИЙ-ФИЛОЛОГИК ТАЛҚИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ОЛТИН ЎРДА ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА
ЯРАТИЛГАН ТУРКИЙ ЁРЛИҚЛАР:
ТАРИХИЙ-ФИЛОЛОГИК ТАЛҚИН



Тошкент – 2013

Ушбу китобда Олтин Ўрда хонлари ва теурий султонларнинг туркий тилда битилган ёрликлари, расмий-дипломатик мактублари тарихий-филологик, манбашунослик ва матншунослик жиҳатидан тадқиқ этилган. Унда хужжатлар матни ва мазмуни келтирилиб, уларнинг ўзбек давлатчилиги тарихи, туркий ёзма расмий услуги тарихини ўрганишдаги аҳамияти очиб берилади.

Китоб филологлар, тарихчилар ва айна йўналишда ўқиётган талабаларга мўлжалланган.

Монография Ф-І-136 “Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)” мавзудаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ёзилди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши нашрга тавсия этган (2013 йил октябрь ойининг ўттиз биринчи куни бўлиб ўтган 3- мажлис қарори).

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори **М. Исҳоқов**
филология фанлари номзоди, профессор **З. Арипов**

© Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2013 йил.

© Содиқов Қосимжон

КИРИШ

Ўзбек давлатчилиги тарихи, ўрта асрлар туркий хужжатчилиги, расмий ёзма услублар тарихини ўрганишда Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлардан қолган ёрликлар, расмий-дипломатик мактубларнинг аҳамияти катта.

Ўрта асрларда юрт эгасининг ёзма буйруғи, фармони, шунингдек, амирлар, нуфузли кишиларга амал, унвон, ер, мол-мулк ва турли имтиёз берилганлиги тўғрисидаги расмий хужжат *yarliġ~yarliq* аталган (қаралсин: Ҳақимов 2013,102). Айрим манбаларда, хусусан, “Ўғузхоқон” достонида бу атама *jarliġ~jarluġ* кўринишида кўлланган (қаралсин: Щербак 1959,32,42). *Yarliġ* (<*yar~jar+liġ~luġ*) нинг асл келиб чиқиши “тангри буйруғи”га бориб тақалади. Бу атама бошлаб “тангрининг буйруғи; ҳукми; инояти”ни билдирган. Жумладан, Кул тигин ва Билга хоқон битигларида Билга хоқоннинг ўз ўтмишини ҳикоя қила туриб: *Tānri yarliqaduqin üçün, özüm-qutum bar üçün qağan olurtum* деган сўзлари бор (Содиқов 2009,32). Бунинг маъниси: “Тангри ёрлиқагани учун, куч-қудратим бор учун хоқон бўлдим”. Бу сўз айни англамда “Туркий тафсир”да ҳам келган: *biziñ qilmış yazuqlarimizni yarliqağay* – “бизнинг қилган гуноҳларимизни ёрлиқағай [яъни кечиргай]” (Боровков 1963,146). Кейинчалик бу атаманинг ишлатилиш доираси кенгайиб, “ҳуқумдор буйруғи, фармони”ни ҳам англата бошлаган. *Yarliq* сўзи ҳуқумдор буйруғига нисбатан ишлатилганда, *yarliqa-* (<*yar+liq+a*) феъли қўшиб айтилган: қадимги туркий битигларда *xan yarliq yarliqadi* дейди (Gabain 1950,283), бу “хон ёрлик берди; буюрди” дегани.

Имтиёз ҳуқуқини берувчи хужжатлар (ёрликлар) *nišan* деб ҳам аталган. Эроний тиллардан ўзлашган *nišan* сўзи бу ўринда “буйруқ; фармон; гувоҳнома; имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат” маъноларини билдиради.

Расмий-дипломатик мактуб дейилганда хонлар ёки султонларнинг турли элларнинг ҳуқумдорлари билан

ёзишмалари, хатлари тушунилади. Бундай хатлар *bitig*, *bitig salām* деб аталган. Улар ҳам мамлакат ҳаётида, халқаро дипломатик муносабатларида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, давлатнинг расмий ҳужжатлари қаторида туради.

Ўтмишдан қолган расмий ҳужжатлар ёзма ёдгорликларнинг бир тури бўлиб, кўчирилишига кўра бошқа турдаги асарлардан ажралиб туради. Жумладан, ўтмишдан қолган тарих китоблари, бадий ва илмий асарлар замон талабига қараб қайта-қайта, ҳатто кейинги юзийликларда ҳам кўчирилган. Шунинг учун ҳам айрим асарларнинг қўлёзмалари кенг тарқалган. У ёки бу асар матнини унинг турли қўлёзмалари асосида, уларни ўзаро чоғиштириб ўрганса бўлади. Расмий ҳужжатларда эса бундай эмас: улар бир нусхада битилади, холос. Асарни айна қўлёзма асосидагина ўрганиш мумкин. Шундай эса-да, расмий ҳужжатлар ўз даври тарихининг, ўтмиш историографиясининг муҳим ва энг ишончли манбаларидир.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлардан қолган туркий ҳужжатлар уч хил: биринчиси, фақат уйғур хатида битилган; иккинчи тури, уйғур хатида битилиб, ўқилиши тагма-таг араб хатида ёзиб чиқилган; ҳужжатларнинг бошқа бирлари араб ёзувида.

Туркий ҳужжатчилик тарихи илк ўрта асрларга илдиз отган бўлиб, узоқ анъанага эга. Олтин Ўрда ва Темурийлар даврига келиб туркий ёзма адабий тилининг расмий услуби, хусусан, ҳужжатчилик юксак такомил босқичига эришди. Шу боис ҳам, бу даврларда яратилган ёрлиқлар, расмий-дипломатик битиглар туркий ҳужжатчиликнинг, эски ўзбек ёзма адабий тили, адабий тил расмий услубининг классик намуналари қаторида туради.

Ушбу ҳужжатлар — ўз даврининг тарихий манбалари. Шунинг билан бир қаторда, улар эски ўзбек ёзма адабий тили ёдгорликларидир. Адабий тил ёзма услублари, хусусан, расмий услуб тарихи, унинг тарихий такомилли ушбу ҳужжатларда яхши

акс этган. Уларни тарихий-филологик, манбашунослик ва матншунослик жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Қолаверса, ушбу ҳужжатлар оддий матнлар эмас; улар хон ва султонларга тегишли бўлиб, юрт эгасининг кўрсатмаси, айтиб турган сўзлари бўйича ёзилган. Шу маънода ҳам ҳужжатларнинг хати, услуби, тузилиши ва, айниқса, мазмунига катта эътибор қаратилган. Ҳужжатлар юксак балоғат даражасида.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлардан қолган ёрлиқлар ҳамда расмий ҳужжатлар фанга маълум бўлгандан буён билим кишиларини қизиқтириб келмоқда. Ушбу ҳужжатлар Россия, Фарб туркологлари ҳамда турк олимлари томонидан маълум даражада ўрганилди, матнларнинг нашр ва ўгирмалари яратилди (*китоб сўнгида берилган адабиётлар сирасига қаралсин*). Уларнинг ишларини туркологиянинг улкан ютуғи сифатида баҳоламоқ керак. Лекин, шунга қарамай, ҳали ҳужжатларнинг тадқиқ этилмаган, ўз ечимини кутаётган қирралари кўп. Хусусан, матн ва унинг интерпретацияси, тили, стилистика масалалари тўлиқ очилган эмас. Матнларнинг ўқишида, сўз ва жумлаларнинг талқинида жумбоқли ўринлар анчагина. Бундан ташқари, ушбу матнлар, асосан, ўтган юзйилликнинг бошларида, фаннинг ўша даврдаги қарашлари бўйича нашр этилган. Матнларни туркологиядаги янгича қарашлар, янгича талқинлар асосида қайта кўриб чиқишнинг вақти келди.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, ушбу монографияда *қуйидаги масалалар ечимига* эътибор қаратилади:

- Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларга тегишли ёрлиқ ҳамда расмий мактубларнинг туркий ҳужжатчилик, хусусан, ўзбек дипломатикаси тарихидаги ўрни;

- Туркий ёрлиқлар ҳамда расмий-дипломатик хатларни манбашунослик ва матншунослик жиҳатидан ўрганиш;

- Ёрлиқлар ҳамда расмий-дипломатик хатларнинг илмий матнларини яратиш;

- Ҳужжатларнинг тарихий-филологик интерпретацияси;

- Матнларнинг ўқилиши, сўз ва жумлаларнинг талқинида келиб чиққан жумбоқли ўринларга ойдинлик киритиш;
- Хон ва султонларнинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқи стилистикаси; ҳукумдор нутқининг лингво-культурологик, этик-эстетик жиҳатлари;
- Ҳужжатлар тили, ёрлик ва дипломатик хатларда ёзма адабий тилни қўллаш усуллари; матн стилистикаси;
- Матн компонентлари ва унинг нутқ стилистикаси билан уйғунлиги.

Ушбу тадқиқот илгари чоп эттирганимиз “Туркий давлатчилиқнинг тарихий илдизлари” номли монографиямизнинг (Содиқов, Омонов 2012) давомида туради. Туркий ҳужжатчилик тарихи, унинг илдизлари, шарқ дипломатикасининг қатор масалаларига ўша китобда тўхталганмиз. Ушбу монографияда эса фақат Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг туркий ёрликлари, қўшни давлатларга йўллаган расмий-дипломатик хатлари устида сўз боради.

Ёрлик ва мактубларнинг илмий матни тўғрисида

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг туркий ёрликлари, қўшни давлатларга йўллаган расмий-дипломатик хатлари уйғур ва араб ёзувларида битилган бўлиб, тадқиқотда уларнинг илмий матни ҳам келтирилади. Уларни нашрга тайёрлашда, биринчи навбатда, илк манбалар – битигларнинг илгимизда бор бўлган фотонусхалари, илмий асарлардаги факсимилларига таянилди. Биз ўқиб тайёрлаган матнлар, ўрни билан, ҳужжатларнинг бошқа олимлар томонидан яратилган нашрларига ҳам чоғиштириб борилди.

Ёрлик ҳамда мактублар матни қўлёзмага мос ҳолда қаторларга ажаратиб, қатор бошида эса қавсда уларнинг кетма-кетлиги рақамлаб чиқилди.

Хужжатлар матни лотин алифбоси асосидаги транскрипцияда берилди. Матнларни транскрипцияга ўгиришда унлилар учун *a, ä, e, i, i, o, ö, u, ü* ҳарфларидан фойдаланилди.

Шунингдек, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизикча тортиб кетилди: *ā, ī, ū* сингари.

Ундошлар учун туркшуносликда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, ğ, g, x, z, s, č, š, y, l, m, n, ŋ, r* ҳарфларини қўлладик. Бу сирадаги *ğ* – ҳозирги ўзбек имлосидаги [ɣ], *č* – [ʧ], *š* – [ʃ], *ŋ* эса сонор [nɛ] товушини билдиради. Шунингдек, [v] фонемасининг икки хил варианты транскрипцияда айри-айри ҳарфларда келтирилди: туркий сўзлардаги варианты учун – *w*; ўзлашган сўзларда қўлланиладиган варианты учун эса *v* ҳарфи олинди.

Араб ёзувида битилган ҳужжатларда, хусусан, матнлар орасида келган арабча жумлаларни, шунингдек, туркий тилга ўзлашган сўзларни транскрипцияда беришда араб тилигагина хос бўлган айрим товушлар учун қуйидаги белгилардан фойдаланилди: *ذ* ҳарфи учун – *δ*; *ه* учун – *h*; *ح* учун – *ḥ*; *ث* учун – *θ*; *ع* учун – *ʿ*; *ظ* учун – *ẓ*; *ط* учун – *ṭ*; *ض* учун – *ḍ*; *ص* учун – *ṣ*.

Кадимги туркий битигларда сўз боши ва биринчи бўғинда келадиган олд қатор, “ингичка”, кенг, лабланмаган [ä] унлиси ушбу ҳужжатларда ёзув ва фонетик хусусиятларига таянган ҳолда “ёпик” [e] га ўтади: *el, erdi, kergäk* сингари.

Биз матнини бераётган туркий ҳужжатларнинг кўпи уйғур хатида. Уйғур ёзувидаги матни ўқишнинг эса ўзига яраша қийинчилиги бор. Сабаби, алифбодаги ҳарфларнинг катта бир гуруҳи полифоник хусусиятга эга бўлиб, [k]–[g], [b]–[p], [t]–[d], кўпинча [q]–[ğ]–[x], [s]–[z], [s̄]–[š] товушлари ёзувда фарқланмайди, бир хил белги билан ифодаланади. Бу эса матни ўқиш, сўзлар талаффузини аниқлашда кишини чалғитади. Бундай ҳолатларда улар кўк турк, араб ёзувларидаги манбаларга таянган маъқул. Масалан, кўк турк битигларида учрайдиган кўринишини кўзда тутган ҳолда уйғур ёзувидаги сўзлар *bitig, beg; bilip, körüp*; араб ёзувли матнларни кўзда тутган ҳолда

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ЁЗУВ ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ, РАСМИЙ-ДИПЛОМАТИК НУТҚ СТИЛИСТИКАСИ

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р : *расмий тил; расмий ёзув; ёзув, ёзув тарихи, уйғур ёзуви, араб ёзуви, хат турлари; палеография; сиёсий нутқ, расмий-дипломатик нутқ; нутқ стилистикаси; расмий ва адабий услублар синкретизми; тарих, колофон.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Олтин Ўрда давлати ва Темурийлар салтанатининг расмий тили. Юрт эгаларининг ёрлиқ ва мактублари эски ўзбек ёзма адабий тилининг ёргорликлари сифатида.

Олтин Ўрда ва Темурийлар давлатларининг расмий ёзувлари.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлар номидан битилган ёрлиқ ҳамда мактубларнинг хат услуги.

Эски ўзбек тилида сиёсий, расмий-дипломатик нутқ ва унинг ўзига яраша белгилари.

Хон ва султонларнинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқи.

Темурийлар даври ҳужжатларида расмий ва адабий услублар синкретизми.

Ёрлиқ ҳамда мактубларда кечган ҳужжатчиликка, ҳуқуқ ва иқтисод соҳасига тегишли атамалар тизими.

Атамалар ҳужжатлар услубини шакллантирувчи birlikлар сифатида.

ОЛТИН ЎРДА ДАВЛАТИ ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА РАСМИЙ ТИЛ

Расмий тил деганда давлат ишларида, ҳужжатчиликда, давлатнинг халқаро дипломатик муносабатларида қўлланадиган тил, давлат иш юритиш тили тушунилади. Расмий тилнинг сиёсий-ижтимоий вазифаси бўлади. Расмий тил давлат бошқарув дипломатиясининг сиёсий-ижтимоий мавқеини, унинг обрў-эътиборини белгилаб туради. Шунинг учун ҳам ўрта асрлар давлатчилигида, давлат бошқарув тизимида расмий тилга катта эътибор қаратилган.

bašla, kiši деб ўқилди ва ҳоказо. Яна бир жиҳати, биз тадқиқ этаётган ёрликларнинг айримлари (Темир Қутлуғ, султон Абу Саид ёрликлари) икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, тагида қаторма-қатор араб хатида унинг ўқилиши (транслитерацияси) берилган. Араб ёзувли матнига таяниб, уйғур хатидаги маттни тўғри ўқиш мумкин. Бу нарса айрим уйғурча ҳарфларнинг қандай вазифада келаётганини аниқлашга, маттни транскрипцияга тўғри ўгиришга имкон туғдиради. Биз кўпроқ ана шунга таяндик.

Матнда жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилди: *yer-sulari* сингари.

Матн ичида икки хил қавс ишлатилди: матннинг қаторини кўрсатувчи рақамлар ҳамда сўз маъносини очиқлаш учун киритилган қўшимча сўзлар ёй қавсга () олинди; сўз ёки сўз бирикмасининг маъносини қўшимча очиқлаш учун бурчакли қавсдан [] фойдаланилди.

Эски матнларни ўқишда гап чегараларини аниқлаб олиш ҳам қийин масала. Чунки қўлёзмада тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд нашрларда бирхиллик йўқ. Таъкидлаш керакки, классик матнлардаги гап чегарасини аниқлашда бош ўлчов – мантиқ, фикр бутунлиги ва унинг синтактик жиҳатдан шаклланганлигидир. Ана шу жиҳатларни кўзда тутган ҳолда, матнда гап чегараларини белгилаб чиқдик ва ҳозирги имлодаги сингари тиниш белгиларини қўлладик.

Матнда гап, унинг таркибидаги атоқли отлар – киши отлари, жой номлари катта ҳарф билан бошланади.

Бундан ташқари, ижтимоий лингвистикада *тил вазияти* тушунчаси ҳам бор. Энди бунинг қамрови бир оз кенг: бунда муайян давлат худудида ишлатиладиган барча тиллар, давлатнинг ўша тилларга бўлган сиёсий муносабати, давлат бошқарувида уларнинг нечоғли тутган ўрни ҳам англашилади. Масалан, Темурийлар давлати жуда катта худудни ўз ичига олган бўлиб, турли ўлкаларда яшовчи халқлар ўз тилига эга эди. Лекин давлат ишлари, расмий-дипломатик ишлар муайян тилда юритилган. “Темурийлар давлатида тил вазияти” деганда ана шу иккала ҳодиса биргаликда, ягона тизим сифатида ўрганилади.

Шуларга таянган ҳолда, бу ўринда биз Олтин Ўрда ва Темурийлар давлатларининг расмий тили тўғрисидагина сўз юритамиз.

Олтин Ўрда давлатининг расмий тили. XIII–XIV юзйилликларда мўғулнинг ўз улусида расмий давлат тили мўғулча эди. Чингизхоннинг саъй-ҳаракати билан мўғуллар ўз давлатига эга бўлди, кейинчалик бу давлат кучли салтанатга айланди. Бунга қадар бу ерлар кўк турк хоқонлиқлари, сўнг уйғур хоқонлиғига қарашли ўлкалар эди. Мўғуллар эса турк давлатлари қарамоғида, унинг ичидаги бир қавм сифатида (асосан, *tatar*, *moğul* атамалари билан) яшаб келган. Чингизхоннинг қўл остида мўғул тилининг мавқеини кўтариш йўлида улкан ишлар қилинди: аввало, мўғул хати яратилди; ёзувни улар турклар (уйғурлар)дан олди. Айни чоғда мўғул адабий тилига асос солинди, адабий тилнинг расмий услуби, унинг ўлчовлари ишлаб чиқилди. Фикримизни XIII асрда яшаб ўтган европалик сайёҳ Гилом Рубрикнинг ёзмалари ҳам далиллаши мумкин. Сайёҳ ўз эсдаликларида ёзишича, мўғуллар ёзувни уйғурлардан (турклардан) олган, саройларида уйғурлар котиблик қилган, ўзларининг мўғулча ёрлиқларини уйғур хатида битганлар (Григорьев 1981,81–82). Мўғул тили Чингизхон замонида давлат тили мақомига эришди ва мамлакатнинг ички ҳамда халқаро муносабатларида етакчи ўринга чиқиб олди.

Бирок, чингизийлар қўл остидаги элларнинг, хусусан, Жўжи улусида, кейинчалик унинг ўрнида юзага келган Олтин Ўрда давлатининг расмий тили қай тил бўлганлиги фанда турли баҳсларга олиб келмоқда. Гап шундаки, туркий давлатчилик тарихида чуқур из қолдирган Олтин Ўрда давлатида битилган расмий ҳужжатлар оз қолган.

Мўғул хонларининг салтанатнинг илк даврларидан қолган давлат миқёсидаги ва чет эллар билан олиб борган бир қанча ёзишмаларига таяниб, А.П. Григорьев XIII–XIV юзйилликларда (1380 йилга қадар) Олтин Ўрда давлатида расмий тил мўғул тили эди, деган фикрни билдиради (Григорьев 1981). Бирок, ўша замонлардан қолган туркий ёдгорликлар, ўша давр тарихчиларининг ёзмалари ва улардаги аниқ-таниқ қайдлар бу хулосани буткул инкор этмоқда.

Жўжи улусида, кейинчалик Олтин Ўрда давлатида, қисман, мўғул тилининг ҳам амал қилганлигини эътироф этмак керак. Бунга Волга бўйидан топилган XIV юзйилликдан қолган ёдгорликни мисол келтириш мумкин. Қўлёзма уйғур хатида ёзилган бўлиб, матннинг катта бўлаги мўғул тилида, кичикроқ бўлаги эса туркийда. Бундан бошқа ҳам уйғур хати билан мўғул тилида битилган расмий ҳужжатлар маълум. Афтидан, мўғул амалдорлари ўз саройларида, уй ичида (тор доирада) мўғулча сўзлашганлар. Ҳатто Ботухон даврида (1227–1255) расмий ёзишмалар ҳам мўғулча олиб борилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Лекин, бу ҳодисани Олтин Ўрда давлатининг расмий тили мўғулча эди, деб тушунмаслик керак.

Тарихий манбалардан аёнки, XIII юзйилликда дунё юзини кўрган мўғул салтанатига қарам ўлкалар туркларнинг ота юрти эди, бу ўлкаларда туркий халқлар яшаган. Бошда мўғул амалдорлари бу ўлкаларда давлат ишларини мўғул тилида олиб боришга уриниб кўрдилар. Бунинг имкони бўлмагач, расмий ишларни туркийда олиб боришга мажбур бўлдилар. Мўғул зодагонлари орасида ҳатто исломни қабул қилганлари ҳам бўлди. Ёзма манбаларда турк ўлкаларига келиб қолган

татарлар(мўғуллар)нинг ислом динини қабул қилганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам бор.

Олтин Ўрдада давлат ишлари, ички ва расмий муносабатлар, халқаро дипломатик алоқалар, асосан, туркийда юритилган. Бунга Тўхтамишхоннинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган уйғур ёзувли ёрлиғи, Темур Қутлуғнинг 1397 йили уйғур хати билан битилган ёрлиғи мисол бўла олади.

XIV–XV юзйилликларда Хоразм адабий муҳитида эски ўзбек адабий тилида ёзилган бадий асарлар ҳам Олтин Ўрда тил вазияти тўғрисидаги кўзқарашларга ойдинлик киритади. Хоразм шоирлари қадимги турк адабиёти ва тили анъаналарини сақлаган ҳолда туркий тилда ижод қилганлар. Муҳими шундаки, Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарларнинг бари эски ўзбек адабий тили(“чиғатой туркийси”)дадир. Бу ҳодиса “Чиғатой улуси”да ва Олтин Ўрда, қолаверса, барча турк ўлкаларида умумий ёзма адабий тил амал қилганидан далолат беради. Насириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” достони Олтин Ўрда (Хоразм) адабий мактабининг қимматли намуналаридир.

Қутбнинг “Хусрав-у Ширин” достони ҳам Олтин Ўрда адабиёти ва адабий тилининг ёрқин ўрнакларидан. Маҳмуд бин Али бин ас-Саройининг “Наҳжу-л-фарадис” асари ҳам айни мактаб таъсирида юзага келди. Асар 1357–1358 йили Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳрида битилган (*қаралсин*: Наджип 1989,81–83).

Демак, ёзма манбалар, Олтин Ўрда адабий муҳитидан қолган ўнлаб бадий асарлар, ўша замонларда яратилган тарихий асарлардаги маълумотларга таяниб, XIII–XIV юзйилликларда Олтин Ўрда давлатининг расмий тили туркий тил, ёзуви эса уйғур ва араб хатлари эди, деган хулосага келиш мумкин.

Кунимизга қадар етиб келган ёзма манбаларга кўра, **Темурийлар замонида давлат ҳужжатлари туркий ва форсий тилларида юритилган.**

Давлат ишлари, халқаро расмий-дипломатик муносабатларда туркий тилнинг мавқеи юқори эди. Темурбеғнинг ўзи ҳам, ундан сўнг элни бошқарган темурийлар ҳам туркийга катта эътибор қаратганлар. Соҳибқирон Темурбеғнинг 1391 йилнинг кўкламида Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда ёздирган хотира битигининг туркий тилда ва қадимги уйғур хатида эканлиги бежиз эмас. Темурбеғ тахтада эканлиги чоғида бутун салтанатда эски тил ва ёзув анъанасига амал қилинди. Бу анъанани кейинчалик темурий султонлар давом эттирди. Буни темурий султонлардан қолган туркий ҳужжатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида Темурийлар давридаги тил вазияти тўғрисида яхши маълумот берган. Биз бу ўринда Навоийнинг сўзлари билан кифояланамиз. У ёзади: *Yana bir kulliya bu-kim, tā mulk-i 'arab xulafāsi va salātinida erdi, falak ul vaqtda nazm dabirğa 'arab tili bilä jilva berdi. Andaq-ki, Hassān Sābit-deg va Laqiz-deg maliku-l-kalām suxanguzārlar va va ma'nāfarin fasāhatši'arlar paydā boldilar. Va öz tilläri bilä nazm adāsiniñ dādin berdilər. Bu munāsabat bilä 'arab salātinī dağī İbrāhim Mahdī-deg va Ma'mun halifa-deg va bulardin özgä ham salātinzādalar ğarrā nazmlardin qasāyid ayttılar va favāyid zāhir qıldilar.*

Čun mulkdin ba'zi aqālim-u kišvarda sart salātinī mustaqil boldilar, ul munāsabat bilä fārsigoy šu'arā zuhur qıldilar. Qasidada Xaqanī-vu Anvarī va Kamāl İsmā'il-u Zāhir va Salmān-deg, masnavīda ustād-i fan Firdavsī va nādir-i zamān šayx Nizāmī va jādu-yi hind Mir Xusrav-deg va ğazalda muxtār'-i vaqt šayx Muslihu-d-din Sa'dī va yagāna-i 'asr Hoja Hāfiz Šerāzī-deg-ki, bularniñ ta'rifi yuqarıraq čun šamma sürülüpdür va vasflariğa qalam urulupdur, sözni uzatmaq hājat emäs. Va kalām tatvilin ma'nā ahli mustahsan demäs. Va bu munāsabat bilä sart salātinidin ham sultān Toğrul-deg va šāh Šijā'-deg 'ālīqadr pādšāhlar va rafe'martaba anjumsipāhlar rañin abyāt-u širin ğazaliyyāt ayttılar va zamānlarīda mašhur boldi va ruzğarlari avraqīda mastur.

Tā mulk 'arab va sart salātinidin türk xanlariğa intiqāl tapti, Hülägüxan zamānidin sultān-i sāhibqirān Temür Kürägän davrāniğaça türk tili bilä andaқ ša'ir paydā bolmadī-kim, andin ta'rif qilģuça, varaқqa yazilģuça asar zāhir bolmīš bolģay. Va salātinidin ham andaқ nimā manqul emäs-ki, birāw qašida aytsa bolģay. Ammā sultān-i sāhibqirān Temür Kürägän zamānidin farzand-i xalaфи Šāhrux sultānniņ zamāninin āxiriğaça türk tili bilä šu'arā paydā boldilar va ol Hazratniņ avlād-u ahfādidin ham xuštab' salātinin zuhurğa keldi. Šu'arā Sakkākī-vu Haydar, Horazmī-vu Atayī va Muqimī-vu Yaqinī va Amirī-vu Gadāyī-deglār. Va fārsī mazkur bolģan šu'arā muqābalasida kiši paydā bolmadī, bir Mavlānā Lutfidin özgā-kim, bir nečä matla'larī bar-kim, tab' ahli qašida oқusa bolur.

Мазмуни: “Яна бир хулоса шуки, мамлакат араб халифалари на султонлари қўлида экан, фалак у вақтда шоирларга араб тилида жилваланди, чунончи, Ҳассон Собит ва Лақитдек сўз подшоҳи суҳандонлар ва маъно яратувчи гўзал сўз эгалари пайдо бўлдилар ва ўз тилларида шеър айтишнинг додини бердилар.

Бу муносабат билан араб подшоҳларидан Иброҳим Маҳдий, Маъмун халифадек ва булардан бошқа подшоҳлар ва подшоҳзодалар шеърлар ва қасидалар айтдилар, фойдалар келтирдилар.

Дунёнинг баъзи иқлим ва ўлкасида сарт подшоҳлари мустақил бўлгандан кейин, шу муносабат билан форсийгўй шоирлар пайдо бўлдилар. Қасидада: Хоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир ва Салмон; маснавийда фан устози Фирдавсий, замонининг нодири Шайх Низомий ва ҳинд хунарманди Мир Хусрав; ғазалда ўз вақтининг яратувчиси Шайх Муслиҳиддин ва асрининг яғонаси Хожа Хофиз Шерозий сингарилар етишди. Буларнинг таърифи юқорида бир озгина айтилган ва сифатлари тўғрисида қалам урилгандир. Сўзни чўзмоқнинг ҳожати йўқ, узундан-узоқ сўзлашни маъно аҳли яхши ҳисобламайди. Бу муносабат билан сарт подшоҳларидан ҳам султон Туғрул ва

Шоҳ Шижодек юқори кадрли подшоҳлар ва баланд мартабали юлдуз сипоҳлар рангдор байтлар, ширин ғазаллар айтдилар, асарлари ўз замонларида машхур бўлди ва турмушлари варақларида ёзилди.

Мамлакат араб ва сарт султонларидан турк хонларига ўтгандан сўнг, Хулагухон замонидан сўнгра султон соҳибқирон Темур-Кўрагон замонидан тортиб, фарзанди Шоҳруҳ султон замонининг охиригача турк тилида ёзувчи шоирлар, шу жумладан, ул ҳазратнинг авлодларидан ҳам хуштаб подшоҳлар пайдо бўлдилар.

Шоирлардан Саккокий, Ҳайдар, Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадоий каби. Лекин юқорида айтилган форсий шоирлар қаршисига чиқа оладиган, ёлғиз Мавлоно Лутфийдан ўзга киши пайдо бўлмади, у кишининг таб аҳли қошида ўқиса бўладиган бир неча бошланмалари бор” (Содиқов 2011, 49–50, 86–87).

Яна бир жиҳати, Олтин Ўрдада, айниқса, Темурийлар давлатида фан, таълим, тарихнавислик, бадий адабиёт соҳаларида араб ва форс тилларига ҳам эътибор катта эди. Айниқса, мадраса таълимида араб тили чуқур ўргатилди. Бу замонларда Куръони карим ва араб тилидаги диний, илмий асарлар кенг тарқалди. Ҳатто Мирзо Улуғбек сингари олимлар ўзларининг илмий асарларини араб тилида ёзди. Йирик тарих китоблари эса форсийда битилди, форсий тилдаги илмий ва бадий адабиёт кенг ёйилди.

Темурийлар замонида, айниқса, таржимачилик гуллаб-яшнади; бу соҳада йирик ишлар амалга оширилди. Араб, форс тилларидан кўплаб бадий адабиёт, диний-фалсафий, илмий, тарихий китоблар туркийга ўгирилди.

ЁРЛИҚ ВА МАКТУБЛАР ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЁДГОРЛИКЛАРИ СИФАТИДА

Ёзма адабий тилнинг ижтимоий-сиёсий вазифаси бўлади. Давлат ҳужжатчилиги, расмий дипломатика шунинг учун ҳам

ёзма адабий тилдан фойдаланади. Одатда, давлат даражасидаги ёрлик ҳамда битиглар учун ёзма адабий тилнинг ўзига хос, муайян қолипга эга, сайқал топган расмий услуби амал қилган. Хужжатнинг тили, аввало, сиёсий, расмий доираларда тушунарли, халқаро дипломатия талабларига жавоб бермаги керак. Ёзма адабий тилнинг барча қоидалари асосида битилган хужжат ёрлик берувчининг обрўси, сиёсий сергаклиги, дипломатияни яхши билишини ҳам белгилайди. Шунга кўра, Олтин Ўрда муҳитида ҳам, Темурийлар давлатида ҳам хужжатчилик ишига, айниқса, халқаро дипломатик ёзмаларга эътибор жиддий эди. Хонлар ва султонларнинг ёрлиқлари, расмий хатлари, дипломатиканинг талаб ва қоидаларига биноан, ёзма адабий тилда битилган.

Яна бир жиҳати, Олтин Ўрда хонларига тегишли ёрлик ва мактубларнинг тили темурийлардан қолган ёрлиқлар тилига жуда яқин. Бунинг ўзига яраша ижтимоий-сиёсий, тарихий-маданий сабаблари бор.


Шу ўринда икки оғиз темурийлар замонида шаклланган адабий тил хусусида. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида темурийлар даврида юзага келган ёзма адабий тил тўғрисида яхши маълумот берган. У Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонни таърифлаб туриб ёзади: *Eli türkdür. Şahri-vu bāzārisida türkī bilmās kişi yoqtur. Eliniñ lafzi qalam bilā rāsttur. Ne üçün-kim, Mir ‘Alişer Navāyiniñ musannafāti bāvujud-kim, Hirida naşu namā tapıptur, bu til bilādür* (BN.5).

Бобурнинг ўрта асрлардаги Андижон, унинг эли, элининг тили тўғрисида келтирган ушбу маълумотини қуйидагича талкин қилиш мумкин: “Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан [ёзма адабиёт тили / ёзма адабий тил билан] мосдир. Не учунким [ажабланарлиси], Мир Алишер Навоийнинг таснифлари [асарлари], (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб улғайганлигига қарамай, ушбу тилда [Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда]дир”.

Бунинг билан Бобур ўз замонида Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитларида ягона ёзма адабий тил амал қилганини таъкидламоқда. Шунинг билан бирга, унинг ёзганлари Темурийлар давлатининг барча ўлкаларида ягона туркий адабий тил амал қилганига далилдир. Ёзма манбалар, ўша замонларда яратилган филологик асарлар, бадиий адабиёт, тарих китобларида туркий тилни *türk* (*türk tili*, *türk lafzi*, *türk alfāzi*), *türkčä* (*türkčä*, *türkčä til*), *türki* (*türki*, *türki alfāz*), айрим ҳолларда *Ėġatay türkisi* деб аталган. Кейингиси кўпроқ ёзма адабий тилни билдиради.

Бундай аталишининг сабаби бор. Маълумки, Чингизхон салтанатига қарашли ерлар унинг ўз фарзандларига тақсимланган эди. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар бу тўғрида ёзади: “Чингизхон тамоми мамлакатларини ўғлонларига қисмат қилиб берип эрди. Тамоми Қипчоқ-у Сарой, Булғор-у Урус ва ғайруҳумни Жўжихонга берип эрди. Ўзининг пойтахтига Қорақурум-у Келурон ва ғайруҳумни Ўктой қонга берди. Тамоми вилояти Хитойни Тўлуйхонга берди. Бешбалиқ-у Олмалик-ки, Туғлуқ Темурхоннинг марқади шундадир, Кошғар-у Хўтан ва тамоми Туркистонни, Мовароуннахрни иборати Бухоро-ву Самарқанд ва тобиоти, Шош-у Фанокат ва Хўжанд-у Ўзганд ва Учбалиқни Чиғатойхонга тайин қилди” (ТР.42).

Чиғатойхон Чингизхоннинг иккинчи ўғлидир. *Ėġatay türkisi* атамасининг келиб чиқиши Чиғатойхон оти билан боғлиқ. Бу от ўзининг семантик тараққиёти давомида киши отидан маъмурий, ижтимоий-сиёсий ва маданий атамага айланган (*қаралсин*: Благова 1982,155–156). XV–XVI асрларда бу атаманинڭ ижтимоий-сиёсий вазифаси кенгайган бир шароитда бутун Мовароуннахр элини, унинг халқини, халқининг тилини ҳам англата бошлади: юртини, элини *Ėġatay*, *Ėġatay eli*, халқини *ėġatay ulusı*, унинг тилини эса *ėġatay türkisi* дейилди; бошқа туркий адабий тиллар, хусусан, қипчоқ ёзма тили, усмонли туркийсидан фарқлаш учун ана шу атамадан фойдаланилди.



Таъкидлаш керакки, *çiğatay ulusi*, *çiğatay türkîsi* атамаларининг мўғулларга ёки уларнинг тилига сира бағлиқлиғи йўқ. Чунки бу ўлкада мўғуллар эмас, туркий улус яшаган. *Çiğatay türkîsi* атамаси эса темурийлар давридаги туркий адабий тилнинг (эски ўзбек адабий тилининг) нисбий атамасидир.

Муҳими шундаки, Темурийлар замонида бадий адабиётда, фан ва таълим соҳасида, давлат расмий ишларида юзага келган ёзма адабий тил анъаналари, адабий тилнинг таъсири Темурийлар давлатидагина эмас, қўшни элларга ҳам ёйилди. Теварак ўлкалардаги билим кишилари, ижодкорлар, ёзувчи-шоирлар ҳам “чиғатой туркийси” анъаналарига эргашиб, ижод қила бошладилар. Ёзма бадий адабиётда, тарихнависликда юз берган бу ўзгаришлар давлат сиёсий бошқаруви, девон ишлари, расмий-дипломатик ёзишмалар тилига ҳам кўчди. “Чиғатой туркийси” Олтин Ўрда давлатининг ҳам расмий, илмий, бадий адабиёт тилига айланди. Шунинг учун ҳам Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонлар номидан битилган ёрлиқ ҳамда мактублар умумий адабий тил анъаналарига таянган ҳолда яратилган. Олтин Ўрда давлатининг расмий тили “чиғатой туркийси” эди (қаралсин: TDT.117).

Ушбу битиглар бўйича тадқиқот олиб борган мутахассислар ҳужжатларнинг бари, айрим истисноларни айтмаганда, ягона адабий тилда (“чиғатой туркийси”да) битилганлигини таъкидлаганлар. Жумладан, А.М. Шчербак Олтин Ўрда хонлари ёрлиқлари ва темурийлар битган ҳужжатлар тили ўзаро жуда яқин эканлиги, булар орасида, Тўхтамишхон ёрлиғида фонетик жиҳатдан қипчоқ тилига хос хусусиятлар учрашини таъкидлайди (қаралсин: Щербак 1962,49–52).

Ҳақиқатан ҳам, темурий султонлар битган ҳужжатлар ягона ёзма адабий тилдадир. Шунга қарамай, Олтин Ўрда ёрлиқлари тилида бир оз фарқ бор: улар икки хил ёзма адабий тилда битилган. Баъзи ёрлиқларда қипчоқ ёзма адабий тилининг таъсири кучли. Бу нарса, муайян маънода, хон ва султонларнинг шевасини ҳам англатади. Жумладан, Тўхтамишхон ёрлиғида

қипчоқ тилига хос сўзлар, морфологик шакллар учраб туради: сифат ясовчи қўшимча *-liğ, -lig* эмас, *-li, -li* шаклида қўлланган (қаралсин: Щербак 1962,50–51). Бунинг мисоли: *Qutlu-buğa, Asan başlı elçilər* – Қутлу-буға, Асан бошчилигидаги элчилар (Т.4–5); *Edügü atlı kişini* – Эдугу отли кишини (Т.8). Қипчоқ тилига хос бу хусусият эски грамматик асарларда ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, “Китоб-и мажму-и таржимон-и туркий” асарида сифат ясовчи қўшимча *-lu, -lü* шаклига эга экани қайд этилади: *atlu* – отли, *tewälü* – туяли, *eşäklü* – эшакли, *saqallu* – соқолли, *mällu* – молли (КТТ.42).

Шунингдек, Тўхтамишхон ёрлиғида қипчоқ тиларига хос сўзлар ҳам бор: *keläçiqni* – келадиган кишиларингни (Т.5); *iydük erdi* – юборган эдик (Т.5); *yergäsi* – жойи, ҳолати (Т.13); *turuşca* – бардавонлик (Т.21) сингари. Бунинг билан, Тўхтамишхон ёрлиғи унинг ўз шеvasида битилган экан, деб ўйламаслик керак. Ёрлиқ қипчоқ ёзма адабий тилининг таъсирида битилган. Чунки ўша кезларда Қипчоқ юртларида қипчоқ адабий тили, Румда эса усмонли туркчаси ёзма адабий тил мақомида қўлланар эди.

Бироқ Олтин Ўрда муҳитида битилган бошқа хужжатлар – Темур Қутлуғ ёрлиғи, шунингдек, хонларнинг турк султонларига йўллаган расмий-дипломатик мактублари бундай эмас, уларнинг бари “чиғатой туркийси”да.

Бу ҳодисани икки нарса билан боғламоқ мумкин. Биринчидан, хон ва султонларнинг ёрлиғи, сўзлари битувчилар томонидан ҳеч бир ўзгаришсиз ёзилуви шарт эди. Ёрлиқлар ҳамда расмий хатлар ҳукумдорнинг айтиб тургани бўйича ёзиб олиниб, сўнг оққа туширилган. Шундан келиб чиқиб, Тўхтамишхон ёрлиғида қипчоқ тилига хос белгилар ҳам хоннинг нутқида қандай айтилган бўлса, ўшандай ёзилган чоғи. Иккинчидан, ёрлиқнинг ёзилган даврига ҳам эътибор қаратмоқлик керак: ёрлиқ 795 ҳижрий санада (=1393 йили) битилган. Бу чоғда “чиғатой туркийси”нинг таъсири уқадар кучли бўлмаган кўринади. Кейинчалик битилган ёрлиқ ва мактублар эса, айниқса, кейинги юзйилликнинг ўрталарига

келиб битилганлари бевосита “чигатой туркийси”нинг таъсирида бўлди.

Шундай қилиб, эски ўзбек тили (“чигатой туркийси”), бадий адабиёт, тарихнавислик, фан ва таълим соҳасида кечгани сингари, ҳам Темурийлар давлати, ҳам Олтин Ўрда давлатларининг расмий тилига айланди.

Ёрлик ва мактублар тилининг умумий, яқин бир кўринишда туташувчи белгилари куйидагиларда кўринади:

Фонетик белгилари. Расмий битиглар тилида куйидаги унлилар тизими амал қилган:

[a] – тил тагида талаффуз қилинадиган (орқа қатор), “йўғон”, кенг, лабланмаган унли;

[ā] – тил учида талаффуз қилинадиган (олд қатор), “ингичка”, кенг, лабланмаган унли;

[e] – олд қатор, “ингичка”, “ёпик”, лабланмаган унли;

[i] – орқа қатор, “йўғон”, тор, лабланмаган унли;

[ī] – олд қатор, “ингичка”, тор, лабланмаган унли;

[o] – орқа қатор, “йўғон”, кенг, лабланган унли;

[ō] – олд қатор, “ингичка”, кенг, лабланган унли;

[u] – орқа қатор, “йўғон”, тор, лабланган унли;

[ū] – олд қатор, “ингичка”, тор, лабланган унли.

Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги [ā] тил тагида талаффуз қилинадиган (орқа қатор), “йўғон” [a] га вариант сифатида қўлланган дейиш мумкин ([ā~a]). Қадимги туркий битигларда сўз бошида ёки биринчи бўғинда келувчи [ā] хужжатлар тилида [e] га айланади: *āl* > *el*, *bāg* > *beg* сингари.

Расмий битиглар тилида *товушлар уйғунлиги* (сингармонизм) яхши сақланган. Буни далилловчи белгилар:

Битиглар тилида ҳар бир қўшимча фонетик вариантларга эга. Масалан, масдар қўшимчаси *-maq*, *-mäk*; жўналиш келишиги қўшимчаси *-ğa*, *-gä* / *-qa*, *-kä*; от ясовчи қўшимча *-liq*, *-lik* / *-luq*, *-lük* сингари вариантларда ишлатилган ва б. Улар сўзларга *уч хил*: танглай ва лаб уйғунлиги ҳамда жаранглилик-жарангсизлик қоидасига кўра бирикади.

(1) *Танглай уйғунлиги* қоидасига кўра йўғон айтилувчи ўзак-негизли сўзларга кўшимчанинг йўғон вариантлари кўшилган: *qilmaq; qarındaшлиқ, tinçliқ, tarxanliқ; tutqawullarğa, barsçilarğa; qilğay* сингари.

Ингичка айтилувчи ўзак-негизларга кўшимчаларнинг ингичка вариантлари кўшилиб келади: *bermäk; inilik; bizgä, köprükçilärgä; bergäy* сингари.

(2) *Лаб уйғунлиги* қоидасига кўра, охирги бўғини лабланган унли билан келган сўзларга кўшимчанинг лабланган унлили варианты кўшилади; агар кўшимча ундошдан тузилган бўлса, ундан олдин қисқа лаб унлиси орттирилади: *sözüm, özüm; köñlün; qoşluq; yürüdüм; bolmuş* сингари.

Охирги бўғини лабланмаган унли билан келган сўзларга кўшимчанинг ҳам лабланмаган унлили варианты кўшилади; агар кўшимча ундошдан тузилган бўлса, ундан олдин қисқа лабланмаган унли орттирилади: *atamniñ; qarındaшлиқ, barmaqliқ* сингари.

(3) Ундошларда *жаранглилик-жарангсизлик уйғунлиги* амал қилади. Бунга кўра: жарангсиз ундош билан туговчи сўзларга кўшимчанинг ҳам жарангчиз ундош билан бошланувчи варианты кўшилади: *çapturdum, keçti* сингари.

Жарангли ундош, сонор ёки унли билан туговчи сўзларга эса кўшимчанинг жарангли ундош билан бошланувчи варианты кўшилади: *oğlanlariğa; beğläriгä; turğan, bolğan* сингари.

Бошқа фонетик ўзгачалиklar:

Ҳозирги ўзбек тилида айрим сўзларда жарангсизлашиш устун, қадимда эса бунинг акси. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *bek* сўзи эски ўзбек тилида *beg* шаклида қўлланган. Атоқли отларга кўшилганда ҳам шундай: *Temür-beg, 'Usmān-beg, 'Ali-beg* сингари.

Ҳозирги *de-* сўзи ҳужжатларда *te-* шаклида қўлланган: *tedimiz* – дедик (TQ.21), *tep* – деб (S.6).

Ҳозир нутқимизда равишдош кўшимчаси *-ip, -ip* деб талаффуз қилинса-да, ўзбек адабий тилида, имлода *-ib* шакли

қабул қилинган. Эски ўзбек тилида, хусусан, биз тадқиқ этаётган расмий битиглар тилида равишдош кўшимчаси жарангсиз *-p* (*-ip*, *-ip* / *-up*, *-üp*) билан айтилган ва ўшандай ёзилган: *qačip*, *alip*, *barip*, *bolup*, *tüšüp*, *yürüp* сингари.

Маълумки, “чиғатой туркийси” *y*- лашган тил, шунга қарамай, ёрлиқлар тилида қадимги *d* ли шакли ҳам қолдиқ сифатида учраб туради. Масалан, Шохруҳ Мирзо ёрлиғида: *ud yil* – сигир йили (Š.7). Айни сўз султон Умаршайх ёрлиғида *uy yil* шаклида қўлланган (U.7).

Араб ёзувида битилган ҳужжатларда, ўзлашган сўзлардаги араб тилига хос бўлган айрим товушлар аслиятда қандай ёзилган бўлса, туркийда ҳам ана шундай ёзилган: سلطان, عظم, اعلام, معظم, طرف, اختصار сингари. Лекин улар туркий тилда арабчадаги сингари талаффуз қилинган дея олмаймиз. Улар туркий [s], [z], [t] сифатида талаффуз қилинган. Ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал қилгани билан, талаффузда туркчалаштирилган.

Морфологик белгилари. Сўзловчи эгалиги *-m* (*-im*, *-im* / *-um*, *-üm*), сўзловчилар эгалиги эса, яъни кўплик шакли *-miz*, *-miz* (*-imiz*, *-imiz*) кўшимчаси билан ясалган: *'umidim* – умидим (AS.70), *sözüm* – сўзим (AS.1); *uruğ-uruğimiz* – уруғ-аймоғимиз (TQ.49).

Тингловчи эгалиги *-η* (*-iη*, *-iη* / *-uη*, *-üη*), тингловчилар эгалиги эса, яъни кўплик шакли *-ηiz*, *-ηiz* / *-ηuz*, *-ηüz* кўшимчаси билан ясалган: *uluğ atan* – улуғ отанг (AS.5), *iniη* – ининг (AS.32), *el-ulusuη* – эл улусинг (AS.17); *atarariηiz* – оталарингиз (UM.3), *ağalarariηiz* – оғаларингиз (UM.4), *özünüz* – ўзингиз (UM.18).

Ўзга кимса эгалиги *-i*, *-i* (*-si*, *-si*), ўзгаларнинг эгалиги эса, яъни кўплик шакли *-lari*, *-läri* кўшимчаси билан ясалган: *Teηri 'ināyatī* – тангрининг инояти (AS.3), *atamnüη taxtī* – отамнинг тахти (AS.15), *suyurğal yosunī* – суюрғал йўсини (Š.8); *oğlanlari* – ўғлонлари (TQ.3), *yer-sulari* – ер сувлари (TQ.26), *begläri* – беглари (TQ.5)

Қаратқич кўшимчаси *-niñ, -niñ* шаклида: *sizniñ Rum vilāyatiniñ sulṭān atalariniñiz* – сизнинг Рум вилоятининг султон оталарингиз (УМ.3); *Čingis xanniñ bir oğlu* – Чингиз хоннинг бир ўғли (А.17).

Олтин Ўрда хонларининг мактубларида қаратқич айрим ўринда *-im, -im* кўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинган: *emdidin soñ sizniñ birlä bizim aramizda* – бугундан бошлаб сизнинг ва бизнинг орамизда (А.18). Қизиғи шундаки, мактубнинг бошқа бир ўрнида айна бирикма *sizniñ va bizniñ aramizda* шаклида қўлланган (А.14).

Темур Қутлуғ ёрлиғида қаратқич келишиги *-niñ, -niñ* кўшимчаси билан бир қаторда, *-iñ, -iñ* кўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинади: *biziñ xan aғalarimiz* – бизнинг хон оғаларимиз (ТQ.17); *biziñ suyurғal bulup* – бизнинг суюрғалга етишиб (ТQ.20).

Тушум келишиги *-ni, -ni* билан бирга, *-n* кўшимчаси билан ҳам ифодаланади: *öz ellärin ala qačip yürüyü bardilar* – ўз кишиларини олиб қочиб кетдилар (УМ.11); *'Aziz Hoja atliғ qarindašim oғlun yibärdim* – Азиз Ҳожа отли қариндошимнинг ўғлини юбордим (А.17).

Расмий ёзмаларда чиқиш келишигининг *-din, -din / -tin, -tin* кўшимчаси қўлланган: *bu künden ilgärü* – бу кундан илгари (М.15); *kišimiz bara almaғanı ol sababdin erdi* – кишимиз бора олмагани ўша сабабдан эди (М.13–14); *qurudin, sudin bāzирgān-ortaq yürüp* – куруқликдан, сувдан савдогар-ўртоқлар юришиб (УМ.16–17).

Тингловчига буйруқ *-ғil, -gil* кўшимчаси билан ҳосил қилинади: *bizgā baqar ellärniñ čiqišlarin čiqarup, barғan elčilärgä bergil* – бизга қарам юртларнинг хирожларини тўплаб, борган элчиларга бергил (Т.18–19);

Ўзгага буйруқ *-sun, -sün* кўшимчаси билан ҳосил қилинади: *tarخان bolsun* – тархон бўлсин (ТQ.28); *xazinaға tegürsünlär* – хазинаға етказсинлар (Т.19); *bāzирgān ortaqларin daғi yürüšsünlär*

– савдогар ўртоқларинг ҳам юраверсинлар (Т.20–21); *kim ersä küč-uğa tegürmäsün* – кимса зиён-заҳмат етказмасин (ТQ.33).

Кўплиги бирлик шаклига *-lar, -lär* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинади: *xarač almasunlar* – хирож олмасинлар (ТQ.38); *yolsuz yerdä nämälärini tartip almasunlar* – кимсасиз ерда нарсаларини тортиб олмасинлар (ТQ.33–35); *süsün ulufa tilämäsünlär* – қўшиндан улуфа тиламасинлар (ТQ.44).

Ўтган замон сўзловчи кўплиги *-duq, -dük / -tuq, -tük* қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Улуғ Муҳаммаднинг II Муродга йўллаган мактубида: *Baraq birlä Manşurni qačurduq* – Бароқ билан Мансурни қочирдик (қувдик) (UM.10); *awlaq ašurmağay tep iymaduq* – авлоқ оширмағай дея йўлламадик (UM.12); *sizdin su birlä kiši kelgäy bildük* – сиздан сув (йўли) билан киши келишини билдик (UM.12). Ёки яна Шохруҳ Мирзо нишониди: *beg niš(ā)n bermiš erdük* – беглик нишони берган эдик (Š.7); Тўхтамишхон ёрлиғида: *altun nišanliq yarliq tuttuq* – олтин нишонли ёрлик тутдик (Т.22–23).

Келаси замон *-gay, -gäy / -qay, -käy* қўшимчаси билан ифода этилади: *barča iš könül tilägän-deg bolğay* – барча иш кўнгил тилагандай бўлғай (AS.54); *Kečär dunyāda qiyāmatğa deginč bu yaxši at arada qalğay*. – Кечар дунёда қиёматга қадар бу яхши от орада қолғай (AS.73–74).

Истак шакли *-ali, -äli* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *burunği yaxšilarimiz yosuninča yaxši barišali* – бурунги яхшиларимиз одати бўйича яхши муносабат ўрнатайлик (UM.14); *Bir-birimizniñ dostiğa dost, dušmaniğa dušman bolalı tep söz kečip erdi*. – Бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди (AS.43–44).

Битигларда, ўрни билан, фосийдан ўзлашган тенг боғловчилар ҳам ишлатилади: *sizniñ sağ-u salāmatliqiniñizni bizgä ma'lum qildı* – сизнинг соғ ва саломатлигингизни бизга маълум қилди (A.12); *elči-vu keläcilärimiz* – элчию келувчиларимиз (A.15).

Ўрни билан, арабий ва форсий изофа бирикмалари ҳам қўлланади: *İnç turup tinçliq bilä şām-u sabāh avqāt-i šariflarīda bizgä, dađı biziñ uruğ-uruđimizğa du'ā, alqış etā tursun.* – Қойим туриб, тинчлик билан шому сабоҳ чоғларидаги ибодатларида бизга, яна бизнинг уруғ-аймоғимизга дуо, олқиш эта турсин (ТҚ.46–50).

ОЛТИН ЎРДА ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТЛАРИНИНГ РАСМИЙ ЁЗУВЛАРИ

Олтин Ўрда ва Темурийлар давлатида тарихнавислик, бадиий адабиёт, таълим ва фан соҳаси, давлат девонхоналари ва хўжалик ишларида, расмий-дипломатик муносабатларда икки хил ёзув – эски уйғур ва араб алифболари ёнма-ён ишлатилган.

XIV–XV юзйилликларда қадимги туркий ёзувдан араб хатига ўтиш жараёни бошланди. Шунга қарамай, бадиий адабиёт, тарихнависликда, шу қаторда давлат ҳужжатчилик ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда ҳали уйғур хатининг мавқеи юқори эди. Олтин Ўрда хонларининг кунимизга қадар етиб келган ёрлиқлари, расмий-дипломатик хатлари икки хил ёзувда. Жумладан, Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи уйғур хатида, Темур Қутлуғнинг Муҳаммад исмли кимсага берган тархонлиқ ёрлиғи уйғур хатида битилиб, ўқилиши тагма-таг араб хатида ёзиб чиқилган. Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган расмий-дипломатик хатлари эса араб хатидадир.

Уйғур хатига, айниқса, Темурийлар давлатида эътибор катта бўлди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлар эди. Темурбег ўз давлатининг расмий ишларида, ички ҳамда халқаро дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма адабий тили (“чигатой туркийси”)нинг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш

юритувчи расмий ёзувига айланди. Уйғур хати, араб хати билан баробар Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди (*қаралсин*: Содиқов 2013,36–41; Ғаниева, Содиқов 2013,29–35).

Эски ўзбек адабий тили ёзма меъёрларининг тартибга тушувида, тил услубларининг такомиллашуви, матн тузиш ва китобат ишининг янги бир босқичга эришуви, унинг гуллаб-яшнашида уйғур хатининг ўрни катта бўлганини алоҳида таъкидламоқ керак. Ушбу ёзув мумтоз ўзбек ёзма адабиётининг сара асарларини, темурийлар яратган тенги йўқ обидаларни кунимизгача етказиб келди.

Чиғатой хонлари замонида уйғур хатининг кенг амал қилганлиги тарих китобларида ҳам қайд этиб ўтилган. Машхур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажойбу-л-мақдур фи навоиби Таймур” деб аталган китобида уйғур хатининг тарихи тўғрисида яхши маълумот берган. Тарихчи ёзади: “Улар [чиғатойликлар – Қ.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу уларда ризқ очқичидир” (Рустамов 1976). Ибн Арабшоҳ ушбу маълумотида “Улар ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, битим ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар” деганда давлат ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда, тарихнависликда уйғур хатининг мавқеи юқори эканини кўзда тутган.

Ёзув маданияти тарихида Темурийлар даври уйғур ва араб ёзувларининг ёнма-ён (параллел) ишлатилганлиги билан аҳамиятлидир. Муҳими, ўша кезларда уйғур хатининг мавқеи араб ёзувидан оз эмасди. Ўша чоғлардан қолган туркий адабий асарларнинг қўлёзмалари уйғур ва араб ёзувларида. Ёдгорликларнинг эски, қадимий қўлёзмалари кўпроқ уйғур хатида битилган бўлса, кейинги даврларга тегишлилари араб хатидадир.

Уйғур ёзуви қўлланилмай қўйгач, хон ва бекларнинг кутубхоналарини демаганда, қора улус қадимги туркий ёзувдаги китобларни сақлашга урунмади чоғи. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпи йўқолиб кетган. Эҳтимол, Темурийлар замонида яратилган асарларнинг кўпроқ кейинги, араб хати билан кўчирилган нусхаларигина сақланганлиги шундандир? Нима бўлганда ҳам, ўша даврнинг ёзув маданияти тўғрисида аниқ-таниқ хулоса чиқаришга манбалар етарли.

Ёзма манбаларга таянадиган бўлсак, Темурбег кўзи тириклигида ўз ёрлиқларини, муҳим битигларини уйғур хатида ёздирганлиги аён бўлади. Ана шундай манбалардан бири ўз даврининг улуғ обидаси сифатида тарихда қолган. Бу Темурбегнинг Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғида тошга ёздирган битигидир. Темурбег ёздирган айна битигнинг битилиш тарихи тўғрисида Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий ҳам ўз зафарномаларида маълумот берганлар.

Ёзма манбаларда Темурбегнинг мамлук султони Беркуга ҳам уйғур хатида мактублар йўллагани ҳақида маълумотлар сақланган (*қаралсин*: Sertkaya 1977,8).

XIV–XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда китобат санъати гуллаб-яшнади. Ўша кезлар Язд, Ҳирот, Самарқанд маданий марказларида уйғур хатида битувчи хаттотларнинг мактаблари юзага келди. Темурийлар бу ноёб касб эгаларига доим ғамхўрлик қилдилар, уйғур хати билан ёзувчи котиблар уларнинг оталиғида бўлди. Чунончи, Ҳиротда кўчирилган уйғур ёзувли қўлёзмалар Шохрухнинг, Самарқандда Мирзо Улуғбегнинг, Яздда эса Мир Жалолоддин(Жалолоддин Мир Чақмоқ)нинг буйруғи ва оталиғи остида битилди (Sertkaya 1977,17).

XIV–XV юзйилликларда Олтин Ўрда, Чиғатой хонлари замонида туркий тилда битувчи котибларни *baxšī* деганлар. Ўша кезлар туркий матнлар кўпроқ уйғур хатида ёзиларди. Шунинг учун ҳам *baxšī* кўпинча уйғур хатида кўчирувчи котибни билдирган ва бу сўз унинг отига ҳам қўшиб айтилган. Туркий

ёзма манбаларда ўша даврда яшаб ижод этган бахшиларнинг отлари ҳам қайд этилади (масалан, ўша кезларда яшаб ижод қилган Мансур бахши, Ҳасан Қора Сайил бахши, Зайну-л-Обидин бахши, Абу Малик бахшининг отлари маълум).

Темурийлар замонида битилган бебаҳо ёзма обидаларнинг айримлари ва, аниқ айтиш мумкинки, энг нодирлари кунимизгача етиб келган. Ана шундай нодир қўлёзмалардан бири Юсуф Хос Ҳожиб ёзган “Қутадғу билиг” асарининг уйғур ёзувли нусхасидир (Радлов 1890). Уни Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши 1439 йили Ҳирот шаҳрида кўчирган. Қўлёзма китоб ҳозир Вена Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

“Қутадғу билиг”нинг Ҳирот мактабида кўчирилганлиги Темурийлар замонида ўтмиш адибларининг асарларига эътибор катта бўлгани, шунингдек, қорахонийлар даври адабиёти, эски туркий адабий тил ва ёзув анъанасининг давом этганлигидан далолат беради.

Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намояндаларидан яна бири Абу Малик бахшидир. Унинг кўлидан чиққан нодир қўлёзма ҳозир Париждаги Франция Миллий кутубхонасида (Suppl. Turc., 190) сақланиб турибди. Бахши мазкур қўлёзmani хижрий 840 (=мелодий 1436–1437) йили кўчирган. Қўлёзмага икки йирик асар битилган бўлиб, иккови ҳам форсчадан таржима қилинган (*қаралсин*: Pavet de Courteille 1882; Sertkaya 1977, 12–13).

Қўлёзмадан ўрин олган биринчи асар “Меърожнома”дир. Туркий “Меърожнома”га “Rasul ’alayhi-s-salāmniḡ Me’gājqa baḡḡanī” деб сарлавҳа қўйилган.

Қўлёзмага киритилган кейинги асар “Тазкира-йи авлиё”дир. У Фаридиддин Атторнинг форсча “Тазкирату-л-авлиё” асаридан туркий тилга таржима қилинган.

Самарқанд бахшилари ичида Зайну-л-Обидиннинг доврўғи кетган. Бахши “Ҳибату-л-ҳақойиқ” достонининг таянч матнини яратган. Муҳим жиҳати, Темурийлар даври ўзбек матншунослигида матн тузиш принциплари, қиёсий матн

яратишнинг илмий асослари тугал бир кўринишда ишлаб чиқилган эди. Чунончи, 1444 йили Самарқандда йирик давлат арбоби, адабиёт ва илм-фан ҳомийси, шоир Амир Арслон Хўжа Тархон буйруғи билан Адиб Аҳмад Югнакий “Ҳибату-л-ҳақойиқ” достонининг таянч матни тузиб чиқилди. Арслон Хўжанинг асарни қайта китоб ҳолига келтиришдан мақсади, адиб ўғитларининг хато талқин қилинишига чек қўйиш, уларни тузатиш ва асарнинг таянч, ишончли нусхасини яратиш эди. Таянч матн тузилгач, асарнинг кейинги нусхалари унинг асосида кўпайтирилган. “Ҳибату-л-ҳақойиқ” (“Атабату-л-ҳақойиқ”)нинг ушбу таянч матнини Зайну-л-Обидин бахши тузиб чиқди. Ушбу қўлёзма бизгача етиб келган асар нусхаларининг энг эскиси, тўлиғи ва ишончлисидир. Шунинг билан бирга, қўлёзма ўз даври китобат санъатининг ажойиб ёдгорлиги ҳам (*қаралсин*: Arat 1992, I–LXIII).

Зайну-л-Обидин бахши уйғур хати билан XV аср туркий адабиётининг йирик намояндаси Мир Ҳайдарнинг “Маҳзану-л-асрор” асари ҳамда ўттиз байтли қасидаси, Юсуф Амирий “Даҳнома”сини ҳам кўчирган. Кунимизда ушбу қўлёзмалар ўз даврининг қимматли ёдгорлиги сифатида ардоқланади.

Китобат тарихида Язд хаттотлик мактаби намояндаларининг ишлари айрича ўринга эга. Язд шаҳрида битилган ноёб қўлёзмалардан бири Мансур бахши қаламидан чиққан мажмуадир. Бу китоб ҳозир Британия Музейида Ог. 8193 кўрсаткичи остида сақланиб турибди (Sertkaya 1975; Щербак 1959, 115–123; 1983; Содиқов 1988). Қўлёзма Темурийлар давридан қолган уйғур ёзуви энг чиройли, шунинг билан бирга, китобат санъатининг ажойиб намуналаридан. Матн маҳорат билан кўчирилган, саҳифалари геометрик шакллар ва ислимий нақшларга бой. Уйғур ёзуви матн тўғри чизик бўйлаб ўн олти қатордан ёки турли геометрик шакллар орасига битилган. Мансур бахши ушбу мажмуани 1432 йили кўчирган эди. Мажмуага уйғур хати билан Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” достони, диний-фалсафий мазмундаги “Сирожу-л-қулуб”,

“Масъала китоби”, “Роҳату-л-қулуб” асарлари, шунингдек, Мансур бахшининг қасидаси, Мавлоно Лутфийнинг тўрт ғазали, Қамбар ўғлининг учта, Жавҳарий, Қосим, Саййиднинг биттадан ғазали ва бир нечта тўртлик битилган. Ҳошиясида эса Камол Исмоил Исфакхонийнинг (XIII аср) форсий девони (у араб хатида). Сўнги икки бетининг ҳошиясига уйғур хати билан Рашидиддин Ватвот “Сод калима”сининг бир бўлаги кўчирилган. Мазкур узинди араб ва форс тилидадир.

Мансур бахши уйғур ёзуви билан “Бахтиёрнома” асарини ҳам кўчирган. Уйғур ёзуви мазкур қўлёзма ҳозир Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида (598- кўрсаткичи остида) сақланмоқда. Қўлёзма ҳижрий 838 (=мелодий 1434) йили кўчирилган.

Уйғур хати Темурийлар давлатининг расмий ёзуви ҳам эди. Темурийлар ўз ёрлиқларини, расмий хужжатларини, ҳатто чет элларга юбориладиган хатларини ҳам уйғур ёзувида битганлар. Уйғур хати девон ишларида, расмий-дипломатик ёзишмаларда кенг ишлатилган. Темурбег ўзи ёрлиқларини, қўшни элларнинг ҳуқумдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айна ёзувда. Темурбегнинг ўлимидан кейин Шохруҳ ва Мирзо Улуғбег, Абу Саид мирзо ва унинг ўғли Умаршайх мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида тамғалаган ёрлиқлардан айримлари кунимизгача сақланиб қолган. Шохруҳнинг 1422 йили Ҳирот яқинидаги Боғи шаҳарда Чечактўба мавзеидаги Талхан ота мазорининг мужовури Исмоил номига ёздирган суюрғали, султон Абу Саиднинг 1468 йили Ҳасан бегга юборган битиги, султон Умаршайхнинг 1469 йили марғилонлик Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғи (нишони) шулар жумласидандир (қаралсин: Содиқов 2009,150–163). Улардан Шохруҳ мирзо ҳамда султон Умаршайх ёрлиқлари

фақат уйғур хатида, султон Абу Саиднинг турк султониға йўллаган расмий-дипломатик мактуби эса уйғур хатида битилиб, ўқилиши тағма-тағ араб хатида келтирилган. Англашиладики, Темурийлар давлатида девон ишларида уйғур хати кенг қўлланган. Буни юқоридаги икки ёрлиқ ҳам далиллаб турибди. Султон Абу Саид ҳам давлат хужжатчилиқ анъанасидан чиққани йўқ: Рум вилоятиға йўллаган дипломатик хатини ўз расмий ёзувида ёздириб, турк султониға, девон хизматчиларига тушунарли бўлмоғи учун ўқилишини араб хатида изоҳлаб чиқишға буюрган.

Шу ўринда уйғур хати Темурийлар даврида расмий ёзув сифатида кенг ишлатилганини далилловчи бир мисолға эътибор қаратайлик. Шоҳрух мирзонинг Талхан ота мазори мужовуриға берган уйғур ёзувли ёрлиғида қизиқ бир маълумот бор: хужжатда мазор мужовуриға бундан бурун ҳам суюрғал берилгани, ўша суюрғалнинг имтиёзлари тўғрисида сўз боради (*ёрлиқнинг 4-9- қаторларига қаралсин*). Англашиладики, Шоҳрух мирзонинг мужовурға бундан аввал берган яна бир суюрғал нишони бўлган, табиийки, у ҳам уйғур ёзувида эди.

Яна-да эътиборлиси, айна ёрлиқнинг терс ёғида, ярим белидан қуйроқда қаторасиға муҳр-тамғалар босилган. Муҳр-тамғаларнинг олдиға, чап қанотда ёнламасиға уйғур хати билан *Niṣ(ā)nnī Īsmāyil aldī* деб ёзиб қўйилибди. Хат услуби қоғознинг ўнг бетидаги матн билан бир хил. Афтидан, суюрғал берилмиш киши хужжатни девондан қабул қилиб олаётганида ходим, аниқроғи, ёрлиқни битган котиб ушбу қайдни ёзиб қўйган бўлуви керак.

Султон Умаршайхнинг Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадға берган уйғур ёзувли ёрлиғида ҳам шунга ўхшаш ҳол. Унда ҳам Мир Сайид Аҳмадға бундан бурун ҳам суюрғал берилгани, унинг имтиёзлари устида сўз боради (*ёрлиқнинг 5-6- қаторлари*). Бурунги нишон ҳам, табиийки, уйғур хатида эди. Қоғознинг терс юзида еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа

яна шу бетга уйғур хати билан икки жумла ёзиб қўйилибди. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barin baxši bilä*, куйроқдагиси эса *roznāma bitildi* деб ўқилади. Ушбу қайдлар ҳам, юқоридаги ёрликда бўлгани сингари, идоранинг хужжат қабул қилувчи ходимиға тегишли чиқар.

Бу мисоллар ўша давр ёзув маданияти, уйғур хатининг мавқеи тўғрисида узил-кесил хулоса чиқаришимизға имкон беради.

Умуман, туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида уйғур хатининг аҳамияти катта бўлди. Унинг тарихий тараққиёти давомида Темурийлар даври муҳим босқич саналади. Қадимги турк ёзув маданияти узлуксизлигини таъминлашда, уйғур хатининг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётдаги ўрнини белгилашда, расмий ва дипломатик муносабатлардаги мавқеини таъминлашда темурийларнинг хизмати катта бўлди.

Энди, шу ўринда икки оғиз, темурийлар даври ёзув маданияти, унинг қўшни элларға таъсири билан боғлиқ бир масала тўғрисида. XV юзйилликнинг иккинчи ярмиға келиб Мовароуннаҳр ва Хуросон билан Рум ўртасида адабий ва маданий алоқалар кучайди. Турк султонлари темурийларға эргашиб, ўз саройларида, адабий доираларда қадимги туркий-уйғур хатини оммалаштиришға катта эътибор қаратдилар. Буни юзаға чиқариш ҳаракатида Темурийлар мамлакатидан ўта билимли, уйғур хатини яхши билган етук бахшилар (уйғур хатида битувчи котиблар) чақиртирилган. Замонасининг ана шундай етук ўқимишлиларидан бири Абдурраззоқ бахши эди. У асли самарқандлик бўлиб, кейинчалик турк султонининг чорловиға кўра Истанбулға борган ва ўша ерда уйғур ёзувли матнларни кўчириш билан шуғулланган. Унинг яхшигина шеърлари ҳам бор. Бахшининг исми-шарифи уйғур ёзувли манбаларда *Šayxzāda 'Abdulrazzāq baxši*, *'Abdu(r)razzāq Šayxzāda baxši* деб берилган. Шеърларида эса отини *'Abdurrazzāq* деб атайди.

Уйғур ёзувли нодир китоблар Абдурраззоқ бахшининг сўровига кўра Самарқанд, Ҳирот, Язд сингари маданий марказлардан Истанбулга (Қустананияга) олиб борилган. Масалан, “Қутадғу билиг”нинг 1439 йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган нусхаси, “Ҳибату-л-хақойиқ”нинг 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши кўчирган нусхаси Истанбулга олиб кетилганлиги манбалардан аён. Ҳатто “Қутадғу билиг” ҳирот кўлёмасининг охириги бетига уйғур ёзуви билан ушбу китобнинг Ҳиротдан Тўқатга, у ердан эса Абдурраззоқ бахши учун 879 (=мелодий 1474) йили Истанбулга келтирилганлиги ёзиб қўйилган. Мана ўша ёзуви: *Ta'rixqa sekiz yūz yetmiş toquzda yilan yil bu Qutadғu bilig kitapni Abdu(r)razzāq Şayxzāda baxši ũçin İstambulda Toqattin Fanari oғli Qāzi 'Ali bitig yibarip keltürdilär. Mubārak bolsun, davlat kelsün, mehnat ketsün* (Тарих (ҳижрий) саккиз юз етмиш тўққизда, илон йили, бу “Қутадғу билиг” китобини Абдурраззоқ Шайхзода бахши учун Фанари ўғли Қози Али Истанбулдан хат юбориб Тўқатдан келтирдилар. Муборак бўлсин, давлат келсин, заҳмат кетсин) (Радлов 1890,189). Бахши “Қутадғу билиг”нинг ушбу кўлёмасидан бошқа бир нусха кўчирганми-йўқми, буни билмаймиз.

Абдурраззоқ бахши Истанбулда 1480 йили уйғур ва араб ёзувлари билан кўчирган ўта нодир мажмуа маълум. Қўлёмза Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида 4757- кўрсаткичи билан сақланмоқда. Мажмуага Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-хақойиқ” асари, Мавлоно Лутфий ва Саккокий шеърлари ва бошқа бир қанча асарлар киритилган (*тавсифига қаралсин*: Агат 1992,27–30). Ундаги “Ҳибату-л-хақойиқ” асари, Мавлоно Лутфий ва Саккокий шеърлари икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, ўқилиши тагма-таг араб ҳарфларида берилган (Sertkaуа 1973,15–32; Levha XI–XXV). Муҳими, бахши ушбу мажмуани тузганда ундаги “Ҳибату-л-хақойиқ” матнини асарнинг уйғур ёзувли самарқанд кўлёмасидан олиб кўчирган. Англашиладики, Абдурраззоқ бахши кўчирган асарлар, асосан, уларнинг уйғур

ёзувли қўлёзмаларидан олинган. Ёзув анъанасини сақламоқ учун, шунинг билан бирга, асарни кўпчилик ўқий олишини кўзда тутган ҳолда, ўша замон туркий матнчилигида русум бўлган усулни қўллаб, матнларини икки хил ёзувда битган.

Бугина эмас, бахшнинг сўровига кўра Истанбулга Лутфий ва Саккокийнинг уйғур хатида битилган девонлари ёки уйғур ёзувли мажмуалар ҳам келтирилган бўлуви керак. Абдураззоқ бахши тузган мажмуадаги шеърлар кунимизгача сақланмаган ўша қўлёзмалардан (девон нусхалари ё мажмуалардан) олинган, дея тахмин қилса бўлади.

УЙҒУР АЛИФБОСИ ВА ҲАРФ-ТОВУШ МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Махмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғатит турк” асарида уйғур алифбосини келтиради ва ҳар қайси белгининг тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини ҳам беради.

У ёзади: “Туркий тилларда қўлланадиган асосий ҳарфлар сони ўн саккизта. Туркча ёзув(كتابة التركية)да шулар қўлланилади. Уларнинг ҳаммасини қуйидаги сўзлар қамрайди:

اخوك، لف، سمج، نزق، بذر، شتيا

Айириб кўрсатилса, қуйидагича бўлади:

ا ب خ و ز ق ي ك د
م ن س ب ج ر ش ت ل

Арабчада бу ҳарфларнинг тенгдош сираси а б т т сингаридир (МК.І.47–48).

Алифбо таркибидаги ҳарфларнинг кўпвазифалилик хусусияти ҳақида Махмуд Кошғарий алоҳида тўхталган. Унинг таъкидлашича, туркий тилдаги етти товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. У ёзади: “Бу асосий ҳарфлардан бошқа талаффуздагина (ёзувда эмас) ифодаланувчи яна еттита ҳарф борки, туркий сўзлар бу ҳарфларсиз ишлатилмайди. Булар қаттиқ талаффуз қилинадиган ب “bā” [яъни p] ҳарфи, арабча ج “jīm” ҳарфи – арабча “jīm” (бу луғатда, яъни туркчада кам қўлланилади), ز “zā” билан ش “šīn” оралиғида талаффуз этиладиган ژ “zā” ҳарфи; арабча و w ҳарфи; нуқтали غ “ğayn” ҳарфи; ق “qāf” билан ك “kāf” ҳарфлари оралиғида талаффуз этиладиган юмшоқ ك “kāf” [g], “kāfi ġunna” билан غ “ğayn” оралиғида ҳамда ق “qāf” билан ن “nūn” оралиғида талаффуз этиладиган نك η ҳарфларидир.

Бу ҳарфларни талаффуз қилишда турклардан бошқалар қийналадилар. Бу ҳарфлар ўша юқоридаги ҳарфлардек ёзилади, тепасига нуқта қўйилиб айрилади” (МК.1.48). Кошғарийнинг ушбу маълумотиغا кўра уйғур ёзувида қуйидаги товушлар бир хил ҳарфлар билан ифода этилганлиги аён бўлади: k–g, x–ğ, č–j–ž, w–f. Сонор η эса ёзувда икки ҳарф (n+k) билан берилган.

Алифбо ҳарфлари сонига Ибн Арабшоҳ ҳам тўхталган: “... Озлигининг ва шу сон билан чекланганлигининг сабаби бўғиз ҳарфларини бир хил шаклда ёзадилар. ... махражда (артикуляцияда) бир-бирига яқин бўлган b ва f каби, z, s ва š каби, t, d, ṭ каби ҳарфлар ҳам шундай” (Рустамов 1976,39).

Уйғур алифбосида ҳарфлар сони оз бўлишига қарамай, ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Қатор ҳарфларга бир эмас, бир қанча товушни ифодалаш вазифаси юклатилган. Айниқса, ёзувнинг кейинги босқичида (XI–XV асрларнинг ёдгорликларида) баъзи товушларни айириб кўрсатиш учун қўшимча нуқта ва ишоратлардан унумли фойдаланилган. Имло пухталиги ва қўшимча график воситалар ёзувнинг имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам уйғур хати юзйилликлар оша туркий тилнинг фонетик-фонологик талабларини тўла қондириб келди.

Алифбодаги ҳарфларнинг оти ҳам бор. Уларнинг оти хар қайси ҳарф ифодалаган товушга “*fatxa*” қўшиб ҳосил қилинган: *a, wa, xa, va, za, qa, ya, kā, ḍa, ta, na, sa, ba, ča, ra, ša, ta, la*. Бу кетма-кетлик қатъий алифбо тартибидадир. Ёдлашни қулайлаштириш учун алифбо ҳарфларини тартиб билан учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaḥa, vazaqa, yakāḍa, manasa, bačara, šatala* тарзида ўқилган.

Уйғур ёзувининг ўзига яраша белгиларидан бири, унда унлилар араб хати сингари ҳаракатлар билан эмас, мунтазам ифода этилган. Маҳмуд Кошғарий *kelin* сўзининг уйғур ва араб хатида ёзилишига тўхталиб, шундай ёзади:

گن *kelin* – келин. Ўрта ҳарфи “*fatxa*” ли бу хил сўзлар аслида “*alif*” билан қўшиб ёзилиши керак эди. “Туя товони” маъносида келган تين *tupun* каби сўзларда ҳам икки “*alif*” [яъни *a*] билан ёзилиши керак эди. Бу ҳолда сўз ўзагида арабча ёзувда бўлмаган

икки “*alif*” [яъни *a*] орттирилган бўлади: تايان *tayan*; шунингдек, تين *tupun* каби ўртаси “*zamma*” ли сўзларда икки “*vāv*” [яъни *u*] шакли орттириб ёзилиши қоидадир:


توپون *tupun* каби. Шунингдек, گن *kelin* сўзида


бир “*yā*” [и] орттириб ёзилади: كالين *kalin* каби. Биз кўрсатмаган бошқа сўзларда ҳам аҳвол шу. Бу сўзларда орттириб, қисқартириб қўллаш мумкин. ... Чўзиб ва қисқартиб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди. Лекин орттириб ёзиш мумкин бўлганидай, қисқартиш ҳам янглиш эмасдир. Балки қисқартиш мувофиқ (МК.І.384).

Уйғур алифбосидаги ҳарфлардан учтаси, ўрни билан, унлиларни ифодалашга хизмат қилган: “*a*” ҳарфи [a]–[ā~e] унлиларини, [y] ундошини ифодаловчи “*ya*” ҳарфи [i]–[i~e] ни, “*va*” ҳарфи эса [u]–[ū]–[o]–[ō] унлиларини англатади.

Ёзувнинг илк боскичида (қадимги туркий битигларда) ҳатто олд ва орқа қатор унлилар ҳам фарқланган. Ёзувнинг бу хусусияти оромий алифбоси (ҳарқалай, суғд хатини бўлиши керак) туркчалаштириш жараёнида вужудга келган эди. Чунончи, суғдча ёзувда чўзиқ [ā] товуши қисқа [a] дан қўшалок алиф орқали ёзилиши билан фарқланган. Турклар суғд хатини ўзлаштириш чоғида унинг баъзи принципларини ўз тилларига мослаштириб олганлар. Суғд хатида чўзиқликни англатувчи график белгилар уйғур ёзувида чўзиқ-қисқаликни эмас, туркий тил учун муҳимроқ бўлган олд ва орқа қатор унлиларини (яъни “ингичка” ва “йўғон” унлиларни) фарқлашга хизмат қила бошлади. Турфондан топилган қадимги будда, моний матнларида сўз бошида қўшалок <aa-> ҳарфи орқа қатор, “йўғон” [a] ни, оддий <a-> эса олд қатор, “ингичка” [ä (-e)] унлисини ифодалаган. Кейинчалик орқа қатор [a] товуши учун ҳам оддий <a-> ҳарфидан фойдаланиладиган бўлди. Сўз боши ва биринчи бўғинда олд қатор “ингичка” [ö]–[ü] унлиларини ифодалаш учун ҳам қўшалок белгидан фойдаланилган: “va” ҳарфи ёзилиб, унга “ya” уланган. Олд қатор лабланган унлилар ёзувда шу усул билан орқа қатор [o]–[u] унлиларидан фарқ қилади. Лекин XIV–XV асрларнинг ёдгорликларида, хусусан, биз сўз юритаётган расмий ёрлиқлар хатида бундай эмас: лабланган “ингичка” унлилар “йўғон” унлилардан ёзувда фарқланмайди, улар бир хилда ёзилади.

Уйғур алифбосидаги ҳарфларнинг аксарияти полифоник хусусиятга эга. Бунинг сабаби алифбонинг ихчам бир шаклда тузилганлигида. Туркий халқлар ўтмишда фойдаланган алифболарнинг энг ихчамлари ҳам уйғур алифбоси эди. Унинг имло принциплари жуда ўйлаб ишлаб чиқилган эди. Ўтмишдаги ёзувлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ёзувнинг қулай ё ўнғайсизлиги, тилнинг фонетик-фонологик тизимига қай даража жавоб берганлиги алифбодаги ҳарфларнинг оз-кўплигида эмас экан, балки имло қоидаларининг пухта тузилганлигидадир.

Махмуд Кошғарий алифбосидаги айрим ҳарфлар вазифасини тўғри англамоқ керак (қаралсин: Содиқов 2013,46–51). Жумладан, алифбода иккинчи ўринда жойлашган  ҳарфини араб алифбосидаги ﺩ ҳарфи билан изоҳлаган. Муҳими шундаки, туркий ёдгорликлар тилида $[v]$ товуши икки хил: лаб-тиш $[w]$ ҳамда лаб-лаб $[v]$ вариантга эга. Лаб-тиш $[w]$ варианты араб ёзувли матнларда ﻑ ҳамда ﺩ ҳарфлари билан берилган. Кошғарий уйғур ҳарфининг остига ﺩ ни қўйиш билан ﻑ $[w]$ ни назарда тутати. Яна бир томони, унинг ушбу изоҳидан туркий сўзларда ﻑ $[w]$ нинг ﺩ $[v]$ қараганда устун эканлигини англаса бўлади.

Алифбода тўққизинчи ўринда турган –  $\langle d \rangle$ ҳарфининг вазифаси ҳам эътиборни ўзига тортади. Махмуд Кошғарий ушбу ҳарфининг остига арабча ﺩ ҳарфини қўйиб, унинг тишора $[\delta]$ товушини ифода этганлигига ишора қилган. Муҳими шундаки, алифбода ﺩ $[d]$ ни билдирувчи ҳарф кўрсатилмайди. Бироқ, таъкидлаш керак, “Девону луғатит турк”да ﺩ $[d]$ билан келувчи сўзлар анчагина.

Ҳар қайси ҳолда ҳам алифбода ﺩ $[\delta]$ ни англатишига ишора этилган тўққизинчи ҳарф ўша даврнинг уйғур ёзувли матнларида $[d\sim\delta]$ вазифасини бажарган. Ҳақиқатан, XI–XIV асрларнинг араб ёзувли туркий матнларида тишора ﺩ $[\delta]$ ундоши билан қўлланган сўзлар ҳам, ﺩ $[d]$ ундоши билан келган сўзлар ҳам уйғур ёзувли матнларда ана шу ҳарф билан ёзилади. Махмуд Кошғарийнинг ушбу ҳарф ﺩ $[\delta]$ товушини англатган деб изоҳлагани бежиз эмас. У алифбода ﺩ $[d]$ ни эмас, ﺩ $[\delta]$ ни кўрсатганлигига сабаб ҳар иккисини вариант сифатида қараганлигидир.

Шунинг сингари алифбодаги $\langle \check{c}a \rangle$ ҳарфининг вазифаси ҳам мураккаб: у $[\check{c}]$, $[j]$ фонемалари билан бир қаторда, сирғалувчи $[\check{z}]$ товушини ҳам ифода этган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Махмуд Кошғарий келтирган ўн саккиз ҳарфли алифбо асосида ҳарфларнинг вазифалари қуйидагича эканлиги аён бўлади:

1	<a>	ҳарфи – [a], [ā~e]; ўзлашган сўзлардаги [h];
2	<wa>	ҳарфи – [v~w], ўзлашган сўзлардаги [ʃ];
3	<xa>	ҳарфи – [x], [ǧ], ўзлашган сўзлардаги [h];
4	<va>	ҳарфи – [o], [ö], [u], [ü];
5	<za>	ҳарфи – [z], [s], [ž];
6	<qa>	ҳарфи – [q], [ǧ], ўзлашган сўзлардаги [h];
7	<ya>	ҳарфи – [y]; [i], [i], [~e];
8	<kā>	ҳарфи – [k], [g];
9	<ḍa>	ҳарфи – [d~ḍ], [t];
10	<ma>	ҳарфи – [m];
11	<na>	ҳарфи – [n];
12	<sa>	ҳарфи – [s], [z], турфон матнларида баъзан [ž];
13	<ba>	ҳарфи – [b], [p];
14	<ča>	ҳарфи – [č], [j], [ž];
15	<ra>	ҳарфи – [r];
16	<ša>	ҳарфи – [š];
17	<ta>	ҳарфи – [t], [d~ḍ];
18	<la>	ҳарфи – [l] фонемасини ифода этади.

ЁРЛИҚ ВА МАКТУБЛАРНИНГ ХАТ УСЛУБИ

Қўлёзма манбалар, хусусан, хон ва султонлар номидан битилган ёрлиқлар, улуслараро дипломатик мактублар устида сўз борганда, қўлёзманинг хат услубига, палеографиясига ҳам эътибор қаратилмоғи керак. Чунки улар кунт билан кўчирилган, хати ниҳоятда чиройли. Битигчилар ҳужжатнинг мазмуни, имлосигагина эмас, хат кўриниши: кўрки, қўлёзманинг эстетик жиҳатлари, матн каллиграфияси, палеографиясига ҳам алоҳида

1	<a>	ҳарфи – [a], [ä~e]; ўзлашган сўзлардаги [h];
2	<wa>	ҳарфи – [v~w], ўзлашган сўзлардаги [f];
3	<xa>	ҳарфи – [x], [ğ], ўзлашган сўзлардаги [h];
4	<va>	ҳарфи – [o], [ö], [u], [ü];
5	<za>	ҳарфи – [z], [s], [ž];
6	<qa>	ҳарфи – [q], [ğ], ўзлашган сўзлардаги [h];
7	<ya>	ҳарфи – [y]; [i], [i], [~e];
8	<kä>	ҳарфи – [k], [g];
9	<ða>	ҳарфи – [d~ð], [t];
10	<ma>	ҳарфи – [m];
11	<na>	ҳарфи – [n];
12	<sa>	ҳарфи – [s], [z], турфон матнларида баъзан [ž];
13	<ba>	ҳарфи – [b], [p];
14	<ča>	ҳарфи – [č], [j], [ž];
15	<ra>	ҳарфи – [r];
16	<ša>	ҳарфи – [š];
17	<ta>	ҳарфи – [t], [d~ð];
18	<la>	ҳарфи – [l] фонемасини ифода этади.

ЁРЛИҚ ВА МАКТУБЛАРНИНГ ХАТ УСЛУБИ

Кўлёзма манбалар, хусусан, хон ва султонлар номидан битилган ёрлиқлар, улуслараро дипломатик мактублар устида сўз борганда, кўлёманинг хат услубига, палеографиясига ҳам эътибор қаратилмоғи керак. Чунки улар кунт билан кўчирилган, хати ниҳоятда чиройли. Битигчилар ҳужжатнинг мазмуни, имлосигагина эмас, хат кўриниши: кўрки, кўлёманинг эстетик жиҳатлари, матн каллиграфияси, палеографиясига ҳам алоҳида

аҳамият берганлар. Хатнинг нечоғли кўркли бўлиши сиёсий масала: у юрт эгасининг обрў-эътиборини белгилайди.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг ёрлиқлари ҳамда мактублари уйғур ва араб ёзувларида битилган. Ёзувнинг ҳар икки тури ҳам ўз услуби, хат шакллариغا эга. Энди уларнинг ҳар иккисини айри-айри кўриб чиқамиз.

Уйғур ёзувида битилган ёрлиқларнинг хат услуби

Уйғур ёзуви V–VI юзйилликларда яратилган¹ бўлса, ўзининг ўзақдош алифбодан (яъни оромий-суғд алифбосидан) ажралиб чиққандан кейинги узоқ асрли тарихи давомида мураккаб ҳарфий-функционал, палеографик-услубий такомил босқичини ўтди. Ушбу ёзувда ҳарфларнинг бир-бирига улаб ёзилганлиги китобат ишида, амалиётда жуда қўл келган (қадимги турклар кўк турк хатини ташлаб, уйғур хатига ўтганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда бўлса керак). Ёзувнинг бу хусусияти, ўз навбатида, бир қанча хат услубларининг яратилишига олиб келди. Илк ўрта асрлардаёқ унинг бир қанча хат услублари яратилган. Маълумки, китобатчиликда, ёзув амалиёти тарихида хат услуби матннинг мазмунига, турига қараб танланган. Будда, моний диний-фалсафий асарлари ёзувнинг сайланган классик, нафис каллиграфик турида битилган бўлса, ижтимоий турмуш шароитида, олди-берди

¹ Фанда уйғур ёзуви суғд алифбоси негизида уйғур хоқонлиги даврида (745–840) шаклланганлиги қайд этилади. Бироқ, уйғур ёзувининг шаклланиш жараёнини муайян бир давр ёки ёзма ёдгорлик билан боғлаш қийин. Чунки бу узоқ бир тадрижий жараёنни қамрайди. “Уйғур хатининг шаклланиши” деганда суғд хатининг (аниқроғи, оромий ёзув тизимининг) туркчалаштирилиши, ҳарфий белгиларнинг палеографик-функционал жиҳатдан туркий тил фонетик тизимига мослашуви тушунилади. Шундай экан, турклар уйғур хоқонлигидан анча бурун ҳам оромий ёзуви билан таниш бўлиб, уни ўз тилларига қўллаб улгурган эдилар (*қаралсин*: Содиқов 1992,37–39).

васиқаларида, кундалик ишларда, таълим соҳасида ёзувнинг тезкор (курсивли) югурик туридан фойдаланилган. Жумладан, монийчилар тавбаномаси “Хуастуанивт”нинг Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзмаси, “Майтри симит нўм битиг”нинг Кумул нухаси, “Сюань-цзан кечмиши”, “Олтун тусли ёруғ” асарларининг қўлёзмалари уйғур ёзувининг классик хат услубида кўчирилган. Расмий ҳужжатлар, турлари ва аҳамиятига қараб, икки хил хат услубида битилган: хонларнинг ёрлиқлари кўпинча классик хат услубида, олди-берди васиқалари эса тезкор югурик хатда.

Муҳими шундаки, кейинги юзйилликларда ҳатто диний-фалсафий, бадий асарлар, давлат миқёсидаги ҳужжатларни битишда ҳам ёзувнинг тезкор югурик тури оммалашиб кетди.

XI–XV юзйилликларга келиб уйғур палеографияси янги босқичга кўтарилди. Бу давр палеографиясида ёзувнинг қадимги услуби билан кейинги давр палеографиясининг уйғунлигини кузатиш мумкин. Бу даврлардан қолган ёзма ёдгорликлар, айниқса, Темурийлар давридан сақланган матнлар Ўрта Осиёда уйғур палеографияси анча такомиллашганидан далолат беради. Шуниси қизиқки, бу чоғларда қадимги ёзув ва китобат анъанаси давом этибгина қолмай, бир-биридан ажралиб турувчи хат услублари ҳам юзага келган. Биз тадқиқ этаётган расмий ҳужжатлар ҳам турли хат услубларидадир.

Матнларнинг бир-биридан ажралиб турувчи хат услублари мазкур ёдгорликлар билан шуғулланувчи мутахассислар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Жумладан, В. Радлов уйғур хат услублари бўйича фикр юритар экан, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратади (Radloff 1891, XCIII):

(1) Ислом-уйғур ёзув шакли (*Der mohammedanische uigurische Schrift-character*). Бу хат шаклини ўз ичида бир қанча гуруҳга бўлади:

(а) тўғри чизик бўйлаб ёзилган хат шакли (*In steifen Schriftzügen und geradlinigen Ausläufern*). Бунга “Қутадғу билиг”нинг ҳирот қўлёзмаси, “Меърожнома”, “Тазкира-йи

авлиё” ҳамда Мир Ҳайдар “Маҳзану-л-асрор” асарларининг қўлёзмаларини киритади;

(b) синиқ ёзув шакли (*In mehr geschweiften Schriftzügen*). “Бахтиёрнома”нинг хати бунинг намунасидир;

(c) қиррали шаклга эга бўлган, хужжатлар ёзуви (*In eckiger Fracturzügen (Documentenschrift)*). Хатнинг бу шаклига Темур Қутлуғ ёрлиғи, “Қутадғу билиг” кўчириб тугаллангандан кейин ёзиб қўйилган тўрт қаторли матн, шунингдек, Абдураззоқ бахши шеърларининг ёзув шакли киритилган.

(2) Мўғул-уйғур ёзув шакли (*Der mongolisch-uirgurische Schrift-charakter*). Ушбу хат тури ўз ичида иккига бўлинади:

(a) тўғри чизиқ бўйлаб ёзилувчи хат (*Mit geraden Ausläufern*). Бу хат шаклига “Ўғузхоқон” достони киритилади;

(b) синиқ ёзув шакли (*Mit geschweiften Ausläufern*). Бунга мисол қилиб Тўхтамишхон ёрлиғи келтирилган.

(3) Хитойча-уйғур ёзув шакли (*Der chinesisch-uirgurische Schrift-charakter*). В. Радлов хатнинг бу шаклига хитой императори номига тепадан пастга қараб дастлаб уйғур хатида ёзилган, сўнгра хитойча таржимаси берилган мактубни мисол келтиради.

В. Радлов таснифига разм солинса, унда ислом даври ёдгорликлари учун алоҳида хат шакли (*Der mohammedanische uigurische Schrift-character*) қўлланилганлиги таъкидланган. Ўрта Осиёда кўчирилган матнларда араб алифбосидаги ҳарфлардан диакритик белги сифатида кенг қўлланганлигини кўзда тутадиган бўлсак, бу мулоҳазага қўшилиш мумкин. Бироқ, бу давр ёдгорликларини асар мазмуни ёки характеридан келиб чиқиб хат шаклига ажратиш кўп ҳам ўзини оқламайди. Қолаверса, ислом даври ёдгорликларида қўлланган уйғур курсиви, А.М. Шчербак таъкидлаганидек², алоҳида хат шакли

² (Шчербак 1983,76): “... дополнительные знаки, будучи буквами или диакритиками арабского алфавита, не являются конститутивными элементами уйгурских букв, и мы не вправе рассматривать их как единое целое с последними. Иными словами, мы имеем дело не с

эмас. Уйғур хатининг ушбу югурик тури қадимги даврда ҳам амал қилган (бу ўринда васиқаларда, айрим буддавий киссаларда қўлланган хат услуги кўзда тутилаётир).

Шунингдек, В. Радлов таснифидаги “хужжатлар ёзуви” (*Documentenschrift*)да хужжатлардан ташқари, бадий асарлар ҳам битилган. Масалан, “Ҳибату-л-ҳақойиқ”нинг истанбул қўлёзмаси, Мавлоно Лутфий шеърлари ҳам ана шу хат туридадир. Ана шуларни кўзда тутиб, XI–XV асрларда Ўрта Осиёда, шу қатори Олтин Ўрда ва Темурийлар давлатининг маданий марказларида қўлланган хат турларини қуйидаги уч гуруҳга ажратишимиз мумкин (Содиқов 1992,64–72):

Биринчи гуруҳ ёдгорликлар хати. Бу гуруҳга В. Радлов таснифидаги “ислом-уйғур ёзув шакли”нинг *a* ва *b* пунктларини киритиш мумкин. Бу хат шакли югурик раvon шаклли бўлиб, у Ўрта Осиёда кенг қўлланилган. Хатнинг бу турида “Қутадғу билиг”, “Ҳибату-л-ҳақойиқ”нинг самарқанд қўлёзмаси сингари ёдгорликлар битилган. Биз тадқиқ этаётган Шоҳруҳ мирзо ёрлиғи, султон Умаршайх ёрлиқлари ҳам ана шу хат услугидадир.

Иккинчи гуруҳ ёдгорликларининг хати. Бу хат шакли кўпроқ уйғур хатида битилиб, тагма-таг араб хатида изоҳлаб чиқилган матнларда қўлланган. У қирғали кўринишга эга (В. Радлов таснифидаги “хужжатлар ёзуви”га тўғри келади). Ушбу хат турида Темуr Кутлуғ ҳамда Абу Саид ёрлиқлари битилган.

Учинчи гуруҳ ёдгорликларининг хати. Бу ҳарфлари чўзиқ шакли хат туридир (В. Радлов таснифидаги “мўғул-уйғур ёзув шакли”га тўғри келади). “Ўғузхоқон” достони, шунинг билан бирга, Тўхтамишхон ёрлиғи ҳам ана шу хат туридадир.

Шундай қилиб, биз ўрганаётган уйғур ёзувли ёрлиқларнинг хат услуги учга ажралади. Яъни, Шоҳруҳ мирзо ҳамда султон Умаршайх ёрлиқлари бир хат услугида; Темуr Кутлуғ ҳамда Абу Саид ёрлиқлари уйғур хатининг иккинчи бир услугида;

особым типом уйгурского письма, а с обычным уйгурским курсивом, комментируемым при помощи арабских букв и диакритик”.

Тўхтамишхон ёрлиғи эса ёзувнинг учинчи бир услубида битилган.

Энди хат услуби билан боғлиқ бошқа бир масала. Юқорида Шохруҳ мирзо ҳамда Умаршайх ёрлиқлари “Қутадғу билиг”, “Ҳибату-л-ҳақойиқ”нинг самарқанд нусхалари битилган ёзув услубида эканлиги қайд этилди. Муҳими шундаки, бадий асарлар матнини кўчиришда турли диакритик белгилардан, араб алифбосининг айрим ҳарфларидан қўшимча ишорат сифатида фойдаланилган. Лекин расмий матнларда диакритик белги ва ишоратлар умуман ишлатилмайди. Расмий матнлар ёзувининг мураккаблиги ва ўзига хослиги ҳам ана шунда. Матнлар ниҳоятда тартибли ва чиройли, аммо диакритик белгилар ишлатилмаганлиги айрим сўзларни ўқиш, ундан маъно чиқаришда қийинчилик туғдиради. Бугина эмас, бошқа гуруҳга тегишли матн услубидаги ёрлиқларда ҳам шундай, диакритик белгилари йўқ. Кўринадики, расмий матнлар учун ана шундай хат услуби сайланган.

Ёрлиқлар хон ва султонлар тилидан битилган; котиблар (бахшилар) юрт эгаларининг айтиб тургани бўйича ёзганлар. Таъкидлаш ўринлики, ёрлиқлар котиблар томонидан бир йўла оққа ёзиб кетилмаган. Бошлаб ёрлиқ султонларнинг оғзидан эшитиб қораламага ёзиб олинган. Ундан кейин чиройли хат билан оққа кўчирилган. Ёрлиқлар хати ўта чиройли эканлиги ҳам ана шундан дарак беради. Дарвоқе, Темур Қутлуғ ҳамда султон Абу Саид ёрлиқлари икки хил ёзувли: уйғур хатида битилиб, унинг ўқилиши тагма-таг араб хатида ёзиб чиқилган. Таг қатордаги ёзувнинг сиёҳи бошқа рангда, ёзув услуби ҳам айри. Уйғур ёзувлиси қорада, тагидаги араб ёзувли матн эса қизил сиёҳда. Воҳоланки, бахши икки хил ёзувли, устига-устига тартибли, чиройли хатни бир йўла, ҳуқумдорнинг айтиб туришига қараб ёзиб кетолмаслиги аниқ. Демак, биз ўқиб турган ёрлиқ ва хатларнинг бари қораламадан олиб ёзилган, эътиборли нусхалардир.

Араб ёзувида битилган ҳужжатларнинг хат услуби

Расмий ҳужжатларда, девонхоналарда хат услубини танлашда матннинг адресатга тушунарли бўлиши билан бир қаторда, унинг эстетик жиҳатларига, чиройига, халқаро расмий-дипломатика талабларига ҳам жиддий аҳамият берилган. Араб ёзуви расмий ҳужжатлар ниҳоятда эътибор билан, ўта маҳоратли хаттотлар томонидан битилган. Бундай матнларда бир неча хат услубини кузатишимиз мумкин. Жумладан, уйғур ёзувида битилиб, тағма-тағ араб хатида ўқилиши берилган матнларда, асосан, настаълиқ услубидан фойдаланилган. Бунинг сингари ҳужжатларда асосий сатрдаги уйғур ёзувининг хат услуби ҳам катта ўрин тутаяди; уларда ҳар икки ёзув (уйғур ва араб ёзувлари) ўзаро уйғунлашиб матн кўркини таъминлайди.

Фақат араб ёзувида битилган ҳужжатларда бутун эътибор ана шу ёзувга қаратилади; унинг тушунарли ўқилиши, матн каллиграфиясига урғу берилади. Бундай ҳужжатлар кўпинча, айни мақсадлар учун ихтиро қилинган девоний, шунинг билан бир қаторда, настаълиқ хатларида битилган. Муҳим ўринлари, айниқса, мактубнинг бош жумлалари сулсада ҳам ажратиб ёзилган.

Девоний хати нисбатан мураккаб бўлиб, ҳарфлари эгри чизикли қилиб чўзилади ва сатрлар бир-бирининг ичига киргизилади. Девоний хатининг майда ёзилгани *девоний-хафий*, йирик ёзилгани *девоний-жалий* дейилган. Амалиётда девоний-жалий кўпроқ ишлатилган (Ҳақимов 2013,91). Девоний хати, одатда, кўлёма китобларнинг илк саҳифаларида, баъзан фаслларнинг бошланишида учраб туради. Бу хат туридан нақшларда, қуш тасвирларини чиқаришда кенг фойдаланилган. Хаттотлар ярим ой шаклини ва бошқа диний рамзларни беришда ҳам девоний хатини қўллаганлар. Энг муҳими, девоний хати девон ишлари, ҳужжатлар учун мўлжалланган эди.

Яна бир жиҳати, расмий-дипломатик матнларда диакритик белгилар ишлатилмайди (уйғур ёзуви матнларда ҳам қўшимча ишоратлар ишлатилмагани юқорида таъкидланган эди). Бу ҳам

бўлса, ўрта аср дипломатикасининг ўзига яраша белгиларидан биридир.

Ёрлиқ ва мактубларга урилган тўртбурчак бичимли муҳрлар учун эса ёзувнинг бошқа бир услуби танланган: улар куфий хатида.

ЮРТ ЭГАЛАРИНИНГ АДРЕСАТГА ҚАРАТИЛГАН СЎЗИ ВА СИЁСИЙ, РАСМИЙ-ДИПЛОМАТИК НУТҚ СТИЛИСТИКАСИ

“*Сиёсий, расмий-дипломатик нутқ*” деганда хоқонлар, хонлар, султонларнинг, давлат арбобларининг эл-улусга қарата айтган сўзлари, расмий мурожаати, ёрлиғи, ҳукумат идораларига кўрсатмалари, турли юрт эгалари билан ўзаро ёзма мулоқоти англашилади.

Улус эгасининг сиёсий, расмий нутқи *икки турли* бўлади. *Биринчиси, оғзаки нутқ* – хон ва султонларнинг оғзаки буйруқ ва кўрсатмалари, кишилар билан бўлган расмий мулоқоти. Ёзма манбаларда бунга мисоллар кўп. Жумладан, араб сайёҳи ва тарихчиси Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сида Мовароуннаҳр султони Алоуддин Тармаширин билан бўлган тасодифий учрашуви тўғрисида ҳикоя қила туриб, шундай ёзади: “Мен у ерда ўрду деб аталадиган қароргоҳда бир неча кун туриб қолдим. Бир куни одатдагидек масжидга кириб бомдод намозини ўқидим. Намоз тугагач, кимдир менга султон ҳам шу масжидда эканлигини айтди. Мен ўрнимдан туриб, унга салом бериш учун яқинига бордим. Шайх Ҳасан ва фақиҳ Ҳисомуддин ал-Ёғий султонга менинг тўғримда, бу ерга бир неча кун муқаддам келганлигим ҳақида сўзлаб беришди. Султон менга туркий тилда мурожаат қилди: *Xušmisan, yaxšimisan? Qutluğ olsun*” (Ибн Баттута 2012,370–371).

Келтирилган ушбу ҳикоядаги Тармаширин сўзлари хон нутқига мисол бўла олади. Тасодифий учрашувдаги хоннинг сўрашуви расмий этикетни белгилайди; хонларнинг оғзаки нутқида ҳам бунга катта эътибор қаратилган. Хон мусофирга “сенлаб” мурожаат қилмоқда. Унинг билан биринчи учрашуви

бўлгани учун ундан ҳол-аҳвол сўралди (*xuʃmisan, yaxʃimisan?*); шунинг билан бирга, қадамнинг қутлуғ бўлиши тиланмақда (*qutluğ olsun*). Яна бир қирраси, расмий-дипломатик мактубларда адресатга *salām* деб мурожаат қилиш кейинги ҳодиса, у арабчадан ўзлашган. Тармашириннинг нутқида берилгани эса сўрашувнинг асл туркий кўринишидир. Бу нарса ҳозир ҳам бор: сўрашганда, салом-алиқдан кейин ёши улуғлар, ҳурматли кишилардан *яхшимисиз? эсон-омонмисиз?* (ёки кичиклар, яқинлардан: *яхшимисан? эсон-омонмисан?*) деб ҳол-аҳвол сўраймиз.

Ҳозирги ўзбек тилида “*сизлаб гапирди*” деган сўзимиз бор, бу катта ёшлиларга ёки ҳурматли кишиларга, ўзгаларга бўлган ҳурматни англатади. Бунинг тескараси — “*сенлаб гапирди*”; кичикларга мурожаатни ёки, ўрни билан, ўзини улуғ тутиш, менсимасликни англатади. Тил тарихида бу категория *senlädi* билан *sizlädi* сўзларида ифода этилган. Биринчиси, ўздан кичикларга мурожаатни, яқинликни ёки тингловчини ўздан кичик олишни; иккинчиси эса тингловчини ҳурматлаш, улуғлашни билдирган. Ушбу нутқий категорияни Маҳмуд Кошғарий яхши ёритиб берган. Жумладан, у *senlädi* феълнинг маъноси тўғрисида ёзади: “*senlädi: ol anī senlädi* — у ёшларга, кичикларга айтиладиган сўзни унга нисбатан қўллади. Бу сўз *sen* демакдир. Улуғлаш (ҳурматлаш)ни англатиш учун *sizlädi* дейилади. Бу *siz* демакдир. Бу хоқонлар билан сўзлашилганда қўлланиладиган сўз ўрнидадир” (МК. III.313).

Умуман, ўтмишда ҳам ҳурматни билдириш учун кўплик шаклидан фойдаланилган. *Siz* деб расмий муомалада хон ва султонларга, ҳурматли кишиларга, *sen* деб эса ўздан кичикларга, яқинлар, туғишганларга, расмий мурожаатда мансаб ва лавозими қуйи турувчиларга айтилади.

Ўтмишда ҳуқумдорлар муомаласида ўзгаларга ҳурмат изга қўйилган. Бу нарса бадий адабиётда ҳам кўзга ташланади. Шу ўринда буддизм давридан қолган “Оға-ини тигинлар қиссаси”дан ўрناق келтирамиз (Gabain 1950, 283–285). Қиссада

кичик тигин (шахзода) отаси хондан уни денгиз сафарига, мўъжизали жавоҳирни топиб келтириш учун юборишини сўраб ёлворади. Хон бунга иложсиз кўниб, элга ёрлик берди. Қиссада хоннинг улусга, кишиларга қаратилган нутқи яхши берилган. Мана ўша ери: *Ol ödün qaḡi xan yarliḡ yarliqadi: Kim taluyqa barayin tesär, kirinlär, oḡlum tiginkä eš boluḡlar. Ne kergäkin barča bergäy-biz. Kim yerči suwči, kemäči bar ersär, yemä kelzün. Tiginig asan-tükäl kelürzünlär.* – “Ўша чоғда отаси хон ёрлик берди: “Ким денгизга борайин деса, (хузуримга) киринглар, ўғлим тигинга эш бўлинглар. Нима керак бўлса, барчасини бергаймиз. Ким сувда йўл бошловчи, кемачи бўлса у ҳам келсин. Тигинни эсон-омон олиб бориб келинглар”.

Излай-излай, Баранас юртидан денгизда йўл бошловчи, ўта тажрибали, кўпни кўрган, қийин фалокатлардан ҳам соғ-омон қайтган, саксонга чиққан, кўзлари кўрмас бир қарияни топиб келтирдилар. Хон ўша қарияга ҳурмат юзасидан, уни “сизлаб” гапиради: *Qaḡi xan inčä tep yarliqadi: Bir-kiä amraq oḡlumün siziḡä tutuzur-men, asan-tükäl kelürin, – tep yarliqadi.* – “Отаси хон шундай деб ўтинди: “Биргина арзанда ўғлимни Сизга тутқазяпман, эсон-омон олиб бориб келинг”, – дея ўтинди”. Эътибор берсангиз, муаллиф нутқида хоннинг эл-улусга қаратилган сўзи ҳам, қарияга айтаётган сўзи ҳам *yarliḡ yarliqadi, yarliqadi* (яъни “ёрлик берди; буюрди”) деб берилган. Матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда, эл-улусга қаратилган сўзини “ёрлик берди”, қарияга қаратилган сўзини эса “ўтинди; илтимос қилди” деб ўгирилса, тўғри бўлади.

Ўз навбатида, қария ҳам хонга ҳурмат юзасидан “сизлаб” мурожаат қилади. Мана қариянинг айтган сўзлари: *Ötrü ol awiçḡa iḡlayu xanqa inčä tep ötünti: Täḡrim, ne muḡ-taq bolti-kim, antaḡ täḡri-teg, erdäni-teg ögükünüzni ölüm yeriḡä idur-siz? Ol taluy suwi ertiḡü qorqinčičḡ adaliḡ-ol. Öküš tinliḡlar barip, ölüḡlär bar; barsar yaraḡay-mu? – tep ötünti.* – “Сўнг ўша қария йиғлаб, хонга шундай деб ўтинди: “Эй тангрим, бу қандай кўргиликким, шундай фариштадек, жавоҳирдек суюклигингизни ўлим ерига

юборяпсиз? Ўша денгизнинг суви жуда қўрқинчлидир. Кўп кишилар бориб, ўлиб кетди, энди биз борсак ярағайми?” – дея ўтинди”.

Яна бир жиҳати, қисса давомида хоннинг улусга, ўз қарамоғидаги кишиларга айтган сўзлари, нутқи *yarliḡ yarliqadī*, *yarliqadī* (яъни “ёрлик берди; буюрди”), ундан қуйи мансабда турувчилар, оддий кишиларнинг хонга қарата айтган сўзлари, нутқи эса ҳамма ўринда *ötünti* (яъни “ўтинди”) деб берилади.

Тингловчига ҳурмат буйруқ кўплигининг *-η (-iη, -iη / -uη, -iη)* қўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинган. Бу тўғрида Маҳмуд Кошғарий ёзади: “Турклар ҳурматлиларга ёки катта ёшлиларга сўзлаганларида, бирлик буйруқ шаклининг охирига *ḡunna* ли “*kāf*” [яъни *η*] орттириб қўллайдилар. Бу *ḡunna* ли “*kāf*” [яъни *η*] уларда ҳурмат белгиси сифатида ўрин олган” (МК. III.327–328).

Сиёсий, расмий мурожаатнинг *иккинчи тури* – *ёзма нутқ*. Ёзма расмий-дипломатик нутқнинг тарихи туркий расмий услубнинг, давлат ҳужжатчилиги, дипломатиканинг шаклланиши ва такомили билан узвий боғлиқ бўлиб, у улус эгалари номидан битилган қадимий битигтошлар, тарих китоблари, ёрлиқлар, буйруқ ва кўрсатмалар, хонлар ўртасидаги расмий ёзишмалар, васиқаларда тамғаланиб қолган. Ушбу ҳужжатлар тил тарихининг турли босқичларида амал қилган сиёсий, расмий-дипломатик нутқ, унинг ўзига яраша белгиларини ўрганишда муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади; расмий мулоқотнинг лингво-культурологик, этик-эстетик, халқаро-дипломатик ўлчовларини акс эттиради.

Муҳим белгиси, ёрлиқ ва расмий-дипломатик хатларда ҳукумдор нутқи муайян қолипда, ҳужжатчиликда нормага айланган шаклларда юзага чиқади.

Тил тарихида “сиёсий, расмий-дипломатик нутқ”

тушунчаси ва унинг атамалари

Қадимги туркий битигларда “сиёсий, расмий-дипломатик нутқ” тушунчаси *sab~saw* сўзи билан ифода этилган. “Сўз” маъносидаги *sab~saw* расмий матн унвонида истилоҳга айланиб, “буйруқ; фармон” маъноларини беради. Жумладан, Билга хоқон битигида матн орасида хоқоннинг эл-юртга қарата айтган сиёсий чақириғи, нутқи берилган. Матннинг ушбу бўлаги *Tänri-teg tänri yaratmış türk Bilgä qağan sabim* (Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим) унвони билан бошланади. Бу ўринда *sabim* – “сўз; мурожаат”нинг хоқонга тегишли эканини, у “хоқоннинг нутқи” эканини билдиради (*қаралсин*: Содиқов, Омонов 2010,40–41).

Ўрта асрларга келиб қадимги *sab~saw* ўрнини *söz* калимаси олди. У ҳам бурунгидай хонлар томонидан битилган буйруқ ва фармонлар, ёрликлар, расмий-дипломатик ҳужжатларнинг унвонларида истилоҳга айланиб, улус эгасининг “сўзи; ёрлиғи; нутқи” маъноларини англатган. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamış sözüm*, Шоҳруҳ Мирзонинг ёрлиғи *Šāhruh bahadur sözüm* унвонлари билан бошланади. Бу ўринда *sözüm* – “менинг сўзим; ёрлиғим; фармоним; буйруғим” маъноларида келади ҳамда у ёки бу ёрликнинг юрт эгасига тегишли экани, унга қарашлилиги, унинг ўз тилидан битилаётгани, яъни унинг нутқи эканлигини далиллайди. Бу атама, ўз навбатида, султоннинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқини англатади.

Улус эгаларининг эл-улусга қаратилган сиёсий, расмий-дипломатик нутқи, сўзи (яъни *sab~saw* ёки *söz*) қуйидаги битиг ва ҳужжатларда очиқланади:

Қадимги турк хоқонларининг нутқи ўша замонларда яратилган битигтошларга битилган бўлиб, ушбу ёзма ёдгорликлар матннинг ўзида *bitig*, *bitigtaš* деб аталган. Жумладан, Кул тигин, Билга хоқон битигларида матннинг катта

бир бўлаги Билга хоқоннинг нутқидан тузилган. Иккала битигда хоқоннинг нутқи *Täñri-täg täñridä bulmiš türk Bilgä qağan bu ödkä olurtum* (Кўкдай (улуғ) Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан] турк [яъни баҳодир] Билга хоқон бу тахтга ўтирдим) жумласи билан бошланган (*қаралсин*: Содиқов 2004,66–72; *яна*: Содиқов, Омонов 2010,38–43). Ушбу жумла матн давомида келган сўзлар Билга хоқонга тегишли экани, яъни у хоқоннинг нутқи эканини билдиради.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқи қуйидаги битиг ва ҳужжатларда келади:

(1) Туроннинг султони Темурбег нутқи Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда эски ўзбек тилида ёздирган тошбитигида сақланиб қолган (*қаралсин*: Содиқов 2009,70–71). Ушбу битиг *töbä* деб аталган. *Bu yergä yetip belgü bolsun tep bi töbäni qopardi* (Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди) дея қайд этилади битигда.

(2) Хонлар ва султонлар нутқи ёрлиқларда келади. Ҳужжатнинг бу тури матннинг ўзида *yarliq~yarliğ* деб аталади. Жумладан, Тўхтамишхон номидан битилган ёрлиқ *Uluğ ulusniñ turušçağa daği yaxšisi ol bolğay, tep altun nišanliq yarliq tuttuq*. – “Улуғ улуснинг бардавлонлигига ҳам яхшиси шу бўлғай, деб олтин нишонли ёрлиқ йўлладик” дея қайд этилган (Т.21–23). Бу жумла ёрлиқнинг Тўхтамишхон тилидан битилганлигига ишора этади.

(3) Ҳукумдорнинг нутқи гувоҳномаларда берилади. Ҳужжатнинг бу тури эски ўзбек ҳужжатчилигида *nišan* отини олган. Жумладан, Шоҳруҳ мирзонинг Талхан ота мазорининг мужовури Исмоилга берган ёрлиғи матннинг ўзида *nišçn* аталган. Бу атама “буйрук; гувоҳнома; тасдиқловчи ҳужжат”га тўғри келади. Ёрлиқда ўқиймиз: *İsmāyil mujāvurniñ ewi-barini tartip tonup almasun, tep niš(ā)n berildi*. – “Исмоил мужовурнинг

уй-жойини, мол-мулкини тунаб олмасинлар дея нишон берилди” (Ў.11–12).

(4) Сиёсий, расмий-дипломатик нутқнинг яна бир кўриниши *bitig* ҳамда *bitig salām* дир. Хон ва султонлар ўртасидаги ўзаро ёзишмалар, расмий-дипломатик хатлар ана шундай аталган. Жумладан, Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактуби матннинг ўзида *bitig salām*, яъни “салом хат; мактуб” деб аталган (УМ.18). Бунинг билан мактуб Улуғ Муҳаммад тилидан битилганлигига ишора этилади.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг ёрлиқлари ҳамда ёзишмаларида сиёсий, расмий-дипломатик нутқ

Олтин Ўрда ва Темурийлар давридан қолган, биз тадқиқ этаётган туркий ҳужжатларни мазмуни, мақсад-йўналишига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

(1) Султоннинг зафарли юриши ҳақида қайд этилган битиг (Темурбегнинг тошга ёздирган битиги).

(2) Узоқ йиллик хизматлари учун давлат томонидан тақдирланаётган кимсаларга имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар (Темур Қутлуғ, Шохруҳ мирзо ва султон Умаршайх ёрлиқлари);

(3) Турли мамлакатларнинг ҳуқумдорларига йўлланган расмий-дипломатик битиглар. Бу турдаги хатлар ўз ичида яна икки турга ажралади:

(а) Хон ва султонларнинг қарам юрт ҳуқумдорларига йўллаган расмий-дипломатик ёрлиқлари (Тўхтамишхон ва султон Абу Саид ёрлиқлари);

(б) Хонларнинг ўзаро тенг томонларга йўллаган мактублари (Улуғ Муҳаммад хоннинг II Муродга, Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга ҳамда Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактублари).

Ёрлиқ ва мактубларнинг бари хон ёки султонлар тилидан битилган. Тўғрироғи, ҳужжатлар хон ва султонларнинг оғзидан ёзиб олиниб, сўнг уста хаттотлар томонидан оққа кўчирилган.

Улар юрт эгаларининг расмий кишиларга, давлат идораларига қаратилган сўзлари бўлиб, эски ўзбек ёзма адабий тилидаги (“чиғатой туркийси”да амал қилган) сиёсий, расмий-дипломатик нутқни, расмий мулоқот маданиятининг лингво-культурологик, этик-эстетик ўлчовларини ифода этади. Муҳим жиҳатларидан бири, улардаги нутқ монологик характерга эга. Улардаги нутқ бир кишига, яъни ҳуқумдорга қарашли.

Ёрлик ва мактубларнинг тури, мақсадига қараб матннинг баён услуби, ҳуқумдор нутқи ҳам фарқланиб туради.

Масалан, имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрликлар унинг ижросини таъминлови идораларга, бирор юридик ташкилотга ёки юридик кимсаларга (адресатга) қаратилган бўлади. Яъни ёрлик бирор кимсага имтиёз ҳуқуқини беришни кўзлаб тузилаётган эса-да, имтиёзга эга бўлаётган кимсанинг дахлсизлиги, эркинлиги, мол-мулкни сақлаш юридик ташкилотлар ва амалдорларга юклатилади. Буйруқ, кўрсатма ўша маъмурий ташкилот ёки юридик кимсалар, амалдорларга берилади.

Хонларнинг қарам юрт ҳуқумдорларига йўллаган ёрликларида ёрлик йўлловчининг (адресант) нутқи бевосита ўша ҳуқумдорга қаратилган бўлади; унга кўрсатма сифатида битилади. Гаплар мазмуни ҳам шунга қараб тузилади; лексик, морфологик шакллар, баён тарзи, стилистик воситалар шунга қараб танланади; нутқ ҳам шунга мос келади.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда хон нутқи ўзга мамлакат ҳуқумдорига қаратилган бўлади. Бундай мактубларда ҳурмат, илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Мақсадни юзага чиқариш илинжида адресант адресат шаънига илиқ сўзлар, мақтовлар айтади. Хат ўта кўтаринки услубда бўлиб, бадий-эпистоляр жанр даражасига чиқади.

Хонларнинг қарам юрт ҳуқумдорларига йўллаган ёрликлари ҳамда имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрликлар *sözüm* деб келган унвон билан бошланади (бу ўринда “унвон” – “ҳужжатларнинг бошлама жумласи” маъносида).

Маълумки, Олтин Ўрда ҳукумдорлари ўзларини *xan*, Амир Темур ва темурийлар эса *sultān* атаганлар. Олтин Ўрданинг кейинги хонлари ҳам ўзларини, ҳарқалай, темурийларга эргашиб бўлиши керак, *sultān* атай бошладилар. “Хон” сўзининг маъноси “султон” демакдир. Булар – юрт эгаларининг даражаси. Ушбу даражалар уларнинг отига қўшиб айтилган: *Toqtamiš-xan; Sultān Muḥammad; Turanniḡ sultāni Temür-beg, sultān Umar šayx, sultān Abu Sa'id* сингари. Булардан ташқари, уларнинг унвонлари ҳам бор (бу ўриндаги “унвон” – “ҳукумдорга берилган сифат” маъносида); отларга қўшилаётган *bahadur, körägän* сингари сўзлар унвон бўлади.

Этиборлиси шундаки, Олтин Ўрда хонларининг ёрлиқларида темурийлар битган ёрлиқлардан фарқли ўлароқ, хужжатлар бошламасида хонларнинг унвони қўшмай айтилган, тўғридан-тўғри *Toxtamiš sözüm, Temür Qutluḡ sözüm* деб кетилади. Темурийларнинг ёрлиқларида эса султонлар исми уларнинг унвони билан қўшиб айтилади: *Šāhruh bahadur sözüm, Sultān Umar šayx bahadur sözüm, Sultān Abu Sa'id körägän sözüm* сингари.

Ёрлиқлар унвони доимо адресат (ёрлиқ йўлланаётган кимса ёки расмий ташкилотларнинг оти) билан қўшилиб келади. Бунда адресат жўналиш келишиги шаклида (-*ğa, -gä* қўшимчаси билан) бўлади. Чунончи, Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sözüm Yağaylağa* (Тўхтамиш сўзим Яғайлага) деб бошланган (Т.1–2). Ушбу бошламада *Toxtamiš sözüm* – унвон, *Yağaylağa* – ёрлиқнинг кимга қаратилганлигини англатувчи компонент (адресат).

Темур Қутлуғ ёрлиғининг бошламаси шундай: *Temür Qutluḡ sözüm oḡ qol, sol qolniḡ oḡlanlarığa, tümän edgü başliḡ miḡ, yüz, on beḡläriḡä, içki kentläriḡ qazı, muftılarığa, mašāyih, soflarığa, devān bitigčiläriḡä, tamḡaçı, tartnaqčiläriḡä, yortar işlänči, yolawčilarğa, бүкәwүл, tutqawullarğa, yamčı, süsünčilär, quščı, barsčilarğa, kemäči, köprükčilärgä, bazarda turḡanlarğa!* – “Темур Қутлуғ сўзим ўнг қўл, сўл қўлнинг [ўнг қанот, сўл қанот]

ўғлонларига, туман эзгу бошлиқ минг, юз, ўн бекларига, ички кентларнинг қози, муфтиларига, машойих, сўфиларига, девон котибларига, тамғачи, тартнақчиларига [яъни солиқ йиғувчи ва божхона хизматчиларига], иш юритувчи, йўл соқчиларига, бакавул [ошпаз], тутқавулларга, хат ташувчи, бекат нозирлари, кушчи, барсчиларга, кемачи, кўприкчиларга, бозорда турганларга [яъни бозор бошилиқларига] (TQ.1–12). Ушбу бошламада *Temür Qutluğ sözüm* – унвон, қолганлари эса ёрлиқ қаратилаётган юридик шахслардир.

Шоҳрух ёрлиғи *Šāhruh bahadur sözüm dīvānlarğa* (Шоҳрух баҳодур сўзим девонларга) жумласи билан бошланади (Š.1–2). Бу ўринда *Šāhruh bahadur sözüm* – унвон. Унвонга қўшилаётган *devānlarğa* сўзи – ёрлиқ қаратилаётган юридик ташкилот(адресат)ни билдиради. Бунинг билан девон бошлиқларига мурожаат қилиниб, уларга кўрсатма берилмоқда.

Умаршайх мирзо ёрлиғининг бошламаси: *Sultān Umar šayx bahadur sözüm dīvānlarğa, barča Marğinan určinnīñ tüšämäl amaldār, sāhib čamlariğa!* – “Султон Умаршайх баҳодур сўзим девонхоналарга, барча Марғинан юртининг тушим йиғувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига” (U.1–4). Ушбу бошламада *Sultān Umar šayx bahadur sözüm* – унвон. Унга қўшилаётган *divānlarğa, barča Marğinan určinnīñ tüšämäl amaldār, sāhib čamlariğa* – ёрлиқ қаратилаётган юридик ташкилот ва кимсалардир.

Абу Саид битиги *Sultān Abu Sa'id körägän sözüm* (Султон Абу Саид кўраган сўзим) унвони билан бошланган (AS.1). Мактубнинг кимга қаратилганлиги кейинги компонентдан англашилади. Унда қисқа салом билан мақсадга кўчилган: *Hasan beggä salām tegäč, söz ul-kim*, деб асосий қисмга ўтиб кетилади.

Ўзга юрт ҳуқумдорига йўлланаётган расмий-дипломатик мактубларнинг бошланиши ёрлиқлардан ажралиб туради. Уларда ҳуқумдор нутқи хат йўлланаётган томонга, яъни иккинчи бир ҳуқумдорга қаратилган бўлади. Дипломатик хатларнинг бошланишида, исломий этикетга кўра, аввал

Оллоҳнинг инояти, Муҳаммад алайҳис-салом мўъжизотига таҳсин айтиб, сўнг адресатга салом берилади. Хукумдор оти тилга олинганда, таомилга биноан, унвонлари қўшиб айтилади. Масалан, Улуғ Муҳаммадхоннинг II Муродга йўллаган мактубининг бошламаси шундай: *Haq ta'ālā 'ināyatīylā, Muḥammad payğambar mo'jizātīylā Muḥammaddīn ġāzī Murādqa salām.* – “Ҳақ таоло инояти ила, Муҳаммад пайғамбар мўъжизоти ила Муҳаммаддан ғозий Муродга салом” (УМ.1–3). Бу ўринда *Haq ta'ālā 'ināyatīylā, Muḥammad payğambar mo'jizātīylā* – битиг йўлланаётганлигининг шукронаси; унинг кетида турган хат йўллаётган кимса (адресант) чиқиш келишигида (*Muḥammaddīn*), хат йўлланаётган кимса эса унвони билан бирга жўналиш келишигида (*ġāzī Murādqa*) берилган.

Маҳмудхон ҳамда Аҳмадхоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубларининг ҳар иккови Яратганнинг улуғлигига ишора қилувчи *Hūva* (яъни У) сўзи билан бошланган. Ундан сўнг мақтову олқишлар билан Фотиҳ Меҳмедга хат йўлланаётгани маълум қилинади. Жумладан, Маҳмудхон мактубининг бошламаси: *Hūva. Bil-quvvati-l-Ahadiyya va bil-mo'jizāti-l Muḥammadiyya val burhāniyyati-l-madadiyya xaladallahu mulkahu fil-Maḥmudiyya. Sarvar-i salāḥīn ba'ināyat-i rabbu-l-'ālamīn sulṭān-i a'zam Muḥammad ġāzīğa.* – “У [Тангри (– буюқдир)]. Бир [Тангри] қуввати ва Муҳаммаднинг мўъжизоти ила ва бурҳон мадади билан, Оллоҳ Маҳмуднинг мулкини боқий қилсин. Тангри инояти ила султонларнинг буюғи бўлмиш султони аъзам Муҳаммад ғозийга” (М.1–6). Битиг йўлловчининг оти ҳам, хат йўлланаётган кимса ҳам шу ўринда қайд этилган. Шундан кейин *Köp-köp salām qilib vāṣil bolğandīn soñ i'lām qilinur-kim* (Кўп-кўп салом қилиб, восил бўлгандан сўнг илом қилинур-ким) жумласи билан (М.7) мақсадга кўчилади.

Аҳмадхон мактубида эса айтилганларнинг бари ҳатто ортиғи билан ўрнига қўйилган.

Туроннинг султони Темурбеғнинг сиёсий, расмий нутқи. Соҳибқироннинг расмий нутқи Тўхтамишхонга қарши юриш

бошлаган чоғда тошга ёздирган битигида етиб келган. Султоннинг буйруғи билан ёзилган битиг арабча ва эски ўзбек тилида (“чиғатой туркчаси”да). Битигдаги арабий матн басмала ва оятдан иборат. Туркийси уйғур ҳарфларида (*қаралсин*: Содиқов 2009,70–71).

Битигда улуғ воқеа – Тўхтамишхон устидан зафарли юриш бошлангани ҳақидаги хабар келгуси авлодга белги бўлсин учун (*belgü bolsun tep*) тошга муҳрланган. Уни мазмунига кўра “зафар битиги” дейиш мумкин.

Тарих китобларида ёзилишича, Темурбег жангга киришдан бир кун олдин кўшинга дам берди, ўзи уломою бошлиқлари билан теваракни айланди. Бир тепалиқда тўхтаб, чуқур ўйга толди. Кейин эса уламога кўриниб турган катта бир қояга ушбу зафарли юриш ҳақида битиг ёзиб қолдиришни буюрди. Буюрганидай бўлди: битигнинг сўзларини ўзи айтиб турди; унинг айтганлари ёзиб олиниб, тошбитигчилар тошга ўйиб туширдилар.

Султоннинг номидан ёзилган битиг зафарли кун тарихи билан бошланади. Тарих (сана) гапда пайт ҳоли бўлиб, асл туркий қолипда берилган: аввал йил (ҳижрий ва мучал тартибида), сўнг ой кетма-кетлигидадир: *Tarix yeti yüz toqsan üçtâ, qoy yül yazniñ ara ay* – “Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида)”. Сўнг ана шу санада Темурбегнинг уч юз минг кўшин билан Тўхтамишхон юртига юриш бошланганлиги маълум қилинади. Бунда султоннинг исми унвон ва даражаси билан берилган (*Turanniñ sultāni Temür-beg*). Гапнинг кесими *yoridî* (юрди) шаклида: *Turanniñ sultāni Temür-beg üç yüz miñ çerig bilâ islām üçün Toxtamiš xani (?) xaniğa yoridî* – “Туроннинг султони Темурбег уч юз минг кўшин билан ислом учун Тўхтамиш хон(нинг) хонлигига юрди”.

Матннинг навбатдаги компонентида келажакка белги бўлсин дея битиг ёздирилганлиги таъкидланади. Тузилишига кўра, мақсад эргаш гапли кўшма гап: *Bu yergä yetip belgü bolsun tep, bu*

töbäni qopardi. – “Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди”.

Султоннинг сўзи Оллоҳдан инсофу тўғрилиқ тилаш ва элулусга дуо билан тугайди. Бунда тилак ва дуо жумлалари, истак шаклида бўлиб, кесими *-gäy, -ğay* қўшимчаси билан келган: *Täñri nisfat bergäy, inšalla. Täñri el kišigä rahmat qilğay, bizni du'ā bilä yād qilğay*. – “Тангри (бизга) нисфат [яъни тўғрилиқ, инсоф] бергай, иншооло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (эл) бизни дуо билан ёд қилгай”.

Муҳими шундаки, Темурбегнинг буйруғи билан ёздирилган битиг ўзга кимса (учинчи шахс) тилидан битилган; унда дарак гапларнинг кесимлари *yoridi, qopardi* шаклида. Шундай эса-да, нутқ соҳибқиронга тегишли эканини далилловчи бир жумла бор: бу матннинг сўнгги *Täñri el kišigä rahmat qilğay, bizni du'ā bilä yād qilğay* жумласидир. Унда *bizni du'ā bilä yād qilğay* дейилганда *bizni* сўзи орқали Темурбег ва унинг кишилари, чериги кўзда тутилмоқда.

Имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқларда ҳуқумдор нутқи куйидаги белгилари билан ажралиб туради:

Ёрлиқлар бир киши, ҳуқумдор номидан чиқарилган эса-да, амалга оширилган яхши ишлар матн давомида хурмат, камтарлик юзасидан мажхул нисбатда берилади. Масалан, Шоҳруҳ мирзо ёрлиғида: *bir qoşluq altmış kivi yer suyurğal berildi*. – “бир қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилди” (Ş.3–4). Ёки улус эгаси “манмансираб” эмас, кўплиқда “биз” деб гапиради: *beg niş(ā)n bermiş erdük* – “бег-нишон бермиш эрдик” (Ş.7).

Ёрлиқ берувчи ҳатто ўзи устида сўз борганда, “мен” деб эмас, камтарлик билан “биз” деб айтади. Масалан, Темур Қутлуг ёрлиғида: *İnç turup tınçlıq bilä şām-u sabāh avqāt-i šariflarida bizgä, daği biziñ uruğ-uruğimizğa du'ā, alqış etä tursun*. – “(Шу қилган яхшилиқларимиз эвазига) қойим туриб, тинчлик билан шому сабоҳ чоғларидаги ибодатларида бизга, яна бизнинг уруғ-аймоғимизга дуо, олқиш эта турсин” (TQ.).

Яна имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқларнинг хотима қисми – ёрлиқ берилганлиги, унинг санаси ва ўрни (тарихи), одоб юзасидан, мажхул нисбатда бўлади. Масалан, Темур Қутлуғ ёрлиғининг хотимаси: *altun nişānliq, al tamğaliq yarliq berildi*. – “олтин нишонли, ал тамғали ёрлиқ берилди” (TQ.51–52); *Mujavaranda erürdä bitildi*. – “Мужаваранда эканлигимизда битилди” (TQ.55).

Шоҳруҳ мирзо ёрлиғининг хотимаси: *nişān berildi* – нишон берилди (Š.12); *Baği šaharda bitildi* – Боғи шаҳарда битилди (Š.13).

Ёки Умаршайх ёрлиғининг хотимаси: *muhurluğ ni(šā)n ... Andigändä bitildi*. – “муҳрли нишон ... Андиганда битилди” (U.12–13).

Имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда имтиёз берилаётган кимсанинг эркинлиги, унинг ҳуқуқи кафолатлаб ҳам қўйилади. Бундай ўринларда стереотип жумлалардан фойдаланилади. Масалан, Темур қутлуғ ёрлиғида: *salalariğa, safançi, ortaқçilarığa-kim, kim ersä küç-uğa tegürmäsün* – “қўрғонларига, деҳқонлари ва ўртоқчиларига-ким, кимса зўравонлик қилмасин” (TQ.31–33).

Шоҳруҳ мирзо ёрлиғида: *Kim ersä mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küç-uğa tegürmäsün*. – “Кимса (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зўравонлик қилмасин” (Š.5–6).

Умаршайх ёрлиғида бу жумла бир оз фарқли шаклда ишлатилган: *Heç kişi māl, taru tilämäsün, küç-uğa tegürmäsün*. – “Ҳеч киши (ундан) мол, дон-дун талаб қилмасин. Унга зўравонлик қилмасин” (U.11–12).

Шунингдек, бунинг сингари ёрлиқларда юридик ташкилотларга, амалдор кимсаларга кўрсатмалар берилади. Ушбу кўрсатмалар буйруқ оҳангида. Жумладан, Темур Қутлуғнинг Муҳаммадга берган тархонлик ёрлиғида: *Barurida-kelürida, kirür-çiqarida Qirimda, Kafada, qayu-ma türlüg ne ersä alurida, saturida tamğa, tartnaq almasun. Tarxanliq, tabanliq, yol haqqi, qarawulluq tilämäsünlär. Tawar-qaralarin awlaq tutmasun*.

Qonaq tüşül tüşürmäsünlär. Süsün ulufa tilämäsünlär. – “Борурида-келурида, кирар-чиқарида Қиримда, Кафада, қай турли нарса оларида, сотарида (улардан) ҳақ олмасинлар. Тарханлиқ, табанлиқ, йўл ҳақи, қоровуллиқ (ҳақи) тиламасинлар. Қора моллари солиққа тортилмасин. Кўноқ тушул туширмасинлар. Кўшиндан улуфа тиламасинлар” (ТQ.38–44).

Қарам юрт ҳуқумдорларига йўлланган расмий-дипломатик ҳужжатларда ёрлиқ йўлловчи шахс нутқи куйидаги белгиларга эга бўлади:

Халқаро-дипломатик ёрлиқларда улуғ улус хони ўзига қарам юрт эгасига “сенлаб” мурожаат қилади. Масалан, Тўхтамишхон қирол Яғайлига йўллаган ёрлиғида “сиз” деб эмас, “сен” деб ёзади: *Sen daği keläcini bizgä iydiñ erdi.* – “Сен ҳам ўз келадиган кишиларингни бизга йўллаган эдинг” (Т.5–6); *barğan elçilärgä bergil* – “борган элчиларга бергил” (Т.18–19).

Султон Абу Саид ҳам Ҳасан бегга “сенлаб” мурожаат қилади: *Señä daği ma'lum durur-kim, ata yurti öz yurt bolur.* – “Сенга-да маълум турур-ким, ота юрти ўз юртинг бўлур” (AS.27–28); *Men seña Teñri 'ināyatı birlä Misir, Rum vilāyatlarini alip bergäy-men.* – “Мен сенга Тангри инояти бирла Миср, Рум вилоятларини олиб бергайман” (AS.71–73).

Тўхтамишхон ёрлиғи улуғ хоннинг ўзига қарам юрт эгаси Яғайлига кўрсатма сифатида битилган. Унда икки юрт орасида юз берган фитна, фитначиларнинг қўлга олиниб, юртда тинчлик ўрнатилгани хусусида сўз боради. Энди эса бу ҳолатни англатиб янги элчилар юборилганлиги таъкидланади. Шундан сўнг мақсадга (буйруққа) ўтилади. Унда Яғайлига қарам юртларнинг хирожларини тўплаб, борган элчилардан бериб юборажаги, сўнг савдогарларнинг бурунги йўсинча иш тутишлари уқтирилади.

Бурун кечган вақеалар устида сўз борганда гап кесими *iydük erdi* (юборган эдик), *çaqirup emişlär* (чақириб эмишлар), *til bilä keldi erdi* (жосуслик билан келди) шаклларида қўлланган. Мақсадга кўчилгач, хоннинг кўрсатмалари буйруқ гап шаклида берилади: *Bizgä baqar ellärniñ çiqişlarin çiqarup, barğan elçilärgä*

bergil, xazinağa tegürsünlär. Basa burunqı yosunça bāzargān ortaqların dağı yürüşsünlär. – “Сен бизга қарам юртларнинг хирожларини тўплаб, борган элчиларга бергил, хазинага етказсинлар. Сўнг савдогар ўртоқларинг бурунги йўсинича иш тутсинлар” (Т.18–21). Буйруқ охирида ушбу ишлар юрт тинчлигини таъминлажаги таъкидланади: *Uluğ ulusniñ turuşçağa dağı yaxşisi ol bolğay.* – “Улуғ улуснинг бардавонлигига ҳам яхшиси шу бўлғай” (Т.21–22).

Қарам юрт ҳуқумдорига йўлланаётган ёрлиқларда тингловчига буйруқ *-ğil, -gil* қўшимчаси билан берилади (*bergil, kelip körgil* сингари). Ўзгага буйруқ эса *-sun, -sün* (кўплиги *-sunlar, -sünlär*) қўшимчаси билан ҳосил қилинади (*keçmäsün, xazinağa tegürsünlär* сингари).

Ёрлиқнинг хотима қисми – ёрлиқнинг битилганлиги ва санаси, одоб юзасидан, кўпликда берилади: *altun nišanliq yarlıq tuttuq.* – “олтин нишонли ёрлиқ йўлладик” (Т.22–23); *Ordu Tanda erüdü bitdimiz.* – “Ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битдик” (Т.24–25).

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ўзига қарам юрт ҳуқумдорига йўлланаётган ёрлиқларда “мен” оҳанги анча кучли бўлади. Бу нарса, айниқса, Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган хатида кўза яхши ташланади: *Men dağı Täñri 'ināyatığa siğinip seniñ üstünä yürüdüm tep bildürä yibärip erdim.* – “Мен ҳам Тангри иноятига сиғиниб, сенинг устинга юридим деб билдиргулик юбориб эдим” (47–48); *Äğär men özüм barmaqlıq hājat bulmayin oğlanlarımdın basa beğlärđin, çerigđin ne miqdār keräklık bolsa, yaraq körüp tiläsän, ul čaqlıq kişi yibäräyin.* – “Агар мен ўзим бормоққа ҳожат топмай, ўғлонларимдан, сўнгра беклардан, черигдан не миқдор керакли бўлса, (черигнинг) ҳарбий аҳволини қараб чиқиб, яна тиласанг, ул чоқли киши юборайин” (AS.56–59); *Men señä Täñri 'ināyatı birlä Misir, Rum vilāyatlarını alip bergäy-men.* – “Мен сенга Тангри инояти бирла Миср, Рум вилоятларини олиб бергаймен” (AS.71–73).

Тўхтамишхон ёрлигида ўзини улуғлаш, юқори кўйиш ва эътиборни ўзига тортиш мақсади хат кўринишида (хуснихатда) ҳам кўзга ташланади. Чунончи, матнда *Toxtamiš sōzūm; bizgā; Tānri bizni yarliqap* сўзлари зарҳал рангда бошқа сатрлардан ажратиб ёзилган.

Дипломатик нутқда адресатга нисбатан турли стереотип бирликлар, ўрни билан бадиий нутқ элементларидан ҳам фойдаланилади. Жумладан, ўрта асрларнинг дипломатик хужжатларида ўзига қарам кишиларга, қарам юрт эгаларига нисбатан *ini-oğulluq, xidmatkārliq*, яқинлик маъносида *dostluq, qarindašliq* бирикмалари ишлатилган. Бунда ҳуқумдорнинг сиёсий мақсади ҳам бор: қарам юрт эгасини ўзига яқин тутаётганлигини билдириб кўйиш, авраб қўлга олиш учун ҳам шундай йўл тутилган. Султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган мактубида ўқиймиз: *Ini-oğulluq, dostluq, qarindašliğini bildürdün.* — “(Сен бизга) ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлигингни билдирдинг” (AS.21); *Bu çaqliq inilik, qarindašliq, xidmatkārliqni sen qildün.* — “Бунга тенг келадиган [яъни, бунга арзирли] инилик, қариндошлик, хизматкорликни сен қилдинг” (AS.59–60); *Mundin soñra daği ini-oğulluq xidmatkārliqni artturğay-sen.* — “Бундан сўнг ҳам ини-ўғиллик, хизматкорликни орттирғайсен” (AS.64–65).

Dost, duşman сўзлари орада тузилган аҳднинг мустаҳкамлигини ҳам билдиради: *Seniñ bilä ahd qilğanda bir-birimizniñ dostiğa dost, duşmanığa duşman bolalı tep sōz keçip erdi.* — “Сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди” (AS.43–44).

Ўзаро тенг томонларга йўлланган мактубларда хоннинг нутқи куйидагича тузилади:

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактублар икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиш, бордикелдини мустаҳкамлаш, ёвуз кучлар билан бирон қалтис вазият чиққудек бўлса, теварагида уни қўлловчи хоқон туришини таъминлаш мақсадида ёзилади. Шунинг учун хатда ўзаро

келишувга, дипломатияга катта урғу берилади: адресатга одоб доирасида, хурмат ва илтифот билан муносабат билдирилади; адресатнинг хурмати учун унинг шаънига мақтовлар айтилади. Мазмун кўтаринки, имкон қадар бадий жумлалардан кенг фойдаланилади. Уларда илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Бундай хатлар расмий-дипломатик характерда бўлишига қарамай, муайян маънода, уларни эпистоляр жанрга (мактубот жанрига) киритиш мумкин.

Аввало, мактуб йўллаётган хон адресатга “сизлаб” мурожаат қилади. Масалан, Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактубида: *Sizniñ esän-tügällik(ni) körüp kelsün tep, Hāji 'Ibād Bārāk(?)din bitig salām iyuq.* – “Яна Сизнинг эсон-омонлигингизни кўриб келсин дея, Ҳожи Ибод (?) дин мактуб юбордик” (UM.17). Ёки Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубида: *Sizniñ esänlikni körgüzä ağır salām, yeñil böläk yetkürä avāyıldin berü qadimī du'ācimiz Hāji Aḥmad atliğ elčilärni iddük.* – “Сизнинг эсонликни кўргизиб, қадрли салом, енгил ҳадея етказиб, авойилдан бери қадимий дуочимиз Ҳожи Аҳмад отли элчиларни йўлладик” (M.18–20).

Хат йўлланаётган ҳукумдорнинг сифатлари, унвони таърифи билан қўшиб айтилади. Масалан, Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубида: *Sarvar-i salāḥin ba'ināyat-i rabbu-l-'ālamīn sulṭān-i a'zam Muḥammad ḡāzīğa* – “Тангри инояти ила султонларнинг буюги бўлмиш султони аъзам Муҳаммад ғозийга” (M.6). Ёки Аҳмад хон ўз хатида Фотиҳ Султон Меҳмедга узундан-узоқ мақтов ва ўгдулар билан мурожаат қилган.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда бадий-стериотип жумлалар кўп учрайди. Жумладан, уларда: *elçikeläčisi kelišip, bāzircān arḡišlari yürüşüp, böläk-salāmlari yetišip, esänlik-tügälliklärin bilišilüp, dostluq-qarındašliq birlä* (элчи-сўзчиси келишиб, савдогар карвонлари юришиб, совғасаломлари етишиб, эсон-омонликларини билишиб, дўстлик-қариндошлиқ бирла) бирикмалари қўлланади. Булар икки юрт

Ўртасида ўзаро илиқ муносабатлар, савдо-сотик, дўстлик алоқалари кечганини эслатиб қўйиш мақсадида ишлатилади. Бу бирикмалардан ҳар бирининг ўз сиёсий, шу билан бир қаторда, бадий-стилистик вазифаси бор: *elči-kelāčisi kelišip* – икки мамлакат ўртасида расмий муносабатлар ўрнатилганлиги; *bāzīrgān arğišlari yürüşip* – мамлакатлар ўртасида савдо карвонлари қатнаб турганлиги; *böläk-salāmlari yetišip, esānlik-tügälliklärin bilišilüp* – хонлар ўртасида совға-салом алмашиб турилгани, ҳар икки хон бир-бирини доим йўқлаб турганини; *dostluq-qarındašliq* бирикмаси эса ўзаро тенглик-биродорлик ўрнатилганлигини билдиради.

Муҳим белгиларидан бири, ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубда, агар у расмий-дипломатик муносабатларни қайтадан тиклаш ниятида ёзилаётган бўлса, бурунги илиқ борди-келдилар эслатиб қўйилади. Ўтмишдаги илиқ муносабатларни эслатишдан мурод икки мамлакат орасидаги алоқаларнинг қадимий асосга эга эканлиги, орада кечадиган сиёсий бирлик, иқтисодий, маданий муносабатларнинг ҳар икки томон манфаатига фойдали эканини билдириб қўйиш ва келгусида ўша алоқаларни қайта тиклашдир. Жумладан, Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактубида икки юрт ўртасида қадимда илиқ муносабатлар кечганлигини эслатиб, шундай дейилади: *Burunği xan aғalarimiz sizniғ Rum vilāyatiniғ sulṭān atalariғiz, aғalariғiz birlā elči-kelāči iyišip, böläk-salām ališip, bāzīrgān-ortaғ yürüşip, yaxši bariš-keliš qilurlar ermiš erduk.* – “Бурунги хон оғаларимиз сизнинг Рум вилоятининг султон оталарингиз, оғаларингиз бирла элчи-сўзчи юборишиб, совға-салом олишиб, савдогар ўртоқлар юришиб, яхши бориш-келиш қилар эдилар” (UM.3–5). Мактубининг давомида хон истак маъносида яна шундай ёзади: *Aramiz(da) elči-kelāči iyišip, salām-böläklärimiz yetišip, bāzīrgān ortaғlarimiz yürüşsä, kečär boy, qalur māñü atға yaxsisī ol bolğaymu ernä.* – “Орамизда элчи-сўзчи юборишиб, салом-совғаларимиз етишиб, савдогар-ўртоқларимиз

юришса, кечар халк, қоладиган мангу отга яхшиси ўша бўлғай” (УМ.14–15).

Ёки мактублар сўнгида султонга хат билан қўшиб совға-салом йўлланаётгани ва бу эзгу ишларни юзага чиқариш ниятида элчи сифатида энг ишончли кишилар юборилаётгани маълум қилинади. Бундай ўринларда, *ağir salām*, *yeñil böläk* сингари бирикмалар ишлатилади. Бу бирикмалардаги *ağir* – “қадрли” маъносида; *ağir salām* – “қадрли салом” дегани; иккинчи бирикмадаги *yeñil* – “арзимас” англамида; *yeñil böläk* – “арзимас совға”; камтарлик билан ана шундай дейилади (Салом йўлловчи адресатга бўлган хурматини ана шундай билдиради). Яна *ağir salām* билан *yeñil böläk* ўзаро зид маъноли бўлиб, қаршилантириш санъати ҳосил қилади; жумланинг бадийлигини таъминлайди. “Элда қоладиган яхши от” тушунчаси *dost-duşman arasında* бирикмаси билан бирга қўлланади. Буларнинг мисоли: *Yaxši kişilärimiz kelişä-barişa tursa, yiraqdağı eşitürgä, yawuqdağı körärgä keçär dunyada dost-duşman arasında yaxši at ol bolğaymu teyü bizniñ salāmatliqni aytğaç, sizniñ esänlikni körgüzä ağır salām, yeñil böläk yetkürä avāyildin berü qadimī du'ācimiz Hāji Aḥmad atliğ elçilärni iddük.* – “Яхши кишиларимиз келишиб-боришиб турса, йироқдаги эшитурга, яқиндаги кўрурга, кечар дунёда дўст-душман орасида яхши от ўша бўлғайми дея, бизнинг саломатликни айтгач, сизнинг эсонликни кўргузиб қадрли салом, арзимас совға етказиб, авойилдан бери қадимий дуочимиз Ҳожи Аҳмад отли элчиларни йўлладик” (М.16–20).

Ёки Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубидан ўрин олган куйидаги жумлага эътибор қаратинг: *Emdidin soñ sizniñ birlä bizim aramızda Täñri 'ināyatī birlä dostluq ol ƣarīq ziyāda bolğay-kim, inšaallah-i ta'ālā, soñğī zamānada dost-duşman arasında bir atī qalğay.* – “Бундан буён сиз билан бизнинг орамизда Тангри инояти бирла дўстлик шу тарик зиёда бўлғайким, иншооллоҳу таоло, сўнгги замонда дўст-душман орасида бир оти қолғай” (А.18–20).

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактубларда *-sun, -sün* (кўплиги *-sunlar, -sünlär*) қўшимчаси ўзгага буйруқни эмас, истак, тилак маъносини англатади (*elçi-vu keläçilärimiz barsunkelsün, dostluq-qarındaşlıqımız kündin-küngä taraqqī qilsun* сингари).

Яна бир жиҳати, Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган мактублари услуб жиҳатдан ҳам бошқа ёрлик ва хатлардан фарқ қилади. Улар туркий тилда (“чиғатой туркчаси”да) эканлигига қарамай, арабий, форсий жумлалар, сўзлар кўп ишлатилган. Шунга кўра, матн услуби уйғур ёзувли битигларга қараганда анча мураккаб. Айниқса, Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактубида арабча, форсча жумлалар, изофали бирикмалар ниҳоятда кўп. Матн услуби ўта кўтаринки. Ўрнида айтиб ўтиш жоизки, хонларнинг нутқида, сарой мулоқотида арабча, форсча жумлалар шу қадар кенг қўлланилган дея олмаймиз. Ҳатто хатни қабул қилувчи томон нутқи (усмонли туркчаси) ҳам шу қадар кўтаринки ва мураккаб эмас эди. Матн услуби, “чиғатойча” ёзма адабий тилининг, эпистоляр жанрнинг талабларидан келиб чиқиб, шундай йўл тутилган.

Яна хат услубининг кўтаринкилиги адресатга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг юқори даражада экани, қолаверса, хат йўлловчининг дўстларга эътиборли экани, келгусида унинг билан ўрнатиладиган алоқалар зое кетмаслигини билдириб қўйишга хизмат қилади.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁРЛИҚЛАРИДА РАСМИЙ ВА БАДИИЙ УСЛУБЛАР СИНКРЕТИЗМИ

Темурийлар томонидан битилган туркий ёрлиқлар ўтмиш дипломатикасининг юксак талаблари асосида яратилган: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун (*қаралсин*: Омонов 1997,14–22); услуби юксак балоғат даражасида, терминлар тизими мукамал; туркий хужжатчилик узоқ услубий

тараққийёт босқичидан ўтганлигини англатиб туради. Устига-устаг, хати чиройли; матнни ўта саводли кишилар битган.

Одатда, *расмий услуб*, *ҳужжатлар услуби* деганда кўз ўнгимизда ўзининг аниқ ва раволиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтаринки жумлалар, турли бадий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб турувчи матн гавдаланади. Лекин бу ўлчовни, чегарани ҳеч бир ўзгаришсиз ўрта асрлар ҳужжатчилигига, хусусан, теурийлар даври ёрлиқларига нисбатан кўллаш ўзини оқламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр ёрлиқларида, юқорида расмий услубга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари, оғзаки услубга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, матнни мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, ҳужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, туркий бадий адабиётнинг таъсири бўлган. Шундай қилиб, расмий ҳужжатларда, ўрни билан, фикр ифодаси билан боғлиқ ҳолда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган сўз ҳамда жумлалар, жуфт сўзлар, синтактик параллелизмлардан ҳам фойдаланилган. Улар расмий матнга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг жонли, таъсирли ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъмингашга хизмат қилади. Ўз ўрнида, матннинг сиёсий-психологик кувватини ҳам таъминлайди. Бу ҳодисани эски туркий, хусусан, ўзбек тили ёзма адабий тили тарихидаги услублар синкретизми сифатида баҳоламоқ керак.

Энди юқорида айтилганларни учта ёрлиқ – Шоҳрух мирзонинг Талхан ота мазорининг мужовури Исмойилга берган суюрғал битиги, султон Умаршайхнинг Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғи, султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга йўллаган битиги мисолида кўриб чиқамиз.

Ёрликларнинг иккиси имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Жумладан, Шоҳруҳ мирзонинг мазор мужовури Исмойилга берган суюрғал битиги ҳужжатнинг ўзида *nišān* дейилган. Матн тоза расмий услубда, бироқ орада бадий услубга хос жумлалар ҳам учраб туради.

Нишонда, юрт эгасининг мазор мужовурига суюрғал бера туруб: *Kim ersä mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč-uğa tegürmäsün*, деган сўзлари бор (§.5–6).

Ушбу жумладаги *kim ersä* – “кимса” маъносида; *kim ersä mal tilämäsün* “(ундан) ҳеч кимса мол талаб қилмасин” деган маънони англатади.

Матндаги *yasağ alpağ salmasun* ҳамда *küč uğa tegürmäsün* бирикмалари бадийликни таъминлайди, чунки сўзларни жуфтлаш орқали янги маънода қўллаш, маънони кучайтириш кўпроқ бадий услубга хос:

yasağ alpağ – солиқ тўлов турларидан бири, унинг *salmasun* сўзи билан бирикаётгани ҳам шундан белги бериб турибди.

küč-uğa tegürmäsün – бу бирикмадаги *küč-uğa* – жуфт сўз, биргаликда “зўравонлик; зиён захмат” маъносини англатади; *küč-uğa tegürmäsün* – “зиён-захмат етказмасин; зўравонлик қилмасин” деган маънони беради. Суюрғал берилаётган кимсанинг эркинлигини, ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида ёрликларда шундай жумла ҳам қўшиб ишлатилади.

Шунга кўра, юқоридаги жумладан “Кимса (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зўравонлик қилмасин, зиён-захмат етказмасин” деган маъно келиб чиқади.

Қизиғи шундаки, Шоҳруҳ мирзо битигида бу жумла икки бор қайтарилган: биринчиси, бундан бурунги нишоннинг берилув сабаби тилга олинганда, иккинчиси эса, бундан кейин жой эгасига ҳеч кимса таҳлика солмаслигини таъкидлаш, элулусга кўрсатма бериш мақсадида қўлланилган. Матнда қайта-қайта келишининг ўзи ҳам унинг расмий ҳужжатларда қўлланувчи стереотип бирлик эканидан далолат беради.

Ёрликда суюрғал берилаётган кимсанинг солиқ ва қистовлардан эркин эканлигини кафолатловчи буйруқ *İsmāyil mujāvurniñ ewi barini tartip tonup almasun* шаклида ҳам берилган (Ş.10–11). Бу ўринда: *ewi barini* – “уйи ва бор мулкани” дегани; *tartip tonup almasun* – “зўрлик билан тортиб олмасин” деган маънони беради. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадларни хонақога эркин-эмин сарфлаши, бунга қўшимча ҳолда унинг уй-жойи, мол-мулкига ҳам ҳеч кимса таҳдид солмаслиги таъминланади. Шоҳруҳнинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (-*sun*, -*sün* аффикси билан) берилган.

Султон Умаршайхнинг Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғида суюрғал берилаётган кимсанинг солиқлардан эркинлигини кафолатловчи буйруқ *Özi alip yesün. Heč kiši māl, tartu tilämäsün, küč-uğa tegürmäsün* шаклида берилган (UŞ.11–12). Бу жумла: “(Даромадларидан) ўзи фойдалансин. Ҳеч киши (ундан) мол, тортиқ талаб қилмасин. Унга зўравонлик қилмасин” деган мазмунни англатади.

Шоҳруҳ мирзо нишонидаги *kim ersä* сўзининг ўрнида ушбу ҳужжатда *heč kiši* бирикмаси ишлатилган; кўзланган мазмун ўша-ўша: *heč kiši küč-uğa tegürmäsün* “Ҳеч бир киши // ҳеч кимса (унга) зўравонлик қилмасин; зиён-заҳмат етказмасин”.

Темурийлар даври ҳужжатчилиги, ёзма адабий тил расмий услублари тарихини ўрганишда султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (=Узун Ҳасанга) йўллаган мактуби айрича ўрин тутаяди. Ушбу битиг икки юрт эгалари ўртасида ёзилган расмий мактубдир. Уни Абу Саид мавқе жиҳатдан ўзидан қуйи турган, ўзига қарам юрт эгасига йўллаган. Мактуб ўрта асрларда тузилган расмий-халқаро дипломатик ёрлиқлардан ажралиб туради. Қолаверса, ушбу хатни бадиий эпистоляр матн ҳам дея олмаймиз. Эпистоляр жанрда, одатда, бадиийлик устивор бўлади; бадиий кўтаринки жумлалардан, тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади. Султон Абу Саиднинг битиги эса бундай эмас, у расмий хат; услуги ҳам ўзига мос. Мазмуни ва моҳиятига кўра ушбу хат расмий-дипломатик

ахдлашувга (*ahd sözi, bitim* га) тенглашади. Шунга қарамай, битигда ўрни билан, бадий жумлалардан фойдаланилган. Бу нарса султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга бўлган ҳурмати, яқинлигини, оға-инилигини билдириб қўйиш, матн таъсирини оширишга хизмат қилади. Матннинг бундай шаклда битилувида хат йўлловчи муаллифнинг сиёсий мақсади ҳам бор: у хатни олувчини битим шартига кўндируви керак. Битиг султон тилидан битилган.

Жумладан, султон Абу Саид битигида шундай жумла бор: *'Usmān beg daği Begniñ ul 'ināyat šafqatini unutmayin Begdin soñra oğlanlarīğa çin ihlāsī bilä küč berip, burun Beg čaqında da qilğan xidmatlarini hargiz özgä qilmadi.* – “Усмон бег ҳам Бег[яъни Темурбег]нинг ул иноят шафқатини унутмайин Бегдан сўнгра (унинг) ўғлонларига чин ихлоси билан хизмат қилиб, бурун Бег чоғида-да қилган хизматларини ҳаргиз ўзга қилмади.” (AS.10–13).

Ушбу жумла бадий шаклда. Унда *Begniñ ul 'ināyat šafqatini unutmayin, oğlanlarīğa çin ihlāsī bilä küč berip, xidmatlarini hargiz özgä qilmadi* сингари бирикмалар матннинг бадийлигини таъминлайди. Чунончи, ушбу жумлада кечган *küč berip* – “хизмат қилиб” англамида. Тарихий-бадий асарларда, хусусан, урхун битигларида *išin-küčin bermiš* деган бирикма ҳам учрайди”; у “(хоқонга) ишини-кучини берибди; хизматини қилибди” маъносини билдирган.

Султоннинг Ҳасан бегга қарата унинг содиқ хизматларини тан олиб айтган бир сўзи: *Tāñri 'ināyati bilä, erānlār himmatidin bu oçurlarda burunği kečkän ata-ağalarinđin artuqsī, köñül tilägān-deg, šāyasta xidmatlar qildin. İni-oğulluq, dostluq, qarındašliğini bildürdün. Seniñ bu xidmatlarinđin asru rāzi bolduq.* – “Тангри инояти билан, эрлар ҳимматидан бу чоғларда бурунги кечган ота-оғаларингдан ортиқ, кўнгил тилагандек, шояста хизматлар қилдинг. Ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғингни билдирдинг. Сенинг бу хизматларингдан бениҳоя рози бўлдик” (AS.19–22). Матндаги *burunği kečkän ata-ağalarinđin artuqsī, köñül tilägān-*

deg, šāyasta сўзлари хизматнинг сифатини билдиради; *ini-oğulluq, dostluq, qarındašliq* сўзлари Ҳасан бегнинг темурийларга содиқлигини ифодалаш учун қўлланган; жумлада кечган *ini-oğulluq* “тутунганлик; яқинлик; ота ўғиллик” маъноларини англатади. Ўрта аср мактубларида бу сўз ўзига тобе кишиларга, юрт эгаси учун эса ўзига тобе юрт эгаси нисбатан ишлатилган; *asru rāzi bolduq* – “беҳад рози бўлдик” дегани.

Султоннинг Ҳасан бегга айтган бошқа бир сўзи: *Yüz yildin beri özgä bolmağan ahd seniñ üstündä boldi.* – “Юз йилдан бери ўзга (билан) бўлмаган аҳд сенинг устингда бўлди” (AS.45–46).

Одатда, бадий асарларда вақт узоклигини таъкидлаш учун *miñ yil, tümän kün* бирикмасидан кенг фойдаланилган. Бу ўринда эса ушбу маънони *yüz yildin beri* бирикмаси ифода этмоқда. Бу бирикма, ўз навбатида, матннинг бадийлигини таъминлайди.

Бошқа бир мисол: *Bu čaqlıq inilik, qarındašliq, xiđmatkārliqni sen qıldıñ.* – “Бунга тенг келадиган [яъни, бунга арзирли] иницилик, қариндошлик, хизматкорликни сен қилдинг” (AS.59–60).

Ёки: *Sendin Täñri 'ināyati bilän 'umidim ul durur-kim, mundin soñra dađı ini-oğulluq, xiđmatkārliqni artturğay-sen. Hargiz özgä bolmağay-sen.* – “Сендан Тангри инояти билан умидим ул турур-ким, бундан сўнг ҳам ини-ўғиллик, хизматкорликни орттирғайсен. Ҳаргиз ўзга бўлмағайсен” (AS.63–66).

Фикрни бунинг сингари ифодалаш расмий битиглар услуги учун ғайри-одатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадийлигини таъминлаш, “тутунганлик; яқинлик; ота ўғиллик; содиқлик” тушунчасини теран англатиш мақсадида *ini-oğulluq, xiđmatkārliq* сўзларидан фойдаланилган.

Муаллиф фикр таъсирини ошириш мақсадида ҳатто риторик сўроқ жумлани ҳам қўллайди: *Ne oğul bolğay-kim, bu kečär dunyāda burunđı yaxšiları yüz yildin beri qilğan dostluq, qarındašliqni özgä qilğay.* – “Бу қандай ўғил-ким, бу кечар дунёда бурунги яхшилари юз йилдан бери қилган дўстлик, қариндошликни ўзга қилса?!” (AS.66–68).

Султон Абу Саид мактуби шундай жумлалар билан охирлайди: *Keçär dunyāda qiyāmatğa deginç bu yaxşı at arada qalğay. Seniñ esänligiñni körä Mahmud begni yibärildi.* – “Кечар дунёда қиёматга қадар бу яхши от орада қолғай. Сенинг эсонлигингни кўриш учун Маҳмуд бегни юборилди” (AS.73–75).

Султон Абу Саид битигида *Täñri 'ināyatī* бирикмаси кўп учрайди; масалан, *Täñri 'ināyatī bulup.* Ушбу бирикма “Тангридан иноят топиб; Тангридан иноят бўлиб; Тангридан иноят етиб” деган маънони англатади (*bulup* – “топиб, етишиб” англамидадир). Матн давомида бу бирикма *Täñri 'ināyat qilip, Täñri 'ināyatığa siğinip, Täñri 'ināyatidin, Täñri 'nāyatī birlä* кўринишларида ҳам учрайди. Шунингдек, матнда *'umid ul-kim; 'umidim ul durur-kim* сингри жумлалар қайтарилиб туради.

Темурийлар даврида яратилган расмий хужжатлар услубининг равонлигини, матн таъсирини, унинг юридик асосини таъминлашда бунинг сингари бирликларнинг ўрни каттадир.

Туркий хужжатчилик тарихида матн услубининг бунинг сингари кўриниши қадимдан келади. Хусусан, уйғур ёзувида битилган қадимги туркий васиқаларда ҳам расмий ва бадиий услублар синкретизми кузатиш мумкин (Содиқов, Омонов 2012,122–127). Кўринадики, темурийлар даври матнларидаги ушбу хусусиятни қадимги аъёнларнинг давоми сифатида қаралмоғи керак.

Эски хужжатларда расмий ва бадиий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши ёки юридик кимсалар нутқининг бу кўринишда уйғунлашуви туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб улгурмаганидан эмас, аксинча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, хужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

РАСМИЙ БИТИГЛАРДА ТАРИХ ВА УНИНГ БЕРИЛИШИ

Тарих деганда ёзма манбаларнинг, хужжатларнинг ёзилган санаси, йил-ой-куни англашилади. Рус дипломатикасида

колофон, ғарбда *datum* дейилади. Тарих ҳужжатларнинг ҳуқуқийлиги, расмийлигини таъминловчи муҳим компонентлардан биридир. Айниқса, ёрлик ва ҳужжатларда тарихнинг аҳамияти катта: у ўтмишда бирор бир воқеанинг юз берган кунини тарихга муҳрлайди. Тарих ҳуқумдорнинг ўша чоғдаги расмий нутқини, унинг буйруғини, тарихда кечган воқеа санасини аниқ билдиради.

Яна бир жиҳати, юрт эгасининг ҳар қандай буйруғи, бирор кимсага бераётган имтиёзлари ана шу ёрлик битилган кундан бошлаб кучга киради. Расмий ҳужжатларда тарихнинг ҳуқуқий статуси ҳам бор.

Ёрликларда, расмий-дипломатик мактубларда тарихнинг берилиш тартиби олди-берди васиқаларидан фарқ қилади. Олди-берди васиқаларида тарих ҳужжатнинг бошланишида келади, яъни васиқа матни тузилган кун тарихи билан бошланади. Ёрлик ва мактубларда эса тарих матн якунида келади, расмий ҳужжат тарих билан тугайди.

Зафарли юришлар ҳақидаги битиглар бундан ўзгача. Жумладан, улус эгаси Темурбекнинг зафарли юриши тўғрисидаги битиги тарих билан бошланган: *Tarix yeti yüz toqsan iştä, qoy yil yazniñ ara ay* – “Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида)”. Сўнг ана шу санада Темурбегнинг уч юз минг кўшин билан Тўхтамишхон юртига юриш бошланганлиги маълум қилинади.

Ёрликлар ва расмий-дипломатик мактубларда тарихнинг ўзи бир нечта ички компонентлардан тузилган бўлади. Компонентларнинг жойлашувида муайян тартиб бор: кўпинча бошланишда *tarix* сўзи қўшиб қўйилади; тарих йил-ой-кун кетма-кетлигида берилади. Йил аввал туркий мучал ҳисобида, сўнг ҳижрий санада; ой эса мусулмон тақвими асосида, ундан кейин кун санасига ўтилади. Кун айтилганда *yañida* ёки *eskida* сўзлари қўшиб айтилади; бу иккиси “ойнинг куни” англамидадир. Шулардан сўнг ҳужжатнинг битилган ўрнига кўчилади. Айтилганларнинг бари ўрин-пайт келишигида. Тарих

битилган жумла *bitdimiz, bitidimiz* ёки мажхул нисбатдаги *bitildi* сўзлари билан тугайди. Шу ўринда Тўхтамишхон ёрлигининг якунидаги тарихга эътибор қаратинг: *Taqāḡu yil, tarix yeti yuz toqsan beštā rajab ayinīn sekiz yaḡida ordu Tanda erürdā bitdimiz.* – “Товуқ йили, тарих етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битдик” (Т.23–25). Кузатган бўлсангиз, хужжатнинг битилган ўрни қайд этилганда *ordu Tanda erürdā*, яъни “ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида” жумласи қўлланган. Бу жумла Олтин Ўрда давлат бошқарувига хос, чунки ёз чоғларида ўрда хон билан баробар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб турган³. Англашиладики, юқоридаги ёрлик хоннинг ёзги ўрдаси Тан суви ёқасида эканида битилган.

³ Сайёҳ ва олим Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сининг саккизинчи фаслида Қипчоқ элидаги хон ўрдаси тўғрисида яхши маълумот ёзиб қолдирган. У ёзади: “Биз Можар шаҳридан султон қароргоҳига бориш учун тайёргарлик кўрдик. Қароргоҳ Можар шаҳридан тўрт кунлик узоқликдаги Бештоғ деган ерда жойлашган эди. Бештоғда турклар чўмиладиган бир иссиқ булоқ бор. Айтишларича, ким шу сувда чўмилса, ҳеч қандай дардга йўлиқмас эмиш.

Қароргоҳ турган жой (Сарой)га йўл олиб, рамазон ойининг биринчи куни у ерга етиб бордик. Бироқ бу жой бўм-бўш бўлгани учун яна келган жойимиз (Бештоғ)га қайтиб кетдик. Чунки қароргоҳ унга яқин жойга кўчган эди. Чодиримизни ўша ердаги бир тепалик устига қурдик. Бегона эканимизни билдириш учун чодир олдига байроқ тикдим. Отлар ва араваларни эса чодир орқасига жойлаштирдик. Сўнг улар “Ўрда” деб аташадиган жойга бордим. Қароргоҳ масжид ва бозорлари, халқи ва ошхоналари мўрисидадан осмону фалакка кўтарилаётган тутунлари билан кўчиб юрувчи шаҳар эди. Улар сафар асносида ҳам овқат пишира оладилар. Одамлар от араваларда юришар эди. Кўзланган жойга борганларида чодирлар аравалар устидан туширилиб, ўша ерга ўрнатиладди. Чунки бу чодирлар кўтарса бўладиган даражада енгил эди. Масжид ва дўконларни ҳам худди шу тарзда зудлик билан тайёр ҳолга келтирар эдилар” (Ибн Баттута 2012,333).

Ёки Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга ёзган мактубининг охиридаги тарихга эътибор қаратинг: *Tawuq yil tarix sekiz yüz yetmişdä mubârak barât ayinîñ beş eskidä ordu-yi mu'azzam Azuğli özân yaqasında erdi, seşanba kün bitildi.* – “Товуқ йил, тарих саккиз юз етмишда, муборак барот ойининг бешинчи куни ўрдаи муаззам Азуғли ўзан ёқасида эрди, сешанба кун битилди” (М.20–21).

Темурийларнинг ёрлиқларида бундай эмас: султон қайси шаҳарда туриб ёрлиқ бераётган бўлса, ўша ернинг оти қайд этилади. Жумладан, Шоҳруҳ мирзо ёрлиғининг охирида берилган тарихга эътибор қилинг: *Tarix sekiz yüz y(i)g(i)rmi beşidä ud yil muharram aynîñ y(i)g(i)rmi ikisidä Baği şaharda bitildi.* – “Тарих: саккиз юз йигирма бешиде, сигир йили, муҳаррам ойининг йигирма иккисиде [=1422 йилнинг 16 январиде] Боғи шаҳарда битилди” (Ş.12–13).

ЁРЛИҚ ВА МАКТУБЛАРДА КЕЧГАН АТАМАЛАР ТИЗИМИ

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг ёрлиқлари ҳамда расмий-дипломатик хатларида ёзма расмий услубга тегишли бўлган бир қатор атамалар (терминлар) тизими амал қилади. Атамалар расмий ҳужжатлар услубини шакллантирувчи муҳим бирликлардан саналади. Куйида уларнинг матн стилистикаси, балоғат даражасини белгилаб турувчи бир-икки турини кўриб чиқамиз.

Ҳужжатчиликка тегишли атамалар:

söz – илк англамда “сўз; гап”ни билдиради. Шунингдек, *söz* калимаси ҳукмдорларнинг бирор кимсага йўлланаётган хатларида, ёрлиқларида унвонда келиб, юрт эгасининг “муурожаати; фармони; ёрлиғи” маъноларида ҳам қўлланган. Масалан, *Temür Qutluğ sözüm* дейилганда “(Бу мен) Темур Қутлуғ(нинг) фармоним, ёрлиғим” англанади.

bitig – хат, мактуб (AS.42). *Bitig* – илк англамида “ёзув”ни билдирган. Бу сўз “ёзмок, битмак” маъносидаги *biti-* феълига от ясовчи -g қўшимчасини қўшиб ясалган (*biti+g*). Кейинчалик

унинг маъноси кенгайиб, “хат, мактуб; хужжат; китоб; матн” сингари ёзув билан боғлиқ нарсаларни ҳам *bitig* деб кетилган.

bitig salām – “салом хат; мактуб” маъносини билдиради (UM.18).

dīvān bitigčilāri – девон котиблари (TQ.7).

bildürä – билдиргулик (AS.48).

yarliq~yarliġ – ёрлик; хоннинг буйруғи, фармони (TQ.12). Маҳмуд Кошғарий бу сўзни “чигилча” деб кўрсатган: “*yarliġ* – хоқоннинг хати, фармони (чигилча). Буни ўғузлар билмайдилар” (МК.III.49).

altun nišanliq yarliq – олтин нишонли ёрлик (T.22).

altun nišanliq, al tamġaliq yarliq – олтин нишонли, ол тамғали ёрлик (TQ.51–52).

yarliq ber – ёрлик бермак (TQ.52)

yarliq tut – ёрлик, тутмоқ; ёрлик йўлламоқ (T.22–23).

nišān – илк англамида “белги; нишон”; хужжат атамаси сифатида эса “далилловчи хужжат; гувоҳнома” маъносини билдиради (U.10).

muhurluġ nišān – “хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдиқланган хужжат” (U.12), баъзан олий даражадаги бундай хужжатлар *altun muhurluġ nišān* ҳам дейилган.

beg nišān – “беглик нишони, беглик ёрлиғи” маъносини беради (Š.7).

nišān yosun – жуфт сўз (?) (U.9); *yosun* – “қонун, қоида”, *nišān yosun* – “қонун битилган гувоҳнома, далилловчи хужжат” маъносини беради.

tamġa – муҳр, тамға. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра, “шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри” (МК.I.400). Тарихчи Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сида ёзишича, турклар муҳрни *al tamġa* деб аташади: *al* – “қизил”, *tamġa* – “муҳр” маъносини билдиради (Ибн Баттута 2012,371); *al tamġaliq yarliq* – ол тамғали ёрлик (TQ.52).

tamġacı – муҳрдор, муҳр босувчи (TQ.7).

alimğa – шоҳ мактубларини турк хати [яъни уйғур хати – Қ.С.] билан ёзувчи котиб (МК.І.161).

baxši – котиб, бахши. Уйғур хатида битувчи котиблар теурийлар замонида ана шундай аталган. Қадимги туркий тилда бу сўз *baqši~baxši* шаклида кўлланиб, “устоз; мураббий; муаллим” маъноларини англатган (ДТС.82). Кейинчалик бу атама котибларга нисбатан ҳам кўллана бошлади. Масалан, ўрта асрларда уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxši* сўзи кўшиб айтилган: *Zaynu-l-Ābidin baxši, Abdu-l-razzāq baxši* сингари. Ҳозирги ўзбек тилида *baxši* “достон айтувчи”ни билдиради. Айрим шеваларда, унинг “фолбин” маъноси ҳам бор.

daftar – дафтар; хужжатчиликда кўпинча “давлат девонларида ҳисоб-китоб, кйрим-чиқим, даромад ва харажат ёзувлари” (Ҳакимов 2013,89). Умаршайх ёрлиғида “расмий хужжатларни қайд этиш дафтари” маъносида келган; *daftarlarğa surusun* – дафтарларга қайд этсин (U.11).

монументал матн – ўликлар хотирасини мангулаштириш истагида мазор тошларига ёзилган битиглар, зиёратчилар томонидан қоя тошларга, шунингдек, бирор улуғ тарихий воқеалар сабаб бўлиб тошларга ёзиб қўйилган ёзувлар. Кўк турк ёзувли енисей битигларида бунинг сингари монументал матнлар *beñü~beñkü~beñgü* дейилган. Ҳозирги матншуносликда “монументал матн” билан бирга “эпиграфик матн” атамаси ҳам қўлланилмоқда. Эски туркчада унинг ҳам ўз атамаси бор. Кўк турк ёзувли урхун битигларида эпиграфик матнни *bitigtaš*, енисей битигларида эса *beñkü qaya~meñkü qaya* дейилган.

Кунимизга қадар сақланган турк монументал битигларининг энг кўҳнаси урхун обидаларидир. Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадийий услубда баён этилган. Муҳими, битигтош ижодкорлари ўша кезлардаёқ фикрни эл-улусга,

келгуси ўғил-қизларга етказишнинг энг таъсирчан йўлини топганлар. Улар битигларда тарихий баён, расмий, монументал матнларга хос кўтаринкилик, эпитафияларга хос қайғули оҳанг – бари-барини ўзида мужассамлаштирган синкретик услубни кўллаганлар.

Соҳибқирон Темурбегнинг Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаш арафасида уйғур хати билан тошга ёздирган битиги ҳам монументал матн саналади.

Хуқуқ ва иқтисодга тегишли атамалар:

ahd – келишув, аҳд (AS.41).

ahd sözi – келишув, аҳд сўзи (AS.36). *Ahd sözi* – оғзаки, сўзда ўзаро келишув. Бунинг акси – *bitim*, у энди “ёзма ҳолда келишиб олиш”ни билдиради: *biti+m* – “битилган, ёзилган акт” маъносидадир.

söz: söz keç- “аҳд; келишув” маъносини билдиради: *Seniñ bilä ahd qılğanda bir-birimizniñ dostıǵa dost, duşmanıǵa duşman bolalı tep söz keçip erdi.* – “Сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди” (AS.43–44).

yosun – “қонун-қоида, йўсин” (T.20).

tarханliq yosuni – тархонлик йўсини, қоидаси (TQ.15).

nişān yosuni – нишон қоидаси, йўсини (Š.7).

suуurǵal yosuni – суюрғал қоидаси, йўсини (Š.8).

šar’i qabala yosuni – шаръий қабала йўсини (TQ.25–26).

suуurǵal – суюрғал; давлатга яхши хизматлари учун хон ёки султон томонидан доимий фойдаланиш учун тортиқ қилинган ер, мол-мулк (TQ.20; Š.3).

Йирик ер, мол-мулкдан бошлаб хон ёки султон томонидан берилган тортиқ ҳам *suуurǵal* аталган. Темурийлар давлатида суюрғалнинг турлари кўп бўлган. Уларнинг кенг тарқалган шакли сулола вакилларига берилувчи суюрғалдир. Буларнинг кўлами катта-катта ерлардан иборат бўлган. Бундай суюрғаллар баъзан авлоддан-авлодга ҳам ўтган. Баъзида улар абадийга ҳам берилган. Суюрғал авлоддан-авлодга ўтганда ҳуқумдор

томонидан алоҳида нишонлар билан ҳам тасдиқлаб турилган (Жумладан, Шохруҳ мирзо ҳамда султон Умаршайх нишонлари ана шундай вазифани бажаради). Темурийлар давлатида суюрғал, кўпинча, жангда қахрамонлик кўрсатган кўшин бошлиқларига, баъзан дин уламосига ҳам берилар эди. Уларнинг кўлами кичик қишлоқдан тортиб йирик вилоятга ҳам етган (*қаралсин*: Гафуров 1989,231–232).

suurğal ber – суюрғал бермак (У.6).

milk – йирик суюрғал билан бир қаторда кичик суюрғаллар ҳам бўлиб, уларнинг имтиёзлари нисбатан чекланган эди. Ана шундай кичик суюрғаллардан бири *milk* аталган. *Milk* нинг миқдори турлича бўлиб, одатда, улар уламо ва дин бошлиқларига берилган. Мамлакатда *milk* ерлари ҳам катта миқдорни ташкил қилган. Улардан келаётган даромаднинг муайян бўлаги давлат хазинасига ўтказилган. Кўпинча дин бошлиқлари давлатга тўланадиган ана шу солиқдан ҳам озод қилинган (*қаралсин*: Гафуров 1989,232).

Султон Умаршайх ёрлиғида Мир Сайид Аҳмадга ана шундай суюрғал берилгани тўғрисида сўз боради: *M(a)rğin(a)n büzrügläridin Mir Sayid Ahmadğa M(a)rğin(a)n qasabasidin burun bir milk bağı bilä iki qoşluq ekininiñ har ne dīvānğa çiqar har türlüg mālini suurğal berilip erdi.* – “Марғинан бузургларидан Мир Сайид Аҳмадга Марғинан қасабасидан илгари бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг ҳар не девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюрғал қилиб берилган эди” (У.4–6).

Ўрта асрларда давлат иқтисодида мулкчиликнинг тўрт тури мавжуд бўлган: давлат мулки; зодагонларга қарашли милклар; вақф ерлари; деҳқон милклари (*қаралсин*: Гафуров 1989,198).

tarخان – солиқ ва бошқа тўловлардан озод этувчи давлат имтиёзининг яна бир тури *tarخان* аталган. Тархонлиқ олган йирик ер эгалари яна бир қанча қўшимча имтиёзларга ҳам эга бўларди. Имтиёзларнинг шунга яқин бўлган бошқа турлари ҳам

tarxan аталган. Баъзан бутун вилоят ёки шаҳар аҳли ҳам *tarxan* имтиёзига эга бўлган (*қаралсин*: Гафуров 1989,233).

tarxan qil – тархон қилмоқ; тархон ҳуқуқини бермак (TQ.18).

tarxan bol – тархон бўлмоқ; тархон ҳуқуқини олмоқ (TQ.20).

āzād tarxan bol – ҳар қандай солиқлардан озод бўлган, эркин ҳуқуқли тархонлик олмоқ; эркин тархон ҳуқуқига эга бўлмоқ (TQ.28).

dīvānğa čiqar māl – девонга, яъни давлат хазинасига тўланадиган мол; *dīvānğa čiqar har türlüg māl* – девонга чиқар ҳар турли мол [яъни хазинага тўланувчи даромад] (U.6).

tawačī tartusi – бу бирикмадаги *tawačī* – ҳуқумдорнинг муҳим топшириқларини бажарувчи ёрдамчиси, сарой амалдорлари устидан назоратчи; *tartu* – “қўшимча мол-мулк; тортиқ”; *tawačī tartusi* – тавачи томонидан берилган қўшимча мулк; тортиқ (U.7).

čiqiš – хирож; қарам юрт томонидан тўланадиган тўлов, хирож; *bizgā baqar ellärniñ čiqišlarī* – бизга қарам юртларнинг хирожлари (T.18).

čiqar: dīvānğa čiqar har türlüg māl – девонга чиқар ҳар турли мол, яъни хазинага тўланувчи даромад (U.6).

saltiq – солиқ (U.10).

saltiq sal – солиқ солмоқ (U.10–11).

qubur yasaği – солиқнинг бир тури (TQ.37).

qalan – солиқнинг бир тури (TQ.37).

borč – солиқнинг бир тури (TQ.38).

xarač – хирож (TQ.38).

tarxanliq – савдо-сотик жараёнида сотувчидан ундириладиган солиқ (TQ.41).

tabanliq – савдо-сотик жараёнида сотувчидан ундириладиган табанлик ҳақи (TQ.41).

yol haqqi – савдо-сотик жараёнида сотувчидан ундириладиган йўл ҳақи (TQ.42).

qarawulluq – савдо-сотиқ жараёнида сотувчидан унинг моли кўриқлаб турилгани учун ундириладиган қоровуллик ҳақи (TQ.42).

bāzīrgān argīšlari – савдогарларнинг қарвонлари (M.9); ушбу бирикмада форсчадан ўзлашган *bāzīrgān* – “савдогар”; туркий *argīš* – “қарвон” маъносидадир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ОЛТИН ЎРДА ХОНЛАРИНИНГ ЁРЛИҚ ВА МАКТУБЛАРИ

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р : ёрлиқ, расмий-дипломатик хат; матн компонентлари; ҳужжатлар услуги; матн интерпретацияси; хон ёрлиғи, хон мактуби.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Олтин Ўрда давлатида дипломатика иши.

Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи: матн ва унинг таҳлили.

Темур Қутлуғхоннинг Муҳаммадга берган тархонлик ёрлиғи.

Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган мактублари.

Ёрлиқ ва мактубларнинг тарихий-филологик талқини.

“Олтин Ўрда” историографияда ўрнашиб қолган атама (чамаси, *Altin ordu* сўзидан келиб чиққан бўлиши керак; *altin* – “қуйи; қуйи тараф” (Gabain 1950,293), *ordu* – “ўрда; хон қароргоҳи; сарой”, Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, “шоҳ турадиган шаҳар” (МК.І.145); шунга кўра, *Altin ordu* – “қуйи ўрда” деган тушунчани беради. Кейинчалик бу атама давлат номига ҳам кўчган). Ўша замоннинг ёзма манбаларида бу юрт халқнинг номидан келиб чиққан ҳолда *Qipčaq*, *Qipčaq eli*, *Dašt-i Qipčaq* деб аталган (“Олтин Ўрда” атамасининг келиб чиқиши тўғрисида қаралсин: Добродомов 1978,121). Тўхтамишхон ёрлиғида бу салтанат, яъни Тўхтамиш қарамоғидаги барча эллар *uluğ ulus* аталган (Т.21).

Олтин Ўрда давлатининг қурувчиси Ботухондир. Ботухон Жўжихоннинг ўғли, у киши Чингизхоннинг ўғли. Чингизхон Ясукай баҳодирнинг ўғли. Чингизхоннинг ўз оти Темучин эди. Эр бўлиб, қахрамонлик кўрсатгандан кейин унга Чингиз деб от қўйдилар. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, “Андин ақобир ва ашрофлар жам бўлуп, Темучинга Чингиз от қўйуп, тўққуз поялиқ оқ туғ рост қилип хон кўтардилар. Андин кейин Чингиз от бирла машхур бўлди” (қаралсин: ТР.37–38).

Чингизхон ўғли Жўжихонга томоми Дашти Қипчоқни берди. Жўжи Чингизхондан олти ой илгари вафт бўлди. Ўрнида ўғли Ботуни насб қилди. Ботухондан кейин Беркахон Дашти Қипчоққа хон бўлди (ТР.44).

Олтин Ўрда давлати 1236 йилда юзага келиб, 1502 йилга қадар яшади. Давлат гуллаб-яшнаган чоғларда бир ёғи Уралдан Эронга қадар, иккинчи ёғи Болгария, Руминия, Венгрия, Польшага қадар бўлган Евроосиёнинг катта худудини қамраган эди (қаралсин: TDT.117).

Олтин Ўрда хонларининг туркий тилда битган ёрлиқлари, кўшни элларга йўллаган расмий-дипломатик хатларидан сақланиб қолган.

ТЎХТАМИШХОН ЁРЛИҒИ

Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи уйғур хатидадир. Матн икки вараққа битилган бўлиб, биринчисида 13 сатр, иккинчисида эса 12, жами 25 сатрдан иборат (ёрлиқнинг тарихий-филологик очерки, транскрипцияси, русча таржимаси ва факсимилига қаралсин: Радлов 1888,1–40; 1890,198–199).

Хужжат 1834 йили Москвада Ташқи ишлар вазирлигининг бош архивидан топилган. 1921 йилдан бошлаб Варшавада марказий архивда сақланмоқда (қаралсин: Султанов 1978,235–237).

Ёрлиқ товуқ йили, ҳижрий етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни [=1393 йилнинг 20 майида] ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битилган.

Ёрлиқнинг ёзув тартиби ўнгдан чапга. Биринчи қатор (*Toxtamış sözü*), олтинчи қаторнинг биринчи сўзи (*bizgä*), шунингдек, иккинчи бетнинг биринчи қаторидаги *Täñri bizni yarlıqar* ҳамда бешинчи қаторидаги *bizgä* сўзлари зарҳал рангда бошқа сатрлардан ажратиб ёзилган. 3–5- қаторлар қолганларидан ичкарироқ ёзилган бўлиб, уларнинг олдида араб ёзувининг куфа турида битилган, бири иккинчисининг ичига

жойлаштирилган тўртбурчак шаклли хон тамғаси босилган. Ёрликнинг сўнгги 23–25- сатрларида унинг тарихи келтирилган.

Хати ниҳоятда тартибли ва чиройли. Хат услуги “Ўғузхоқон” достонининг хатига ўхшаб кетади. Бироқ ушбу ёрликда товушларни бир-биридан фарқлаш мақсадида биронта нуқта ёки қўшимча белгилар қўйилмаган. Хат услуги XIV–XV юзйилликларда битилган бошқа ёдгорликлардан анча фарқ қилади; ўзига хос. В.В. Радлов унинг хатини “мўғул-уйғур” ёзув шакли, деб атаган эди (Радлов 1888,4).

Матн тузилиши

Тўхтамишхон ёрлиғи *Toxtamiš sözüm Yağaylağa* (Тўхтамиш сўзим Яғайлага) деб бошланган. Бу ўринда *Toxtamiš sözüm* – унвон; ундаги *Toxtamiš* – адресант (*intitulatio*); шарқ манбашунослигида хат эгаси, хат йўлловчини *мурсил* дейилган (*қаралсин*: Ҳакимов 2013,19,207); *sözüm* – ёрликнинг хонга тегишлилигини, унинг ўз оғзидан айтилаётганлигини далилловчи калом. *Yağaylağa* – ёрлик йўлланаётган кимса(адресат – *inscriptio*)ни билдиради, шунинг учун у жўналиш келишигида. Адресат шарқона тилда *мурсал* бўлади (*қаралсин*: Ҳакимов 2013, ўша жойда).

Ёрликнинг *асосий қисми* куйидаги компонентлардан иборат:

Тўхтамиш тахтга ўтирган чоғда унга қарам Яғайла улуси билан ўртада тузилган келишув баёни.

Тўхтамишхонга қарши кўтарилган фитна ва унинг бостирилиши.

Тинчлик ўрнатилгандан сўнг қайта алоқа ўрнатиш мақсадида элчилар йўлланаётгани.

Элчиларнинг Яғайла қошига боришидан кўзланган мақсад: шу чоққача тўланмаган ҳирожни ундириб, хазинага келтириш.

Ёрлик йўлланишининг мақсади: *Uluğ ulusniñ turušçağa dađı yaxšisi ol bolğay, tep altun nišanliq yarliq tuttuq.* – “Улуғ улуснинг

бардавлонлигига ҳам яхшиси шу бўлғай, деб олтин нишонли ёрлик йўлладик”.

Хотима қисми эса тарих (datum) билан тугайди. У икки компонентдан иборат: йил-ой-куни ва битилган ўрни: *Тақағи йил, тарих yeti yüz toqsan beštā rajab ayiniñ sekiz yañida ordu Tanda erürdä bitdimiz.* – “Товуқ йили, тарих етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Танда [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битдик”.

Матн транскрипцияси

Куйида В. Радлов факсимили асосида (1890,198–199) ёрликнинг транскрипциясини келтирамыз:

- (1) **Toxtamış sözüм**
- (2) **Yağaylağa.**
- (3) Uluğ orunğa olturğan yergäsin
- (4) aŋlatu.Qutlu-buğa, Asan başlı elçi-
- (5) lār iydük erdi. Sen dağı keläçinñi
- (6) bizgä iydiñ erdi. Burunqı yil Beg-Bolat, Xojamadın
- (7) başlı bir neçä oğlanlar, Bägiş, Turduçaq-Berdi,
- (8) Davut başlı beglār Edügü atlı kişini Temirgä aldır-
- (9) dın çaqırup emišlār. Ol tıl bilä keldi erdi,
- (10) alarniñ ala köñül bilä tıl inip el qirıñingä
- (11) yetä kelgändä aŋlap, yığilip, sançışmağa
- (12) turğanda, ol yaman kişilār burun tebärägin-
- (13) dän el tarbip ol iş dağı ol çaqlı bulğan yergäsi ol erdi.
- (14) Täñri bizni yarlıqap duşmanlıq qılğan Beg-Bolat, Xojamadın,
- (15) Bägiş, Turduçaq-Berdi, Davut başlı oğlanlar, beglärni
- (16) muñqaltı. Emdi bu yegüni aŋlatu Asan, Tulu Xoja başlı
- (17) elçilärni iydük. Emdi dağı bulsa
- (18) bizgä baqar ellärniñ çiqışların çıqarup, barğan
- (19) elçilärgä bergil, xazinağa tegürsünlār. Basa
- (20) burunqı yosunça bāzирgān ortaqların dağı yürüş-

- (21) sünlär. Uluğ ulusnıñ turuşçağa dağı yaxşı-
 (22) sı ol bolğay, tep altun nişanlıq yarlıq
 (23) tuttuq. Taqağu yil, tarix yeti yüz toqsan beş-
 (24) tä rajab ayınıñ sekiz yanıda ordu Tan-
 (25) da erürdä bitdimiz.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

3- қаторда: *uluğ orun* – “тахт” маъносида.

5- қаторда: *keläçiqni* – “келадиган кишиларингни, элчиларингни” дегани; *keläçi* – сифатдош шакли, “келадиган” маъносида.

iydük erdi – “юборган, йўллаган эдик”; *iy* – “юбормоқ” маъносида. Қадимги туркий битиглардаги кўриниши – *id*.

7- қаторда: *oğlanlar* – асли *oğlan* (<*oğul+an*) – бола, ўғил (қаралсин: Gabain 1950,320). Лекин бу ўринда “қўшин бошлиқлари; ҳарбийлар; офицерлар” тушунилади. Эътибор берилса, Олтин Ўрда ёрлиқларида бу сўз кўпинча шу маънода келган.

9- қаторда: *til bilä keldi erdi* – “жосуслик билан келди”. Маҳмуд Кошғарий *til* сўзининг бу маъноси ҳақида ёзади: *til* – жосус. *Yağidan til tutti* – душман жосусини тутиб олди (МК.ІІІ,148). Ёки бошқа ўринда: *til tuttim* – душман аҳволини суриштириб билиш учун тил, яъни асир тутдим (МК.І.323).

10- қаторда: *ala köñül bilä til in* – “ола кўнғил билан, ёвуз ниятда тил боғламоқ” маъносида, ибора.

el qiriği – эл, мамлакат худуди.

18- қаторда: *bizgä baqar ellär* – “бизга қарам юртлар, мамлакатлар” маъносида.

çiqış – асли “чиқиш, даромад” (қаралсин: ДТС.151); лекин бу ўринда “катта улусга, ҳукумрон томонга тўланувчи хирож” тушунилади.

19- қаторда: *basa* – “сўнгра; ундан сўнг” маъносида (қаралсин: Gabain 1950,301).

20- қаторда: *burunqı yosunča* – бурунги, исён кўтарилмасдан аввал жорий этилган қонун-қоидалар тушунилади; яъни “бурунги қонун-қоидалар бўйича”. *Yosun* – қоида, одат (ДТС.275).

21- қаторда: *uluğ ulus* – катта улус, улуғ мамлакат; Тўхтамиш қарамоғидаги барча эллар тушунилади.

24- қаторда: *rajab ayiniñ sekiz yañida* – “ражаб ойнинг саккизинчи кунида” деган маънони англатади. Бу ўринда *yañi* – “ойнинг куни” маъносидадир (*қаралсин*: ДТС.234).

24–25- қаторларда: *ordu Tanda erürdä* – ўрду, яъни хон қароргоҳи Тан (Дон) дарёси ёқасида эканлиги чоғида.

Ёрлиқнинг мазмуни

(1) Тўхтамиш сўзим

(2) Яғайлага.

(3) Улуғ ўринга [яъни тахтга] ўлтирганлигимизни

(4) билдириб Қутлу-буға, Асан бошчилигидаги элчи-

(5) ларни юборган эдик. Сен ҳам ўз кишиларингни

(6) бизга йўллаган эдинг. Бурунги йил [ўза йили] Бег-Бўлат, Хўжамадин

(7) бошчилигидаги бир неча ўғлонлар, Багиш, Турдучак-Берди,

(8) Давут бошчилигидаги беглар Эдугу отли кишини Темирнинг ёнига яширинча

(9) чақириб эмишлар. У жосуслик билан келди

(10) ва уларнинг ола кўнгил билан тил боғлаганларига мувофиқ хабар йўллади. Биз буни мамлакат ҳудудига

(11) етиб келганларидан кейин билиб қолдик. Йиғилиб, санчишмоққа

(12) тайёр турганимизда, ул ёмон кишилар аввал бошда теварак-

(13) дан хужум қилди. Оқибатда эл ичида кураш бошланди. Бу иш ўша чоғда ана шундай юз берди.

(14) Тангри бизни ёрлақаб душманлик қилган Бег-Бўлат,
Хўжамадин,

(15) Багиш, Турдучақ-Берди, Давут бошчилигидаги ўғлонлар
ва бегларни

(16) жазолади. Энди бу ҳолатни англатиб, Асан, Тулу Хўжа
бошчилигидаги

(17) элчиларни юборяпмиз. Энди бошқа бир иш.

(18) Сен бизга қарам юртларнинг ҳирожларини тўплаб,
борган

(19) элчиларга бергил, хазинага етказсинлар. Сўнг

(20) савдогар ўртоқларинг бурунги йўсинича иш

(21) тутсинлар. Улуғ улуснинг бардавонлигига ҳам яхши-

(22) си шу бўлғай, деб олтин нишонли ёрлик

(23) йўлладик. Товуқ йили, тарих етти юз тўқсон беш-

(24) да, ражаб ойининг саккизинчи куни ўрда Тан-

(25) да [яъни Дон дарёси ёқасида] эканлигида битдик.

Ёрликда қўлланган киши отлари

Asan 4,

Edügü 8,

Beg-Bolat 6,14,

Bägiš 7, 15,

Davut 8, 15,

Temir 8,

Tulu Xoja 16,

Turdučaq-Berdi 7, 15,

Toxtamiš 1 – Тўхтамишхон, Олтин Ўрда хонларидан бири,

Yağayla 2 – Яғайли, поляк қироли,

Xojamadin 6,14,

Qutlu-buğa 4.

Тан 24 – Тан, яъни Дон дарёси.

ТЕМУР ҚУТЛУҒ ЁРЛИҒИ

Олтин Ўрда хонларидан бири Темур Қутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи кунимизгача сақланиб қолган. Узунлиги 265 см., эни 23 см. ли ўрама қоғозга битилган мазкур ҳужжат 55 сатрлидир (ҳужжатнинг тарихий-филологик шарҳи, транскрипцияси, русча таржимаси, факсимили берилган нашрига қаралсин: Радлов 1888,17–40, факсимили 1-таблицада).

Ёрлиқ уйғур хатида бўлиб, тагма-таг араб хатида изоҳланган. Уйғур ёзувли матн куюқ қорада, араб ёзувли транслитерацияси эса нисбатан ингичкароқ қилиб қизилда битилган. Биринчи сатр (*Temür Qutluğ söziüm*) қолганларидан ажратиб ёзилган. 2–3-сатрлар (*oñ qol, sol qolniñ oğlanlarığa*) ичкарироқдан бошланган, чамаси муҳр ўрни қолдирилган. Хати “Ҳибату-л-ҳақойиқ”нинг 1480 йили Истанбулда Абдулраззоқ бахши уйғур хатида кўчирган нусхасининг хат услубида бўлиб, “Қутадғу билиг”да кўлланган хат услубидан ҳам, Тўхтамишхон ёрлиғининг хатидан ҳам фарқ қилади. Ёрлиқ ҳижрий 800 йил (=1397) барс йили, шаъбон ойининг олтинчи кунида Узу сувининг ёқасида Мужаваранда битилган (Содиқов 1997,86–87).

Куйида В. Радлов нашридаги матн факсимили асосида ёрлиқнинг транскрипцияси ва унинг ҳозирги ўзбек тилига ўғирмаси келтирилмоқда.

Матн тузилиши

Ёрлиқнинг *кириш қисми* икки компонентдан иборат: унвон (*Temür Qutluğ söziüm*); ёрлиқ қаратилаётган юридик кимсалар (*oñ qol, sol qolniñ oğlanlarığa, tümän edgü başliğ miñ, yüz, on beglärigä, içki kentläriñiñ qāzī, muftilariğa, mašāyih, sofilariğa,*

dīvān bitigčilərīgä, tamğacı, tartnaqčılarīgä, yortar işlänči, yolawčılarğa, bükäwül, tutqawullarğa, yamči, süsünčilär, quščı, barsčilarğa, kemäči, köprükčilärgä, bazarda turğanlarğa).

Асосий қисм тўрт компонентдан иборат:

Биринчиси, Муҳаммад исмли кимсанинг тархонликни сўраб ёзган илтимоси.

Иккинчиси, Муҳаммадга тархонлик имтиёзининг берилиши.

Учинчиси, тархонликни олган Муҳаммад ва унинг ўғлонларига берилган имтиёз турлари.

Ёрлик берилувининг мақсади: *İnç turup tinçliq bilä şām-u sabāh avqāt-i šariḫlarıda bizgä, dağı biziñ uruğ-uruğimizğa du'ā, alqış etä tursun, tep tuta tururğa altun nişānliq, al tamğaliq yarliq berildi.* – “(Шу қилган яхшиликларимиз эвазига) қойим туриб, тинчлик билан шому сабоҳ чоғларидаги ибодатларида бизга, яна бизнинг уруғ-аймоғимизга дуо, олқиш эта турсин, деб тута турурға олтин нишонли, ал тамғали ёрлик берилди”.

Хотимаси: ёрлик тарих билан тугайди. У икки компонентга бўлинади: ёрликнинг йил-ой-куни ва ёзилган ери: *Tarix sekiz yüzdä, bars yıl, ša'bān ayiniñ altinči künidä Üzü suyiniñ kanarida, Mujavaranda erürdä bitildi.* – “Тарих саккиз юзда, барс йили, шабон ойининг олтинчи кунида Узу сувининг [яъни Днепр дарёсининг] ёқасида, Мужаваранда эканлигимизда битилди”.

Матн транскрипцияси

(1) *Temür Qutluğ sözum*

(2) *oñ qol, sol*

(3) *qolniñ oğlanlarīgä,*

(4) *tümän edgü başliğ miñ, yüz, on*

(5) *beglärigä, ički kentläriñiñ qāzı,*

(6) *muftılarığa, maşāyih, soḫılarığa,*

(7) *dīvān bitigčilərīgä, tamğacı, tart-*

(8) *naqčılarīgä, yortar işlänči, yolawči-*

(9) *larğa, bükäwül, tutqawullarğa, yamči,*

- (10) süsünçilär, quščı, barsçılarga,
- (11) kemäçi, köprükçilärgä, bazarda
- (12) turğanlarğa! Bu yarlıǵnı tuta turğan
- (13) Muhammadnıñ öbäkä atalarını burun-
- (14) ğı keçkän Sayın xan çağıdın biri birä
- (15) yarlıǵ rāst tarخانlıq yosunıça yürüp
- (16) atası Hāji-Bayram Xojanı
- (17) biziñ xan aǵalarımız suyurqap
- (18) tarخان qılğan çergäsın aqlata ötündi
- (19) ersä, ötülin yop körüp, Muhammad
- (20) biziñ suyurǵal bulup, tarخان bolup
- (21) tursun tedimiz. Bu kündin ilgärü Qırım
- (22) bilä Qırq yerniñ tımänidä Sudaq atlıǵ
- (23) kentniñ çewärindä burunǵı zamāndin
- (24) berü muta'addad tarخان bolğan, İndirçi salası
- (25) bilä maşhur bolğan salasıdın şar'ı qabala
- (26) yosunıça yer-suları bilä Muhammadnıñ
- (27) oǵlanları, ilki Hāji Muhammad va Mahmud-
- (28) nı āzād tarخان bolsun. Bularnıñ yer-su-
- (29) larıña, baǵ, baǵçalarıǵa, xammām, tegirmän-
- (30) lārigä, tasarruf qıla turğan yerlārigä
- (31) burundın qalğan āzādlarıǵa, basa sala-
- (32) larıǵa, safançı, ortaқçılariǵa-kim,
- (33) kim ersä küç-uǵa tegürmäsün. Yolsuz
- (34) yerdä nāmälärini tartıp almasun-
- (35) lar. Borla tamǵası, in kinçi üskü
- (36) bol qurtı, ambar malı, indir haqqı,
- (37) tabanlıq qısmat, qubur yasaǵı, qalan, musamma
- (38) salıq, borç, xaraç almasunlar. Barurıda-kelüridä,
- (39) kirür-çiqarida Qırımıda, Kafada, qayu-ma
- (40) türlüg ne ersä alurıda, satarıda tamǵa,
- (41) tartnaq almasun. Tarخانlıq, tabanlıq, yol
- (42) haqqı, qarawulluq tilämäsünlär. Tawar-qara-
- (43) ların ulaq tutmasun. Qonaq tüşül tüşürmäsün-

- (44) lār. Sūsün ulufa tilämäsünlär. Qayu-ma
 (45) türlüğ zahmat-u movinat va avarizat-
 (46) lardın masun-u maxrus bolsunlar. İnc
 (47) turup tınçlıq bilä şām-u sabāh avqāt-i
 (48) šariflarıda bizgä, dağı biziñ
 (49) uruğ-uruğimizğa du’ā, alqış
 (50) etä tursun, dep tuta tururğa
 (51) altun nişānliq, al tamğalıq
 (52) yarlıq berildi. Tarix sekiz yüzdä,
 (53) bars yıl, ša’bān ayiniñ altinči
 (54) künidä Üzü suyiniñ kanarıda,
 (55) Mujavaranda erürdä bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

2–3- қаторларда: *oñ qol, sol qolniñ oğlanları* – бу бирикмадаги *oñ qol, sol qol* – “қўшиннинг ўнг қаноти, сўл қаноти” тушунилади (*қаралсин*: Дадабаев 1990,20,40); *oğlanları* – “қўшин бошлиқлари”; яъни “ўнг қанот, сўл қанот қўшинининг бошлиқлари” деган маънода.

4–6- қаторларда: *miñ, yüz, on beglari* – мавқеларига кўра “минг беги, юз беги, ўн беги” кўзда тутилмоқда.

9- қаторда: *tutqawul* – “ёрлиқ элтувчи; солиқ йиғувчи” маъноларида (*қаралсин*: Дадабаев 1990,76).

14- қаторда: *Sayin xan* – Ботухон.

18- қаторда: *tarхан qil* – “солиқлардан озод қилмоқ” маъносига. Чунончи, *tarхан* давлат олдидаги катта хизматлари учун турли имтиёзларга эга бўлган амирдир. Унинг мулкидан солиқ олинмаган, ҳатто унинг ўғиллари ҳам солиқдан озод этилган.

Сайёҳ ва олим Ибн Баттута Ҳожи Тархан шахрининг аталиши тўғрисида ёзади: “Тархан – турклар тилида солиқлардан озод қилинган шаҳар маъносини билдиради. Бундай шарафга муяссар бўлишига сабаб солиқлардан бўлмиш

Турк ҳожининг шу шаҳарга келиб жойлашгани ва султон уни ҳурмати юзасидан солиқлардан озод қилганлиги эди” (Ибн Баттута 2012,342).

čergäsi – ўз “навбати, гали” маъносида.

24- қаторда: *muta'addad* – кўп сонли; кўп муддат.

25- қаторда: *šar'ī qabala* – шарият йўли.

26–27- қаторларда: *Muhammadīn oğlanlarī* – Муҳаммаднинг ўғиллари, фарзандлари.

37- қаторда: *yasag* – солиқ. XVI аср ҳужжатларида *yasax* шаклида қўлланган (ДПЯ.394).

38- қаторда: *borč* – қарз (қаралсин: ДПЯ.388).

42- қаторда: *tawar-qara* – жуфт сўз, “қорамол”, яъни “хўкиз, буқалар” маъносида. *Tawar-qaralarīn ulaq tutmasun* – (унинг) хўкизларини (амалдор кимса) улов (ишлатиш) учун олмасин.

44- қаторда: *sū* – “лашкар, қўшин” маъносида; *sūsūn ulufa tilāmāsūnlār* – “қўшиндан улуфа тиламасинлар”.

46–47- қаторда: *inč turup: inč* – асли “тинч; роҳат” маъносида (қаралсин: Gabain 1950,311). Бу ўринда ибодат чоғидаги ҳолат кўзда тутилаётгани учун “тинчлик билан; қойим туриб” дея талқин қилингани маъқул.

47–48- қаторларда: *šām-u sabāh avqāt-i šariflarīda* – шому сабоҳ чоғларидаги ибодатларида, яъни узу кун ўқиган номозларида.

49- қаторда: *uruğ-uruğimīzğa* – “уруғ-аймоғимизга”.

54- қаторда: *Ūzū suyī* – Узу суви, яъни Днепр дарёси; *su* – “сув”; бу ўринда “дарё” маъносида. Қадимги туркий битигларда, “Девону луғатит турк”да – *suw*, эски ўзбек тилида, хусусан, Навоий асарларида, “Бобурнома”да *su* шаклида қўлланган. Ёки яна қиёсланг, шу ёрлиқнинг 26- қаторида: *yer-sularī* – ер-сувлари.

Ёрлиқнинг мазмуни

- (1) **Темур Қутлуғ сўзим**
- (2) ўнг қўл, сўл
- (3) қўлнинг [ўнг қанот, сўл қанот] ўғлонларига,
- (4) туман эзгу бошлиқ минг, юз, ўн
- (5) бекларига, ички кентларнинг қози,
- (6) муфтиларига, машойих, сўфиларига,
- (7) девон котибларига, тамғачи, тарт-
- (8) нақчиларига [яъни солиқ йиғувчи ва божхона хизматчиларига], иш юритувчи, йўл соқчи-
- (9) ларига, бакавул [ошпаз], тутқавулларга, хат ташувчи,
- (10) бекат нозирлари, қушчи, барсчиларга,
- (11) кемачи, кўприкчиларга, бозорда
- (12) турганларга [яъни бозор бошилиқларига]! Бу ёрлиқни тутиб турган
- (13) Муҳаммаднинг ота-боболарини бурун-
- (14) ги кечган Сайинхон [Ботухон] чоғидан бери пайза
- (15) ёрлиқли ҳақиқий тархонлиқ йўсинича юриб,
- (16) отаси Ҳожи Байрам Хўжани
- (17) бизнинг хон оғаларимиз сийлаб
- (18) тархан қилганлигини [солиқлардан озод қилганлигини], энди ўз гали етганини эслатиб, ўтинганида,
- (19) илтимосини маъқул кўриб, Муҳаммад
- (20) бизнинг суюрғалга етишиб, тархан бўлиб [солиқлардан озод бўлиб]
- (21) турсин, дедик. Бу кундан илгари Қирим
- (22) билан Қирқ ернинг туманида Судақ отли
- (23) кентнинг яқинида бурунги замондан
- (24) бери узоқ йиллар тархан бўлган [солиқлардан озод бўлган], Индирчи кўрғони
- (25) билан машхур бўлган кўрғонидан шаръиат
- (26) йўсинича ер-сувлари билан Муҳаммаднинг
- (27) ўғлонлари, каттаси, Ҳожи Муҳаммад ва Маҳмуд

- (28) озод тархан бўлсин. Буларнинг ер-сув-
 (29) ларига, узумзор ва боғларига, ҳаммом, тегирмон-
 (30) ларига, тасарруф қилиб турган ерларига,
 (31) бурундан қолган озод ерларига, сўнгра қўрғон-
 (32) ларига, деҳқонлари ва ўртоқчиларига-ким,
 (33) ҳеч кимса зўравонлик қилмасин. Йўлсиз
 (34) ерда [қонунсиз] нарсаларини тортиб олмасин-
 (35) лар. Узумзор солиғи,
 (36) бўл курти, омбор моли [солиғи], индир ҳақи,
 (37) табанлиқ қисмат, кубур [ариқ] ясағи, қалан (солиғи),

мусамма

- (38) солиқ, қарз, хирож олмасинлар. Борурида-келурида,
 (39) кирар-чиқарида Қиримда, Кафада, қай
 (40) турли нарса оларида, сотарида (улардан) ҳақ
 (41) олмасинлар. Тарханлиқ, табанлиқ, йўл
 (42) ҳақи, қоровуллик (ҳақи) тиламасинлар. Қора мол-
 (43) ларини (амалдорлар) улов тутмасин [яъни ишлатмасин].

Кўноқ тушул туширмасин-

- (44) лар. Кўшиндан улуфа тиламасинлар. Ҳар қандай
 (45) қийинчиликлару оғир тўловлар ва қўшимча солиқлардан

озод

(46) ва ҳимояда бўлсинлар. (Шу қилган яхшиликларимиз
 эвазига) қойим

- (47) туриб, тинчлик билан шому сабоҳ чоғларидаги
 (48) ибодатларида бизга, яна бизнинг
 (49) уруғ-аймоғимизга дуо, олқиш
 (50) эта турсин, деб тута турурға
 (51) олтин нишонли, ал тамғали
 (52) ёрлиқ берилди. Тарих саккиз юзда,
 (53) барс йили, шабон ойининг олтинчи
 (54) кунда Узу сувининг [яъни Днепр дарёсининг] ёқасида,
 (55) Мужаваранда эканлигимизда битилди.

Ёрликда қўлланган киши отлари

Mahmud 27,

Muhammad-Hāji Muhammad 13, 19, 26, 27,

Sayin xan 14 – Сайинхон [Ботухон],

Temür Qutluğ 1 – Олтин Ўрда хонларидан бири,

Hāji-Bayram Xoja 16.

Жой отлари

Kafa 39,

Mujavaran 55,

Sudaq 22,

Qirim 21, 39,

Qirq yer 22.

Сув оти

Üzü suyi 54 – Днепр дарёси.

ОЛТИН ЎРДА ХОНЛАРИНИНГ ТУРК СУЛТОНЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБЛАРИ

Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган мактублари араб хатида. Дипломатик хатлар адресатга аниқ ва тушунарли бўлиши учун шу хат танланган бўлуви керак. Ушбу мактублар дипломатик хужжатларгина эмас, туркий эпистоляр жанрининг ажойиб намуналари бўлиб, юксак балоғат даражасида битилган.

УЛУҒ МУҲАММАД ХОННИНГ II МУРОДГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИ

Олтин Ўрда ҳукумдори Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактуби ҳозирда Истанбул, Тўпқопи Сарой музейида сақланмоқда (10202- кўрсаткичли

васиқа). Мактуб араб хатида битилган бўлиб, 19 қатордан иборат (*қаралсин*: Kurat 1940,6–36; матннинг фотосурати 161–166- бетларда берилган; *яна*: Султанов 1978,237–239). Мактуб матннинг ўзида *bitig salām*, яъни “салом хат; мактуб” деб аталган (УМ.18).

Мактуб маймун йилида, ҳижрий саккиз юз ўттиз биринчи йил, жумаду-л-аввал ойининг йигирма еттинчи куни (=1428 йилнинг 14 март) ўрда Узу суви [яъни Днепр] ёқасида эканлигида битилган.

Хати жуда чиройли: сулс ва девоний услубларида. Матннинг ҳар бир қатори орада жой ташлаб ёзилган. Биринчи ва иккинчи қаторлар сулс хатида сатр бошидан, қолганларидан ажратиб ёзилган. Учинчи қатордан бошлаб (энди бу ёғига девоний хатда кетади) охирига қадар бир оз жой ташлаб ёзилган. Қаторларнинг охирига бориб матн юқорига кўтарила боради.

Матннинг бошдаги икки қатори, шунингдек, учинчи қатордаги *xan aǧalarimiz; atalarimiz; tўrtinchi қатордаги aǧalarimiz; бешинчи, олтинчи қаторлардаги xan aǧamiz Toqtamış xan; ġāzī Bayazid-beg; саккизинчи қатордаги haq ta'ālā; xan aǧalarimizniñ; ўнинчи қатордаги xudāy; bizgā; ўн учинчи қатордаги biz* сўзлари зарҳал рангда ажратиб ёзилган.

Учинчи қаторнинг бошланишига, шунингдек, олтинчи-еттинчи, тўққизинчи-ўнинчи, ўн иккинчи-ўн учинчи қаторларнинг ўртасига ва ўн саккизинчи-ўн тўққизинчи қаторларнинг охирига тўртбурчак бичимли хон муҳри урилган.

Матн тузилиши

Матн уч қисмли. Унинг *кириш қисми*: *Haq ta'ālā 'ināyatiylā, Muḥammad rayǧambar mo'jizātiylā Muḥammaddīn ġāzī Murādqa salām*. – “Ҳақ таоло инояти ила, Муҳаммад пайғамбар мўъжизоти ила Муҳаммаддан ғозий Муродга салом” (УМ.1–3). У уч компонентдан иборат: Оллоҳнинг инояти ва пайғамбар мўъжизотига тахсин (*Haq ta'ālā 'ināyatiylā, Muḥammad*

payğambar mo'jizātiylā); адресантинг оти, у чиқиш келишигида берилган (*Muḥammaddīn*); адресатга билдирилган салом, у жўналиш келишигида (*ḡāzī Murādqa salām*).

Асосий қисм қуйидаги компонентларга бўлинади:

Бурунги Олтин Ўрда хонлари билан Рум вилоятининг султонлари, яъни Тўхтамиш хон билан Боязид бек ўртасида борди-келди, дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатилганлиги, улар ана шу эзгу ишлар билан яхши от қолдириб, вафот этгани тўғрисидаги хотиралар баёни (UM.3–7).

Улардан сўнг ўзаро ҳокимият таллашиб, қалтис воқеалар юз бериб, тахт Барақ қўлига тушиб қолгани, сўнг чериг юриш қилиб, Барақ бирла Мансурни қочиргани, уларнинг тахти ва мулки тортиб олингани тўғрисидаги маълумотлар (UM.8–11).

Икки томон ўртасида муносабатларни қайта ўрнатишга бўлган урунишлар (UM.11–13).

Икки томон ўртасида бурунги алоқаларни қайта тиклаш борасида мактуб (*bitig salām*) юборилаётганининг таъкиди (UM.14–18).

Матннинг *хулоса қисми* шундай: *Yil biçin orda Üzü yaqasında erürdä bitildi. Filyavm-is-sab'a 'işrin a šahr-i jumadu-l-avval sana ahadi va şalaşuna va şamanimia. Sana 831* – “Маймун йилида ўрда Узу ёқасида эканлигида битилди. Саккиз юз ўттиз биринчи йил, жумаду-л-аввал ойининг йигирма еттинчи куни. Сана 831” (UM.18–19). У икки тилли: матннинг битилган йили ва ўрни – туркийда; мактубнинг йил-ой-куни ва сана кўрсаткичи – араб тилида.

Матн транскрипцияси

(1) Haq ta'ālā 'ināyatīylā, Muḥammad payğambar mo'jizātiylā

(2) Muḥammaddīn ḡāzī Murādqa

(3) salām. Burunḡī xan aḡalarīmiz sizniḡ Rum vilāyatiniḡ sultān atalarīñiz,

(4) aḡalarīñiz birlā elçi-keläçi iyişip, böläk-salām alişip, bāzирgān-ortaқ

(5) yürüşüp, yaxşı bariş-keliş qılurlar ermiş erdük. Sonra xan ağamiz

(6) Toqtamış-xan sizniñ uluğ babañiz ğāzī Bayazid-beg birlä burunğı yaxşı yosunča elçi-keläçi iyişip,

(7) böläk-salām alişip, ikisi taqī dostluq-yaxşılıq üzä Tāñri rahmatingä bardılar.

(8) Basa haq ta'ālā yarlığap, burunğı xan ağalarimizniñ uluğ orunnı berip turğanda öz ara

(9) törämiz talaşip, sonrağı zamanada oçur bolup, taxt Baraq qoluna tüşüp turur erdi. Burunğı yıl

(10) xudāyniñ 'ināyatı birlä çerig yürüp barıp Baraq birlä Manşurnı qaçurduq. Taxtnı-mulkni bizgä berdi. Olar

(11) taqī ançu öz ellärin ala qaçıp yürüyü bardılar. Birär-ikişär yıl Üzü qışlalı tep, köçüp kelip tururbiz. Basa sizgä kişi

(12) iysäk, awlaq aşurmağay tep İymaduq. Basa sizdin su birlä kişi kelgäy bildük, neçüg boldi kelmädi? Sizniñ yaxşı

(13) atñizni esän-tügällikni Hāji 'Ibād Bäräk(?)din bildük. Emdi ...k ... ur ... eflä ...nda biz ikägügä bir 'aŞr ...şa

(14) davlat berdi ersä, biz taqī Tāñriniñ yarısı birlä burunğı yaxşılarimiz yosunınča yaxşı barişalı. Aramiz(da) elçi-keläçi iyişip, salām

(15) böläklärimiz yetişip, bāzircān ortaqlarimiz yürüşsä, keçar boy, qalur mänü atqa yaxsısı ol bolğaymu ernä. Basa

(16) aramizda bu bir kesäk awlaq kāfirni ketärüggä neçüg maşlahat etip, istägin qurudın, sudin bāzircān-ortaq

(17) yürüp, yerli miskin terligin qılsunlar. Basa sizniñ esän-tügällik(ni) körüp kelsün tep, Hāji 'Ibād Bäräk(?)din bitig salām İyduq ...(?nı

(18) köz köräzä kişi Ibarni özünüz bilürsiz tep bitig salām İyduq. Yıl biçin orda Üzü yaqasında erürdä bitildi.

(19) *Filyavm-is-sab'a 'işrin a şahr-i jumadu-l-avval sana ahadi va şalaşuna va şamanimia. Sana 831.*

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

4- қаторда: *elči-keläči* – жуфт сўз, “элчи-сўзчи” маъносини англатади.

böläk salām – “совға-салом” маъносида. Чоғиштиринг, қадимги туркий битигларда: *biläk* – совға, ҳадя (Gabain 1950,303). Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асариди: *beläklädi: ol menä beläklädi* – у менга тухфа, ҳадя берди (МК.III.352).

9- қаторда: *törä* – “ҳокимият” маъносида; *törämiz talašip* – ҳокимият талашиб.

11- қаторда: *öz ellärin ala qačip yürüyü bardilar* – “ўз кишиларини олиб, қочиб кетдилар” деган маънони англатади.

12- қаторда: *su birlä kiši kelgäy* – “сув йўли билан киши келади” деган маънода.

awlaq ašurmağay: А. Курат бу сўзни *Ulaq* деб ўқиб, киши оти сифатида талқин қилган. Бу сўз 16- қаторда ҳам келган. А. Курат уни ҳам юқоридаги сингари тушунган. Қўлэзмада бу сўз *اولاق* шаклидадир. Уни *ulaq* деб эмас, *awlaq*, яъни “авлоқ” ўқилгани маъкул, у киши оти эмас. *Чоғиштирилсин*: Султанов 1978,239 да: “Это слово следует читать как “Авлак-Афлак” (букв. “Валахия”) и понимать под ним господаря Валахии”.

13- қаторда: *esän-tügällikni* – жуфт сўз, “эсон-омонликни” маъносида.

15- қаторда: *kečär boy, qalur mänü at* – “Халқ кечади, от мангу қолади” – мақол. Чоғиштиринг, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асариди: *El qalir, törü qalmas.* – “Мамлакат қолади [яъни ўзгаради], одат қолмайди”. Бу мақол эскиларнинг одатларини сақлашга ундалган кишига қарата айтилади (МК.III.240).

boy – “халқ, улус” маъносида. Кошғарий бу сўзни қуйидагича изоҳлаган: “*boy* – халқ, қабила, зурриёт, насл (ўғузча). Бир-бирини танимаган икки одам учрашиб қолишса,

дастлаб бир-бирларига салом беришади, сўнг *boy kim?* деб сўрашади, “элатинг, қабиланг ким?, қайси элатдансан?” демақдир. Сўралган киши бунга жавобан: “элатим *salğur*” дейди. ... сўнг улар сўрашишга бошлайдилар ёки ўз йўлларига кетадилар” (МК.ІІІ.155).

boy қадимги *bod~bod* сўзидан келиб чиққан; асли “уруғ” дегани. Бу маъноси ҳозирги ўзбекчада ҳам бор: *бўй қиз, бўйдоқ* – “бўйи [яъни: уруғи] етилган, турмуш қурса бўладиган қиз ва йигит”. Ёки: *қайинбўй* – “қайин [*qatīn* > яъни: “қатланган; туташган”] уруғлар” дегани; *бўйида бўлди* деганимизда ҳам ана шу маъно келиб чиқади.

16- қаторда: *qurudīn, sudīn* – куриқлик йўлидан ва сув йўлидан.

18- қаторда: *bitig salām* – “салом хат; мактуб” маъносини билдиради.

19- қаторда: *sana* – йил, тарих. Асарларнинг, китобларнинг охирида котиблар кўчирилиш тарихини қайд этганда, аввал *sana* (سنه) сўзини ёзиб, сўнг тарихни рақам билан кўрсатадилар. Бу матнда ҳам шундай.

Мактубнинг мазмуни

(1) Ҳақ таоло инояти ила, Муҳаммад пайғамбар мўъжизоти ила (2) Муҳаммаддан ғозий Муродга (3) салом.

Бурунги хон оғаларимиз Сизнинг Рум вилоятининг султон оталарингиз, (4) оғаларингиз бирла элчи-сўзчи юборишиб, совға-салом олишиб, бозиргон-ўртоқ (5) юришиб, яхши бориш-келиш қилар эдилар. Сўнгра хон оғамиз (6) Тўхтамиш хон Сизнинг улуғ бобонгиз ғозий Боязид бег бирла бурунги яхши одат бўйича элчи-сўзчи юборишиб, (7) совға-салом олишиб, иккиси ҳам дўстлик, яхшилик қилиб Тангри раҳматига бордилар [вафот этдилар].

(8) Сўнгра ҳақ таоло ёрлиқаб, бурунги хон оғаларимизнинг улуғ мақомини бериб турганда, ўзаро (9) ҳокимият талашиб,

сўнги чоғларда (муҳим) воқеалар бўлиб, тахт Барақ қўлига тушиб қолган эди. Ўтган йил (10) худонинг инояти бирла чериг юриш қилди, бориб Барақ бирла Мансурни қочирдик. Тахтини-мулкини бизга берди. Улар (11) ҳам шу йўсун ўз халқини [кишилари] олиб, қочиб кетдилар. Бир-икки йилдирки, Узу ёқасида қишлайлик деб, кўчиб келиб турурмиз. Яна Сизга киши (12) юборсак, авлоқ оширмағай дея йўлламадик. Сўнг Сиздан сув (йўли) билан киши келишини билдик, нима бўлди, келмади? Сизнинг яхши (13) отингизни, эсон-омонлигингизни Ҳожи Ибод (?)...дан билдик. Энди ...к ... урда биз иккимиз бир асир ...ша (14) давлат берса, биз ҳам Тангрининг кўмаги бирла бурунги яхшиларимиз одати бўйича яхши муносабат ўрнатайлик. Орамизда элчи-сўзчи юборишиб, салом- (15) совғаларимиз етишиб, савдогар-ўртоқларимиз юришса, кечар халқ, қоладиган мангу отга яхшиси ўша бўлғай.

Сўнг (16) орамизда бу бир парча авлоқ кофирни кетказишга қандай мувофиқ кўрилса, истагин қуруқдан, сувдан савдогар-ўртоқ (17) юриб, ерли, мискин терликларини қилсинлар. Яна Сизнинг эсон-омонлигингизни кўриб келсин дея, Ҳожи Ибод ...(?) дин мактуб юбордик ...(?)ни (18) таниқли киши бўлмиш Ибарни ўзингиз билурсиз дея мактуб юбордик.

Маймун йилида ўрда Узу ёқасида эканлигида битилди.

(19) Саккиз юз ўттиз биринчи йил, жумаду-л-аввал ойининг йигирма еттинчи куни. Сана 831.

Битида кечган киши отлари

Muhammad payğambar 1 – Муҳаммад алайҳис-салом,

Bayazid-beg 6 – турк султони,

Baraq 9, 10,

Ibar 18,

Manşur 10,

Muhammad 1 – Олтин Ўрда хони Улуғ Муҳаммад,

Murād 2 – турк султони II Мурод,

Toqtamış-xan 6 – Олтин Ўрда хони,

Hāji 'Ibād Bārāk(?) 13, 18,

Жой оти

Rum vilāyati 3,

Сув оти

Üzü 11, 18 – Днепр дарёси.

МАҲМУД ХОННИНГ ФОТИҲ СУЛТОН МЕҲМЕДГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИ

Олтин Ўрда хони Маҳмуд хон бин Муҳаммад хон бин Темур хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган битиги Тўпқоши музейи архивида, Е 10202- кўрсаткичи остида сақланмоқда. Мактуб араб хатида бўлиб, 21 қатордан иборат (*қаралсин*: Kurat 1940,37–45; матннинг фотосурати 167–170- бетларда берилган; *яна*: Султанов 1978,239–242).

Мактуб товуқ йили, ҳижрий саккиз юз етмишда, муборак барот ойининг бешинчи куни, сешанба кун (=1466 йилнинг 10 апрелида) ўрда Азуғли ўзан ёқасида эканлигида битилган.

Хати тартибли ҳам чиройли. Матннинг дастлабки беш қатори ўртада, унвонга ўхшатиб битилган. Олтинчи қатори сатр бошидан, бироқ кейинги қаторлардан ажратиб ёзилган. 7–9- қаторлар салкам сатр ўртасигача жой ташлаб, қолган қаторлари эса бир текис ёзиб кетилган.

Матннинг ҳар бир қатори орада жой ташлаб ёзилган. Қаторларнинг охирига бориб матн юқорига кўтарила боради. 9–10-, 15–16- қаторларнинг бошланишига, шунингдек, 21- қатордан кейин, матн охирига тўртбурчак бичимли хон муҳри урилган.

Матн тузилиши

Матн *Hūva*, яъни “У” сўзи билан бошланган. Бу сўз тангрига қаратилган бўлиб, бунинг билан Унинг буюклигига ишора қилинади. Киришнинг иккинчи бўлаги икки компонентли: Тангрининг қуввати ва пайғамбарнинг мўъжизоти, бурҳоннинг мадади билан Маҳмуд мулкининг зиёда бўлгани (*Bil-quvvati-l-Ahadiyya va bil-mo'jizāti-l Muḥammadiyya val burhāniyyati-l-madadiyya xaladallahu mulkahu fil-Maḥmudiyya* – “Бир [Тангри] қуввати ва Муҳаммаднинг мўъжизоти ила ва бурҳон мадади билан, Оллоҳ Маҳмуднинг мулкани боқий қилсин.”); адресатнинг унвони ва оти, у алқов билан қўшиб айтилади (*Sarvar-i sālāḩin ba'ināyat-i rabbu-l-'ālamīn sulṭān-i a'zam Muḥammad ḡāzīga* – “Тангри инояти ила султонларнинг буюги бўлмиш султони аъзам Муҳаммад ғазийга”) (М.2–6).

Шулардан сўнг салом айтилиб, яъни *Köp-köp salām qilip vāṣil bolḡandīn soḩ i'lām qilīnur-kim* (Кўп-кўп салом қилиб, восил бўлгандан сўнг илом қилинур-ким) жумласи билан (М.7) асосий қисмга кўчилади.

Асосий қисм куйидаги компонентлардан тузилган:

Бурунги хон боболар замонида икки юрт ўртасида борди-келди, савдо алоқалари, қардошлик муносабатлари яхши изга кўйилгани, хон ва султонлар ана шундай эзгу ишлар билан дунёдан ўтганини хотирлаш (М.8–13).

Эзгу ишларни давом эттириш тараддудида турилган бир чоғда, кўнгилсиз воқеалар юз бериб қолгани (М.11–14).

Тангри таолонинг ёрлиқови бирла бурунги муносабатларни тиклаш истагида элчи юборилаётгани, элчи билан бирга ушбу мактуб ҳам йўлланаётгани (М.14–20).

Матннинг *хулоса қисмида* тарих берилган. Унда матннинг битилмиш санаси: йил-ой-куни, битилган жойи қайд этилади: *Tawuq yil tarix sekiz yüz yetmişdä mubārak barāt ayinīḩ beṣ eskidä ordu-yi mu'aẓẓam Azuḡli özān yaqasinda erdi, seṣanba kün bitildi.* – “Товуқ йил, тарих саккиз юз етмишда, муборак барот ойининг

бешинчи куни ўрдаи муаззам Азуғли ўзан ёқасида эрди, сешанба кун битилди” (М.20–21).

Матн транскрипцияси

(1) *Hūva.*

(2) *Bil-quvvati-l-Ahadiyya va bil-mo'jizāti-l Muḥammadiyya*

(3) *val burhāniyyati-l-madadiyya*

(4) *xaladallahu mulkahu fil-Maḥmud-*

(5) *iyya*

(6) Sarvar-i salāṭin ba'ināyat-i rabbu-l-'ālamīn sulṭān-i a'ẓam Muḥammad ḡāzīga.

(7) Kōp-kōp salām qīlīp vāṣil bolḡandīn soṅ i'lām qīlīnur-kim,

(8) bizniṅ uzaqī xan babalarīmiz birlā sizniṅ burunḡi yaxšīlarīñizniṅ

(9) elči-kelāčisi kelišip, bāzīrgān arḡīšlarī yürüşüp,

(10) bölāk salāmlarī yetišip, esānlik-tügālliklārin bilišilüp, dostluq-qarındašlıq birlā

(11) Tāñri ta'ālā rahmatīna barmīšlar. Šukur 'ināyat-i ilahīgā, burunḡi xan babalarīmizniṅ uluḡ ornunī yarlıqap

(12) bergändä uzaḡi yaxšīlarīmiz yosuninča elči-kelāčilārimiz kelišip, bāzīrgān arḡīšlarīmiz yürüşüp,

(13) esānlik-tügāllikni bilišā tursaḡ bolḡaymu tegān oçurda kōp artıq işlar boldi ersā, kišimiz

(14) bara almaḡanı ol sababdīn erdi. Emdi bir-ü bar Tāñri ta'ālāniṅ yarlıqawī birlā

(15) bu kündin ilḡarū kōp burunḡi yaxšīlarīmizniṅ dostluqlarīn artturup, aramizda

(16) kōp yaxšīliqlarīmiz artura dostluqimizni emdidin ilḡarū ziyāda qīlīp, yaxšī kišīlārimiz

(17) kelišā-barīša tursa, yīraqdaḡi ešitürgā, yawuqdaḡi kōrārgā kečār dunyada dost-dušman arasında

(18) yaxšī at ol bolḡaymu teyü bizniṅ salāmatlıqni aytḡaç, sizniṅ esānlikni kōrgüzā

(19) ağır salām, yeñil böläk yetkürä avāyıldin berü qadimī du'āçimiz Hāji Aḥmad atlığ elçilärni

(20) iddük. Tawuq yil tarix sekiz yüz yetmişdä mubārak barāt ayiñiñ

(21) beş eskidä ordu-yi mu'aẓẓam Azuğli özän yaqasında erdi, şeşanba kün bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

7- қаторда: *vāṣil bol* – етишмак, эришмак.

9- қаторда: *bāzирgān arğišlarī* – савдогарларнинг карвонлари; *arğiš* – “карвон” (*қаралсин*: Gabain 1950,295).

10- қаторда: *böläk-salāmlarī* – “совға-саломлари” маъносида. *Böläk* – совға, ҳадя (ДТС,117).

12- қаторда: *uzaği yaxšilarimiz yosuninča* – бурунги яхшиларимиз одати бўйича.

15- қаторда: *bu kündin ilgärü* – “бу кундан бошлаб; бу кундан буён” маъносида.

16- қаторда: *emdidin ilgärü* – “бугундан буён” маъносида.

19- қаторда: *ağir salām, yeñil böläk yetkürä* – “қадрли салом, енгил совға етказиб”; бу ўринда: *ağir* – “қадрли, қимматли” маъносида; *yeñil böläk* – “сизга аталган енгил, арзимас совға” маъносида, камтарлик билан ана шундай дейилади.

21- қаторда: *beş eskidä* – “бешинчи кунда” деган маънони англатади.

А. Курат бу қаторда келган ўзан отини *Ezoğlu (Aziğli, İzoğlu?) Özen* деб ўқиган. Қўлёзмада бу сўз *اوزان ازوغلى* шаклида ёзилган. Буни *Azuğli özän* деб ўқилгани яхши.

Мактубнинг мазмуни

(1) У [Тангри (– буюқдир)].

(2) Бир [Тангри] қуввати ва Муҳаммаднинг мўъжизоти ила

(3) ва бурҳон мадади билан, (4–5) Оллоҳ Маҳмуднинг мулкини

боқий қилсин. (6) Тангри инояти ила султонларнинг буюги бўлмиш султони аъзам Муҳаммад ғозийга.

(7) Кўп-кўп салом қилиб, восил бўлгандан сўнг илом қилинур-ким, (8) бизнинг бурунги хон боболаримиз бирла сизнинг бурунги яхшиларингизнинг (9) элчи-сўзчиси келишиб, савдогарларнинг карвонлари юришиб, (10) совға-саломлари етишиб, эсон-омонликларини билишиб, дўстлик-қариндошлик бирла (11) Тангри таоло раҳматига бормишлар.

Илохнинг иноятига шукур, бурунги хон боболаримизнинг улуғ мавқеини ёрлиқаб (12) берганда бурунги яхшиларимиз одати бўйича элчи-сўзчиларимиз келишиб, савдогар карвонларимиз юришиб, (13) эсонлик-омонликни билишиб турсак бўлғайми, деган чоғда кўп ортиқ ишлар бўлгани учун, кишимиз (14) бора олмагани шул сабабдан эрди. Энди биру бор Тангри таолонинг ёрлиқови бирла (15) бугундан бошлаб кўп бурунги яхшиларимизнинг дўстликларин орттириб, орамизда (16) кўп яхшиликларимиз орттириб, дўстлигимизни бундан буён зиёда қилиб, яхши кишиларимиз (17) келишиб-боришиб турса, йироқдаги эшитурга, яқиндаги кўрарга, кечар дунёда дўст-душман орасида (18) яхши от ўша бўлғайми дея, бизнинг саломатликни айтгач, сизнинг эсонликни кўргузиб (19) кадрли салом, арзимас совға етказиб, авойилдан бери қадимий дуочимиз Ҳожи Аҳмад отли элчиларни (20) йўлладик.

Товуқ йил, тарих (ҳижрий) саккиз юз етмишда, муборак барот ойининг (21) бешинчи куни [=1466 йилнинг 10 апрелида] ўрдаи муаззам Азуғли ўзан ёқасида эрди, сешанба кун битилди.

Битигда кечган киши отлари

Muhammad 2 – Муҳаммад алайҳис-салом,

Mahmud 4 – Олтин Ўрда хони,

Muhammad 6 – турк султони, Фотих Султон Меҳмед,

Haji Ahmad 19,

Azuğli özän 21.

**АХМАД ХОННИНГ ФОТИХ СУЛТОН МЕХМЕДГА ЙЎЛЛАГАН
МАКТУБИ**

Олтин Ўрда хони Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Темур хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган битиги Истанбулдаги Тўпқопи музейида, Е. 6464 кўрсаткичи остида сақланмоқда (*қаралсин*: Kurat 1940,46–60; матннинг фотосурати 171–172- бетларда берилган; *яна*: Султанов 1978,242–245). Мактуб араб хатининг девоний услубида битилган бўлиб, жами 24 қатор.

Мактуб ҳижрий саккиз юз саксон иккида, муборақ сафар ойининг ўртасида [=1477 йилнинг май-июнида] ёзилган.

Хати тартибли. Биринчи ҳамда иккинчи қаторлар орада анча жой қолдириб ёзилган. Учинчи қатордан бошлаб, бир текис (фақат 10–11- қаторлар ўртада), орада бўшлиқ қолдирмасдан ёзилган. 17–18- қаторларнинг бош қисмига, ҳошияга кўндалангига уч қатор қилиб *Taḥḥiyatu-l-muḥabbat. Aḥmad ibn-i Muḥammad ibn-i Temür han* деб ёзиб қўйилган.

Матн тузилиши

Матн тангрининг улуғлигига ишора қилувчи *Hüva* – “У” сўзи билан бошланган (А.1). Сўнг Фотиҳ Меҳмедга мақтов айтилади, унинг таърифи улуғланади (А.2–10). Бу қисм ниҳоятда баландпарвоз бўлиб, арабий ва форсий жумлалардан тузилган. Шундан кейин *’ilām ol turur-kim* жумласи билан (А.10–11) асосий қисмга кўчилади.

Матннинг *асосий қисми* куйидаги компонентларга эга:

Юборилган элчи яхши хабар келтирганлиги тўғрисида маълумот (А.11–13).

Икки мамлакат ўртасида борди-келди алоқаларини тиклаш, бундан буён ўртада мустақкам дўстлик ўрнатилажаги учун элчи йўллангани (А.14–20).

Яна турк султони ҳар тарафга азму сафар қилса, бу тарафдан Аҳмад хон ҳам унга кўшилишга рози экани, қардошлик зиёдаси йўлида бошланажак ишлар унинг ихтиёрида эканлиги, шу эзгу ниятлар билан унга элчи йўлланаётгани тўғрисидаги қайд (А.20–23).

Хотима қисмида мактубнинг тарихи берилган: *Tārīx sekiz yūz seksān ikidā mubārak Şafar ayīniņ nişfinda istiktāb qilindi* – “Тарих (ҳижрий) саккиз юз саксон иккида, муборак сафар ойининг ўртасида [=1477 йилнинг май-июнида] ёзилди” (А.24).

Ҳошиядаги *Таҳйату-л-муҳаббат. Аҳмад ибн-и Муҳаммад ибн-и Темур хан* (Дўстлик саломи ила Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Темурхон) жумласини ҳам хулосага уласа бўлади.

Матн транскрипцияси

- (1) *Hūva.*
- (2) *Xudāvandgār-i a'zam qardaşim Sulţān Muḥammad-i kāmkar*
- (3) *bijanāb-i istişāl-i ahhi-l 'azz-i val-akram Sulţānu-s-salāţnu-l-'arab-i val-'ajam malik-i riqābi-l-umam*
- (4) *zilu-l-lahi fil ārađın qahramanu-l-ma-i vaţ-ţin nāşir-i 'ibādi-l-lah ḥāfiż-i bilādi-l-lah qāhir a'dai-l-lah ā'dilu-s*
- (5) *salāţni-l-ins-i val-jān manba'i ehşāni-l ma'dalat-i val-ehşāni-ġiyāsi-d-dunya vad-dīn*
- (6) *murabbi-l-ulamā-i val-musta'iddīn xalladallah mulkahu va sulţānahu va ja'ala favqal farqadayn-i makānahu va ayvānahu*
- (7) *va haq subḥānahu va ta'ālā āftāb-i 'azamat va baxtiyāri va sāya-i salţanat va kāmkarī va darānāi-l-layl-i va aḥrāfin*
- (8) *an-nahār va az ḥađrat-i subḥāni va quvva-i burhānī mazid-i 'umr va davām-i davlat va xulud-i 'azamat-u ḥaşmat tādāman-i*
- (9) *qiyāmat tābanda va pāyanda dārād zill-i zilāl Abadan mavsut bād biḥurmati-n-nabiyy-i va ālihi-l-amjād*

(10) *ba'd az-'arç-i muhabbati-l-uxuvva va tablīg-i tatmimi-t-taḥiyya 'ilām*

(11) ol turur-kim, rasul-u mursal Qaraç(a) bahatur keldi.

(12) Sizniñ sağ-u salāmatliqñizni bizgä ma'lum qıldı. Ham ol axbār-i buldān-i maftuḥni taqı bizgä tayin qıldı.

(13) Biz taqı ba'd istima'u-l-kalām biğāyat va lā nihāyat šādkām olduq. Alḥamd-u-lillahi ta'ālā va ḥusn-u istikmāl-i

(14) umura sizniñ va bizniñ aramızda qarındaşlıq 'alā ṭarīqi-l-muḥabbat zāhir boldi. Min ba'd hādihi-l-ayyām va dahran

(15) min-al-a'vām eksüg bolmay ağır salām, yeñil böläk birlä elçi-vu keläçilärimiz barsun-kelsün,

(16) dostluq-qarındaşlıqımız kündin-küngä taraqqı qılsun tep, sizgä elçilikkä

(17) 'Aziz Hoja atliğ qarındaşım oğlun yibärdim. Čingis xanniñ bir oğlu menmän,

(18) bir oğlı 'Aziz Hoja turur. Emdidin soñ sizniñ birlä bizim aramızda Täñri 'ināyatı

(19) birlä dostluq ol ṭarīq ziyāda bolğay-kim, inšaallah-i ta'ālā soñğı zamānada dost-

(20) duşman arasında bir atı qalğay. Taqı har ṭarafğa siz 'azm-u safar qılşañız biz taqı bu ṭarafdin

(21) sizgä taqviyat qılurğa ḥāzirmiz. Ba'd ixtişāru-l-kalām bu kündin ilgärü qayu iş-kim, sizniñ

(22) va bizniñ aramızda qarındaş(liq) ziyādasığa ta'alluq tutar ol işniñ tajilingä isti'dād qılurğa

(23) maşğul bolsañız siz ḥākim-siz tep, ağır salām-u yeñil böläk birlä ḥaḍratğa rasul irsāl qılindı.

(24) Tārix sekiz yüz seksän ikidä mubārak Şafar ayiniñ nişfinda istiktāb qılindı.

[*хотиядагу ёзув:*]

Taḥiyatu-l-muḥabbat

Aḥmad ibn-i Muḥammad ibn-i Temür xan.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

14- қаторда: *Sizniñ va bizniñ aramızda qarındaşlıq 'alā țarīqi-l-muħabbat zāhir boldi.* – “Сизнинг ва бизнинг орамиздаги қариндошлиқ дўстлик йўли уза зоҳир бўлди”. Бу ўринда *țarīqi-l-muħabbat* ни “муҳаббат йўли” деб эмас, икки хон орасидаги яқинлик устида сўз бораётгани учун, “дўстлик йўли” дея талқин қилингани маъкул.

17–18- қаторларда: *Ĉingis xanniñ bir ođlu menmān, bir ođli 'Aziz Hoja turur.* Бу ўринда *ođli* – “авлоди” маъносида келган. Шунга кўра, жумланинг маъноси куйидагича бўлади: “Чингиз хоннинг бир ўғли [яъни бир авлоди] менман, бир ўғли [яъни иккинчи авлоди] Азиз Хўжадир”.

18- қаторда: *emdidin soñ* – “бундан буён” маъносида.

21- қаторда: *ixtiřāru-l-kalām* – қисқа калом; сўзни қисқа қилиб.

23- қаторда: *ađir salām-u yeñil bōlāk birlā ĥađratğa rasul irsāl qilindi* – “қадрли салом ва арзимас совға билан ҳазратга элчи юборилди”.

Мактубнинг мазмуни

(1) У [Тангри (– буюқдир)].

(2) Буюқ подшоҳ қардошим, Султон Муҳаммад саодатманд.

(3) Муҳтарам жаноб, энг хурматли ва ҳимматли оғамиз, арабу ажам султонларининг султони, халқларнинг ҳимоячиси, (4) Оллоҳнинг ердаги сояси, сув ва қуруқликнинг ҳуқумдори, Оллоҳ қулларининг мададқори, Оллоҳ элларининг кўриқчиси, Оллоҳ душманларини енгувчи, инсоният (5) ва жон султонларининг энг одили, дунё ва дин адолату эҳсони манбаининг илҳомчиси, (6) олимларнинг ва кўп билувчиларнинг устози, – Оллоҳ унинг мулкини ва салтанатини бардавом қилсин ва унинг ўрнини ва саройини юлдузлардан юқори қилсин! (7) Ҳақ субҳоноҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин, У ҳаммадан

буюк. Буюклик ва фаровонлик куёши, салтанатнинг бахту сояси ва ҳомийси, У тунда ҳам (8) наҳорда ҳам билиб ҳукум юритади, У ҳаммадан буюк ва қудратли, – унинг [яъни султоннинг] умрини узоқ қилсин ва унинг ҳукумдорлигини узайтирсин. Унинг буюклиги ва шон-шуҳрати (9) қиёматга қадар мангу нур сочиб, мустаҳкам турсин. Пайғамбар ва оиласи ҳурмати унинг шуҳрати ёйилсин!

(10) Қардошлик ҳурматини изҳор айламакдан ва чуқур таъзимдан сўнгра (11) шуни билдирамызким, юборилган элчи Қарача бахатур келди. (12) Сизнинг соғ-саломатлигингизни бизга маълум қилди. Ҳам ўша (Сиз) фатҳ этган шаҳарларнинг хабарларини бизга билдирди.

(13) Биз бу сўзларни эшитгач, бениҳоя севиндик. Ишларнинг чиройли бўлиб битишига Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин. (14) Сизнинг ва бизнинг орамизда қариндошлиқ дўстлик йўли уза зоҳир бўлди. Бу кунлар ва (15) йиллардан бошлаб (қардошлик ва дўстлик) эксиг бўлмасин, кўп қадрли салом ва яхши совғалар ила элчи-сўзчиларимиз борсин-келсин, (16) дўстлик-қариндошлиғимиз кундан-кунга тараққий қилсин дея, Сизга элчиликка (17) Азиз Хўжа отли қариндошим ўғлини юбордим. Чингиз хоннинг бир ўғли [яъни бир авлоди] менман, (18) бир ўғли [яъни иккинчи авлоди] Азиз Хўжадир. Бундан буён сиз билан бизнинг орамизда Тангри инояти (19) бирла дўстлик шу тариқ зиёда бўлғайким, иншооллоҳу таоло, сўнги замонда дўст- (20) душман орасида бир оти қолғай. Яна ҳар тарафга сиз азму сафар қилсангиз, биз ҳам бу тарафдан (21) Сизга тақвият қилурга тайёрмиз. Сўзни ихтисор этгандан сўнг (мурод шудирки) бу кундан эътиборан, Сизнинг (22) ва бизнинг орамизда қариндошлик зиёдасига тааллуқли бўлган ҳар қандай ишнинг тажилига истеъдод қилмоққа (23) машғул бўлсангиз, ихтиёр Ўзингизда дея, кўп қадрли салом ва арзимас совға ила Ҳазратга элчи юборилди.

(24) Тарих (ҳижрий) саккиз юз саксон иккида, муборак сафар ойининг ўртасида [=1477 йилнинг май-июнида] ёзилди.

[*ҳошиядаги ёзув:*]

Дўстлик саломи ила

Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Темурхон.

Битигда кечган киши отлари

Aḥmad ibn-i Muḥammad ibn-i Temür han 24 – Олтин Ўрда
хони,

'Aziz Hoja 17, 18,

Čingis han 17,

Sulṭān Muḥammad 2 – турк султони, Фотих Султон Меҳмед,

Qarač(a) bahatur 11.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙ СУЛТОНЛАРНИНГ ЁРЛИҚ ҲАМДА БИТИГЛАРИ

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р : *битиг, битигтош; эпиграфика; монументал матн; нишон; суюрғал; расмий-дипломатик хат; ёрлиқлар унвони; хонлар шажараси.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Амир Темур ва темурий султонларнинг уйғур ёзувида битилган ёрлиқлари – ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим манбалари сифатида.

Туроннинг султони Темурбегнинг улугъ юриши олдидан тошга ёздирган битиги.

Шоҳруҳ мирзонинг уйғур ёзувли ёрлиғи.

Султон Умаршайхнинг Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғи.

Султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган мактуби.

Темурийлар даври ёрлиқларининг тарихий-филологик талқини.

“Жоме ут-таворих”даги эски уйғур ёзуви билан битилган шажара.

Темурийлар салтанатининг қурувчиси соҳибқирон Амир Темурдир. Соҳибқироннинг наслу насаби тўғрисида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар шундай ёзади: “Амир Темур кўрагоннинг ҳасабу насаблари Чингизхонға ушбу тартиб бирла мурабба қилинурки, Амир Темур соҳибқирон Амир Тарағайнинг ўғли, булар Амир Буркулнинг ўғли, булар Амир Илингирнинг ўғли, улар Ижилнинг ўғли, улар Қаражар Нўённинг ўғлидур. Қаражар Нўён Чингизхоннинг амакийидур ва Қаражар Нўённинг насаби бу тартиб бирладурки, Қаражар Нўён Суужаминнинг ўғли, улар Эрумчи Барлоснинг ўғли, улар Қожуйи Баҳодирнинг ўғли, улар Тўминахоннинг ўғли, улар Пойсунғурнинг ўғли, улар Кайдухоннинг ўғли, улар Думанихоннинг ўғли, улар Бузанжирхоннинг ўғлидур. Чингизхоннинг насаби Туминахонға етадур. Туминахон Чингизхоннинг тўртинчи бобосидур. Соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг онаси Тегинабону, улар ҳам подшоҳзодадиндулар” (ТР.66).

Темурийлар салтанати 1370 йили юзага келиб, 1507 йилгача яшади. Салтанат гуллаб-яшнаган чоғларда, хусусан, Темурбегнинг кўзи тириклигида Осиёнинг жуда катта худудини – Мовароуннахр, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ-и Ажам, Ироқ ва араб ўлкаларини ўзига қамраган кудратли бир давлат эди (қаралсин: TDT.133).

ТУРОННИНГ СУЛТОНИ ТЕМУРБЕГНИНГ ТОШГА ЁЗДИРГАН БИТИГИ

Амир Темурнинг етти юз тўқсон учинчи йил кўкламида (=1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда эски ўзбек тилида (“чиғатой туркийси” да) ёздирган битиги аҳамиятлидир. Султоннинг номидан ёзилган битиг ўн бир сатрли бўлиб, илк уч қатори арабча, кейинги саккиз сатри уйғур хати билан туркий тилда битилган.

Арабча хатнинг биринчи қатори басмала, кейинги икки сатри оят. Уйғур ҳарfli туркий матн, нисбатан, яхши сақланган (қаралсин: Содиқов 2009,70–71).

Эски ўзбек тилидаги ушбу матн ҳозирги тилимиздан бир оз фарқли. Матндаги *yaz* сўзи “кўклам, баҳор” деган маънони беради. Бу сўз ҳозирги болалар қўшиғидаги “Лайлак келди ёз бўлди” жумласида ҳам сақланиб қолган. Матнда яна *el kiši* бирикмаси ҳам бор. Бу ўринда *el* – “юрт, мамлакат”, *el kiši* эса русчадаги “гражданин” деган тушунчани, биздаги “фуқаро” маъносини беради. Битигдаги *töbä* сўзи “ёдгорлик, битигтош” англамидадир.

Одатда, жанг пайтида Оллоҳдан “ёрдам сўраш; ғалаба тилаш” маъноларида *nişrat* (<ap. نصرَة) сўзи ишлатилган. Лекин ушбу битигда *Tänri nişfat bergäy* дейилади. *Nişfat* (<ap. نصفَة) – “адолат; инсоф” маъноларини билдиради. Шунга кўра, бу жумлани “Тангри инсоф ва адолат бергай” дея англамақ керак.

Битигнинг эътиборни тортадиган яна бир хусусияти, ундаги тарих (сана) асл туркий қолипда: аввал йил (хижрий ва мучал тартибиде), сўнг ой, кун кетма-кетлигидадир.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙ СУЛТОНЛАРНИНГ ЁРЛИҚ ҲАМДА БИТИГЛАРИ

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р : *битиг, битигтош; эпиграфика; монументал матн; нишон; суюрғал; расмий-дипломатик хат; ёрлиқлар унвони; хонлар шажараси.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Амир Темур ва темурий султонларнинг уйғур ёзувида битилган ёрлиқлари – ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим манбалари сифатида.

Туроннинг султони Темурбегнинг улуғ юриши олдидан тошга ёздирган битиги.

Шохрух мирзонинг уйғур ёзувли ёрлиғи.

Султон Умаршайхнинг Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғи.

Султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган мактуби.

Темурийлар даври ёрлиқларининг тарихий-филологик талқини.

“Жоме ут-таворих”даги эски уйғур ёзуви билан битилган шажара.

Темурийлар салтанатининг курувчиси соҳибқирон Амир Темурдир. Соҳибқироннинг наслу насаби тўғрисида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар шундай ёзади: “Амир Темур кўрагоннинг ҳасабу насаблари Чингизхонга ушбу тартиб бирла мураттаб қилинурки, Амир Темур соҳибқирон Амир Тарағайнинг ўғли, булар Амир Буркулнинг ўғли, булар Амир Илингирнинг ўғли, улар Ижилнинг ўғли, улар Қаражар Нўённинг ўғлидур. Қаражар Нўён Чингизхоннинг амакийидур ва Қаражар Нўённинг насаби бу тартиб бирладурки, Қаражар Нўён Суужаминнинг ўғли, улар Эрумчи Барлоснинг ўғли, улар Қожуйи Баҳодирнинг ўғли, улар Тўминахоннинг ўғли, улар Пойсунғурнинг ўғли, улар Кайдухоннинг ўғли, улар Думанихоннинг ўғли, улар Бузанжирхоннинг ўғлидур. Чингизхоннинг насаби Туминахонга етадур. Туминахон Чингизхоннинг тўртинчи бобосидур. Ссҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг онаси Тегинобону, улар ҳам подшоҳзодадиндурлар ” (ТР.66).

Темурийлар салтанати 1370 йили юзага келиб, 1507 йилгача яшади. Салтанат гуллаб-яшнаган чоғларда, хусусан, Темурбегнинг кўзи тириклигида Осиёнинг жуда катта худудини – Мовароуннаҳр, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ-и Ажам, Ироқ ва араб ўлкаларини ўзига қамраган қудратли бир давлат эди (қаралсин: TDT.133).

ТУРОННИНГ СУЛТОНИ ТЕМУРБЕГНИНГ ТОШГА ЁЗДИРГАН БИТИГИ

Амир Темурнинг етти юз тўқсон учинчи йил кўкламида (=1391 йилнинг апрели) Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғда эски ўзбек тилида (“чиғатой туркийси”да) ёздирган битиги аҳамиятлидир. Султоннинг номидан ёзилган битиг ўн бир сатрли бўлиб, илк уч қатори арабча, кейинги саккиз сатри уйғур хати билан туркий тилда битилган.

Арабча хатнинг биринчи қатори басмала, кейинги икки сатри оят. Уйғур ҳарфли туркий матн, нисбатан, яхши сақланган (қаралсин: Содиқов 2009,70–71).

Эски ўзбек тилидаги ушбу матн ҳозирги тилимиздан бир оз фарқли. Матндаги *yaz* сўзи “кўклам, баҳор” деган маънони беради. Бу сўз ҳозирги болалар кўшиғидаги “Лайлак келди ёз бўлди” жумласида ҳам сақланиб қолган. Матнда яна *el kiši* бирикмаси ҳам бор. Бу ўринда *el* – “юрт, мамлакат”, *el kiši* эса русчадаги “гражданин” деган тушунчани, биздаги “фуқаро” маъносини беради. Битигдаги *töbä* сўзи “ёдгорлик, битигтош” англамидадир.

Одатда, жанг пайтида Оллохдан “ёрдам сўраш; ғалаба тилаш” маъноларида *nişrat* (<ap. نصرَة) сўзи ишлатилган. Лекин ушбу битигда *Täŋri nişfat bergäy* дейилади. *Nişfat* (<ap. نصفة) – “адолат; инсоф” маъноларини билдиради. Шунга кўра, бу жумлани “Тангри инсоф ва адолат бергай” дея англамақ керак.

Битигнинг эътиборни тортадиган яна бир хусусияти, ундаги тарих (сана) асл туркий қолипда: аввал йил (ҳижрий ва мучал тартибда), сўнг ой, кун кетма-кетлигидадир.

Битигнинг ўқилиши:

Tarix yeti yüz toqsan üctä, qoy yil yaznıñ ara ay Turannıñ sultānı Temür-beg üç yüz miñ čerig bilä islām üçün Toxtamiş xanı (?) xanığa yorıdı. Bu yergä yetip belgü bolsun tep bu töbäni qopardı. Täñri nisfat bergäy inşalla. Täñri el kişigä rahmat qılğay, bizni duā bilä yād qılğay.

Мазмуни

“Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ой(ида) Туроннинг султони Темурбег уч юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамиш хон(нинг) хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри (бизга) нисфат [яъни тўғрилик, инсоф] бергай иншооло. Тангри фукарога раҳм қилғай, (эл) бизни дуо билан ёд қилғай”.

Қиёсланг: У. Серткая уйғур ёзувли матннинг биринчи жумласини *Tirix yedi yüz toqsan üctä qoy yil yerniñ uğanı turannıñ sultānı Temür-bek üç yüz miñ čerik bilä ismi üçün toqtamiş qanqa bulğar qanıqa yorıdı* кўринишида ўқиб, туркчага “Tarih yedi yüz doksan üçte, Koyun yıl(ında), yerin (cihanın) sahibi, turanın sultanı Temür Bey, üç yüz bin asker ile, ismi (islam?) için Toktamış Han’a, Bulgar Hanı’na yürüdü” деб таржима қилган (Sertkaya 2007,36–37).

Эътибор берсангиз, битигда Темурбег ўз салтанатини *Turan* деб атамоқда. Матнда ҳукмдор ўзини *Turannıñ sultānı*, отини эса *Temür-beg* деган: *Turannıñ sultānı Temür-beg*. Бу ўринда *beg* сўзи “амир”га тўғри келади.

Уйғур, араб ёзувларида [k] ва [g] товушлари бир ҳарф билан ифода этилган. Муҳими шундаки, “Қутадғу билиг”нинг араб ёзувли наманган нусхасида ора-чора *beg* сўзидаги “kāf” ҳарфининг устига уч нукта қўйиб кетилган (ك). Уч нуктаси бу

сўзнинг [g] билан ўқилганига далил. Демак, ёзма ёдгорликлар тилида бу сўз ҳозиргидай *bek* эмас, *beg* деб ўқилади.

Султоннинг оти туркий тилдаги бошқа хужжатларда ҳам шундай. Масалан, султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган мактубида у *Temür-beg* (AS.69), *Beg* (AS.12), *Sāhib qirān Temür-beg* (AS.3–4), *Sāhib qirān Beg* (AS.14–15), *ulus egāsi Temür-beg* (AS.23–24) дея тилга олинган. Амир Темур давлати эса *Beg davlati* дейилган (AS.6). Бу атамада, табиийки, Туроннинг ўзи эмас, Мовароуннаҳр ва Хуросондан тортиб Темурбегга қарашли бутун салтанат тушуниланган. Юқорида келтирилган *ulus egāsi* сифати “мамлакат эгаси, ҳукмрони”; *sāhib qirān* сифати эса “қирон эгаси, яъни бахт-саодат эгаси; бахтиёр подшоҳ” маъноларини англатади.

Янада муҳими, битигнинг араб хатида эмас, балки қадимги уйғур ёзуви ва туркий тилда эканлигидир. Бу ҳам бўлса, Темурбег ўзининг тарихий ёзмалари, йилномалари, расмий ёрлиқларидан бир қисмини уйғур хатида биттирганидан далолат беради. Темурийлар тарихини битган муаррихлар ўз асарларини ёзишда уйғур ёзувида битилган ана шундай йилнома, тарихий хужжатлардан фойдаланганларини ҳам қайд этиб ўтганлар.

ШОҲРУҲ МИРЗОНИНГ УЙҒУР ЁЗУВЛИ ЁРЛИҒИ

Шоҳруҳ мирзонинг⁴ юртга эгалиги чоғида туркий тилда ёздирган ёрлиқларидан биттагина қолган. Ёрлиқ туркий-уйғур

⁴ *Мирзо* – “амирзода” сўзининг қисқарган шакли бўлиб, XIV асрдан бошлаб темурийларга нисбатан қўллана бошлаган; “темурийлар авлодидан, темурийлар наслидан” деган маъноларни англатади. Бу унвон темурий шахзодаларнинг отига кўшиб айтилган: *Шоҳруҳ мирзо*, *Улугбек мирзо*, *Бойсунқур мирзо* каби. Заҳириддин Муҳаммад Бобур фарзандлари ҳам Ҳиндистонда исмларига “мирзо” сўзини кўшиб айтиш анъанасини сақлаганлар: *Ҳумоюн мирзо*, *Комрон мирзо* каби. Алишер Навоий ўзининг илмий асарлари ва мактубларида “мирзо” сўзини доимо темурийларга нисбатан қўллайди (Ҳакимов 2013,191).

хатида. У Афғонистондаги Маймана деган жойдан топилганида, ихшики, профессор Э. Бенвенист суратга тушириб қўйган экан. Ўша бўлиб, ҳужжатнинг ўзи кимнинг қўлида қолгани номаълум. Сурати бўйича Ж. Дени унинг транскрипцияси ва таржимасини ҳам берган (Deny 1957).

Қуйида ёрлиқнинг Ж. Дени мақоласида берилган суратига асосланиб, фикр билдирамиз.

Ёрлиқнинг очиқламаси

Ёрлиқ бир варақ қоғозда. Қоғознинг ўнг бетига уйғур хати билан ўн уч қаторли матн битилган. Ёзуви текис ва чиройли, лекин майда; кейинги чоғларда, айниқса, ислом даврида оммалашган югурук хат.

Қоғознинг терс ёғида, ярим белидан қуйроқда қаторасига муҳр-тамғалар босилган. Муҳр-тамғаларнинг олдига, чап қанотда ёнламасига уйғур хати билан *Niš(ā)nnī İsmāyil aldī* деб ёзиб қўйилибди. Хат услуби қоғознинг ўнг бетигаги матн билан бир хил. Афтидан, суюрғал берилмиш киши ҳужжатни девондан қабул қилиб олаётганида ходим, аниқроғи, ёрлиқни битган котиб ушбу қайдни ёзиб қўйган бўлуви керак.

Матн якунида тарих берилиб, унда ҳужжатнинг ёзилган санаси ва ери қайд этилган. *Tarix sekiz yüz yigirmi beşidä ud yül miharram ayni yigirmi ikisidä Baği şaharda bitildi* (Саккиз юз йигирма бешида, сигир йил, муҳаррам ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди). Бу сана мелодий 1422 йилнинг 16 январига тўғри келади. Ж. Дени Боғи шаҳарни Самарқанддаги жой деб айтган. Ҳолбуки, “Бобурнома”да бу ер Ҳирот яқинида эканлиги таърифланган (Sertkaya 1977,10).

Ёрлиқни мақсади ва турига қўра имтиёз берувчи ҳужжатлар гуруҳига киритиш мумкин. Матннинг ўзида у *nişān* деб аталган.

Шоҳруҳ мирзо нишонининг араб алифбосида эмас, уйғур хатида эканлиги, айниқса, қоғознинг терс бетигаги уйғур хатида битиб қўйилган ёзуви ўта муҳим. Буларнинг бари темурийлар

хатида. У Афғонистондаги Маймана деган жойдан топилганида, яхшики, профессор Э. Бенвенист суратга тушириб қўйган экан. Ўша бўлиб, ҳужжатнинг ўзи кимнинг қўлида қолгани номаълум. Сурати бўйича Ж. Дени унинг транскрипцияси ва таржимасини ҳам берган (Dery 1957).

Қуйида ёрлиқнинг Ж. Дени мақоласида берилган суратига асосланиб, фикр билдирамиз.

Ёрлиқнинг очиқламаси

Ёрлиқ бир варақ қоғозда. Қоғознинг ўнг бетига уйғур хати билан ўн уч қаторли матн битилган. Ёзуви текис ва чиройли, лекин майда; кейинги чоғларда, айниқса, ислом даврида оммалашган югурук хат.

Қоғознинг терс ёғида, ярим белидан куйирокда қаторасига муҳр-тамғалар босилган. Муҳр-тамғаларнинг олдида, чап қанотда ёнламасига уйғур хати билан *Niš(ā)nni Īsmāyil aldī* деб ёзиб қўйилибди. Хат услуби қоғознинг ўнг бетигаги матн билан бир хил. Афтидан, суюрғал берилмиш киши ҳужжатни девондан қабул қилиб олаётганида ходим, аниқроғи, ёрлиқни битган котиб ушбу қайдни ёзиб қўйган бўлуви керак.

Матн якунида тарих берилиб, унда ҳужжатнинг ёзилган санаси ва ери қайд этилган. *Tarix sekiz yüz yigirmi beşidä ud yil muharram ayniñ yigirmi ikisidä Baği šaharda bitildi* (Саккиз юз йигирма бешида, сигир йил, муҳаррам ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди). Бу сана мелодий 1422 йилнинг 16 январига тўғри келади. Ж. Дени Боғи шаҳарни Самарқанддаги жой деб айтган. Ҳолбуки, “Бобурнома”да бу ер Ҳирот яқинида эканлиги таърифланган (Sertkaya 1977,10).

Ёрлиқни мақсади ва турига кўра имтиёз берувчи ҳужжатлар гуруҳига киритиш мумкин. Матннинг ўзида у *nišān* деб аталган.

Шоҳруҳ мирзо нишонининг араб алифбосида эмас, уйғур хатида эканлиги, айниқса, қоғознинг терс бетигаги уйғур хатида битиб қўйилган ёзуви ўта муҳим. Буларнинг бари темурийлар

замонида уйғур хатининг мавқеи юқори бўлгани, давлат ишларида унинг кенг ишлатилганига очиқ-ойдин далил бўла олади.

Битигнинг тузилиши

Нишон *Šāhruh bahadur sōzüm dīvānlarğa* жумласи билан бошланади (Š.1–2). Бу ўринда *Šāhruh bahadur sōzüm* – унвон, шунинг учун у алоҳида бир қаторга ёзилган. У учта компонентдан тузилган: хоннинг оти (*Šāhruh*), унвони (*bahadur*) ва фармоннинг унга тегишлилигини англатувчи ёрлик (*sōzüm*). Унвонга кўшилаётган *dīvānlarğa* сўзи – ёрлик қаратилаётган юридик ташкилот(адресат)ни билдиради. Адресат унвондан ажратиб кейинги қаторга олиб ёзилган. Матнда у жўналиш келишигида.

Битигнинг *асосий қисмини* (Š.2–12)мазмун ва қамровига кўра куйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Талхан ота мазорининг мужовурига бир кўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилиб, луй (аждар) йилдан бошлаб наиким ҳосилини қайтармаслик шарти билан хонақога харж қилиши, ҳеч кимса ундан мол-мулк қистамаслиги, солиқ солмаслиги, зўравонлик қилмаслиги беглик нишониди қайд этилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими ўтган замон (*bermiş erdük*) кўринишида берилган.

Суюрғалнинг ким учун берилаётгани, унинг иш ери ва лавозими (*Cečäktöbädä Tarnaq arığida Talxan atanıñ mujāvuri*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган. Лекин бу кишининг оти (*İsmāyil mujāvur*) кейинги компонентда – тарихдан олдин, унга берилаётган эркинликни кафолатловчи кўрсатмада тилга олинган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла келаётган тушумни хонақога харж қила олажаги таъкидланади.

Янги суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда тушумни хонақога ишлатиш эркинлиги тўғрисидаги кўрсатма. Унга кўра, бурунги нишоннинг йўсини билан сигир йилдан бошлаб қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла олиб хонақога харж қилиши таъкидланади. Бундан ушбу ёрликнинг бунга қадар берилган суюрғал ҳуқуқини тўла таъминловчи, унинг ўрнини боса оладиган ва ҳатто олдингисидан ҳам юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрликнинг кучга кириш санаси (*ud yildin başlap* – сигир йилидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқ ва қистовлардан эркин эканлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадларни хонақога эркин-эмин сарфлаши, бунга қўшимча ҳолда унинг уй-жойи, мол-мулкига ҳам ҳеч кимса таҳдид солмаслиги таъминланади. Шохруҳнинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (*-sun, -sün* аффикси билан) берилган: *Kim ersä mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč-uğa tegürmäsün*. Ёки: *ewi barini tartip tonup almasun*.

Юқоридаги буйруқнинг султон номидан битилаётгани *ter* феъли билан тасдиқланиб, яқун қисми – *тарих*(*datum*)га ўтилади (S.12–13).

Тарихни қуйидаги компонентларга ажратишимиз мумкин: тарихга ишора этувчи сўз (*tarix*); ҳужжатнинг йил-ой-куни (*sekiz yüz yigirmi beşidä ud yil muharram ayinï yigirmi ikisidä*); ёзилган ери (*Baği şaharda*); битилганлигининг тасдиғи (*bitildi*). Йил ҳам ҳижрий, ҳам турк-мучалйил саноғида.

Ёрликнинг матни

Қуйида ёрликнинг Ж. Дени мақоласида келтирилган сурати асосида матн транскрипциясини келтирамиз:

(1) **Šāhruh bahadur sōzūm**

(2) **divānlarğa.** Сеçäktöbädä Tarnaq arıǵı-

(3) da Talxan atanıñ mujāvurigä bir

(4) qoşluq altmış kivi yer suyurǵal berildi. Luy yıldın başlap

(5) ne kim hāsılını Ut böri xanaqāğa xarj qılsun. Kim ersä

(6) mal tilämäsün, yasaǵ alpaǵ salmasun, küç-uğa tegürmäsün,
tep

(7) beg niş(ā)n bermiş erdük. Burunǵı niş(ā)n yosunı bilä ud
yıldın

(8) başlap Ut böri, altmış kivi yerni suyurǵal yosunı

(9) birlä alıp (?) xanaqāğa xarj qılsun-kim, kim ersä

(10) mal tilämäsün, yasaǵ alpaǵ salmasun, küç-uğa tegürmäsün.

Basa

(11) İsmāyil mujāvurnıñ ewi barını tartıp tonup almasun,

(12) tep niş(ā)n berildi. Tarix sekiz yüz y(i)g(i)rmi beşidä ud yil
muharram

(13) aynıñ y(i)g(i)rmi ikisidä Baǵı šaharda bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

3-, 11- қаторларда: *tujāvur* – авлиё мақбараси ёнида яшовчи, мақбарага қараб турувчи кимса.

4- қаторда: *Luy yil* – турк-мучалйил саноғи бўйича – аждар йили. Маҳмуд Кошғарий ўз девонида мучал йилларни келтирар экан, буни *Nek yili* (тимсоҳ йили) деб беради (МК.І,331–332; Содиқов 2008,109–110). *Luy* сўзи хитойчадан ўзлашган, қадимги битигларда уни *lu* деб ёзадилар. Шунга ўхшаш бир-икки ўзлашган сўз туркча мучалйил отларида аралашиб юради.

5- қаторда: *Ut böri* – бу сўз 8- қаторда ҳам келган. Ж. Дени буни *Ot böri* кўринишида бериб, жой оти деб изоҳлаган. Уйғур

хатидаги матннинг қўлимиздаги фотосурати анча хира бўлгани учун, бу сўздаги иккинчи ҳарфнинг ўқилишини аниқлаш қийин кечди. Ҳозирча буни шундай қолдирамиз.

6- қаторда: *yasağ alpağ* – солиқ тўлов турларидан бири, унинг *salmasun* сўзи билан бирикаётгани ҳам шундан белги бериб турибди. Матннинг 10- қаторида ҳам бу сўз айна кўринишида қайтарилади.

7- қаторда: *beg nišān* – “беглик нишони, беглик ёрлиғи” маъносини беради.

yosun – “қонун-қоида, йўсин”, матнда *nišān yosuni, suyrğal yosuni* бирикмаларида келади, “ёрликда белгиланган қонун, йўсин” деган маънони беради.

ud yil – турк-мучалйил саноғи бўйича – сигир йили. Бундан бошқа ёрликларда бу сўз *uy yil* кўринишида ҳам келади.

10- қаторда: *yasağ alpağ* – солиқнинг бир тури бўлиши керак; *salmasun* феъли билан бирикуви ҳам шуни кўрсатиб турибди.

küč-uğa tegürmäsün – суюрғал аталмишнинг эркинлигини кафолатлаш мақсадида ёрликларда шундай жумла ҳам кўшиб ишлатилади, “зўравонлик қилмасин; зиён-заҳмат етказмасин” деган маънони беради.

küč-uğa – “зулм, зўравонлик; зиён-заҳмат” англамида. Тил тарихида *küč* сўзининг “зулм” маъноси ҳам бор. Маҳмуд Кошғарий девонида бунга мисол сифатида шундай мақол келтирилган: *Küč ildin kirsä, törü tünlüktin čiqar.* – “Зулм, зўравонлик пойгадан [яъни эшиқдан] кирса, инсоф туйнукдан чиқади” (МК.ІІІ.132).

11- қаторда: *ewi barini* – “уйи ва бор мулкани” дегани.

tartip tonup almasun – “зўрлик билан тортиб олмасин” деган маънони беради.

Ёрликнинг ҳозирги ўзбекча ўгирмаси

(1) **Шоҳруҳ баҳодур сўзим**

(2) **девоңларга! Чечактўбада, Тарнақ ариғи-**

- (3) да Талхан ота(мозори)нинг мужовурига бир
 (4) қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилди. Луй (аждар)
 йилдан бошлаб
 (5) наинким ҳосилини (қайтармаслик шарти билан) Ут бўри
 хонақога харж қилсин. Кимса
 (6) (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зўравонлик
 қилмасин, деб
 (7) бег-нишон бермиш эрдик. Бурунги нишоннинг йўсини
 билан сигир йилдан
 (8) бошлаб (қайтармаслик шарти билан) Ут бўри (?), олтмиш
 киви ерни суюрғал йўсини
 (9) бирла олиб хонақога ҳарж қилсин-ким, кимса
 (10) (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зўравонлик
 қилмасин. Яна
 (11) Исмоил мужовирнинг уй-жойини, мол-мулкани тортиб
 олмасин,
 (12) деб нишон берилди. Тарих: саккиз юз йигирма бешиди,
 сигир йили, муҳаррам
 (13) ойининг йигирма иккисида (=1422 йилнинг 16 январиди)
 Боғи шаҳарда битилди.

Ҳужжатда ишлатилган киши отлари

Šāhruh bahadur 1,
Īsmāyil mujāvur 11.

Жой отлари

Baği šahar 13,
Seçäktöbä 2,
Tarnaq arıği 2,
Talxan ata 3 – авлиё мозорининг (мақбарасининг) оти.

СУЛТОН УМАРШАЙХ ЁРЛИҒИ

Мирзо Умаршайх султон Абусаид кўрагоннинг ўғли, у султон Муҳаммаднинг ўғли, у Амироншоҳ мирзонинг ўғли, у эса Амир Темур кўрагоннинг ўғлидир.

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган ҳужжатлардан бири султон Умаршайхнинг (1451–1494) 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғидир (Мелиоранский 1906,01–012, табица I; Содиқов 2009,150–151).

Ёрлиқнинг очиқламаси

Ёрлиқ варақнинг бир юзига битилган. Хати чиройли ва тартибли (ўтмишда бундай нафис хатни *uz hat* дейилган). Қоғоз бўйига олти, энига икки букланган. Қайта-қайта букланаверганидан, йиртилишига оз қолган. Ҳатто букланган бўғинларининг айримлари терс ёғидан қоғоз билан елимлаб ҳам кўйилган.

Қоғоздаги матн ўн уч қатор. Бошидаги уч қатори, қолганларига қараганда, ичкарироқдан битилган бўлиб, иккинчи ва учинчи қаторларининг олдига доирабичимли муҳр-тамға босилган. Султон Умаршайхнинг ушбу муҳр-тамғаси матннинг ўзида *muhur*, ёрлиқнинг ўзи эса *muhurluğ nišan* дейилган.

Қоғознинг терс юзида еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа яна шу бетга уйғур хати билан икки жумла ёзиб кўйилибди. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barin baxšī bilā*, қуйироқдагиси эса *roznāta bitildi* деб ўқилади (Мелиоранский 1906,08). Ушбу қайдлар идоранинг ҳужжат қабул қилувчи ходимига тегишли бўлуви керак.

Қоғознинг сиёҳи яхши қуримай туриб букланган кўринади: ҳужжатнинг айрим сатрлари варақнинг турс ёғига ҳам юқиб қолган.

Битигда ёзилишига кўра, Мир Сайид Аҳмад Марғилоннинг улуғларидан (*Marğīnan būzrūglāridin*) эди. Султон Умаршайх бундан илгари ҳам унга ҳиммат кўрсатиб, суюрғал берган. Ушбу суюрғалда эса унга кўшимча имтиёзлар берилаётгани таъкидланади.

Ёрлик (*muhurluğ nišān*) туркмучал саноғи бўйича сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизинчи куни Андижонда битилган. Бу тўғрида *muhurluğ ni(šā)n uy yıl šavval ayīnīñ yigirmi sekizi Andigāndā bitildi* деб қайд этилган.

Ушбу ёрликнинг араб хатида эмас, қадимги туркий ёзувда эканлиги, айниқса, ёрлик битилган қоғознинг терс ёғидаги девонхона ходими томонидан ёзиб қўйилган айрим қайдларнинг уйғур хатида эканлиги ўта аҳамиятли. Буларнинг бари теурийлар давлатида ушбу ёзувнинг юридик мавқеи катта бўлганидан далолат беради.

Битигнинг тузилиши

Тузилишига кўра битигни кириш, асосий ва якун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш (U.1–4) ўз ичида қуйидаги компонентларга бўлинади: Биринчиси – *унвон*; иккинчиси – *адресат* (*inscriptio*).

Унвон битигнинг ким томонидан битилаётганини далилловчи ёрлик бўлиб, матнда *Sultān Umar šayx bahadur sōzūm* шаклида берилган. Ундаги *sultān* – юрт эгасининг даражаси, *bahadur* – унинг унвонидир. Ушбу компонентнинг кесими фармон(*sōz*)нинг султон Умаршайхга тегишлилигини билдиради.

Адресатда ушбу ҳужжатга давлатнинг қай бир идоралари амал қилмоқликлари қайд этилади. Улар девонлар, тушим йиғувчилар ва солиқ идораларининг бошлиқларидир. Адресат матнда жўналиш келишиги кўринишида берилган: *Dīvānlarğa, barča Marğīnan určinnīñ tūšāmāl amaldār, sāhib čamlarīğa*.

Битигнинг *асосий қисмини* (U.4—12) мазмун ва қамровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Мир Сайид Аҳмадга илгари Марғинан қасабасидан бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг хазинага тўланувчи даромади суюрғал қилиб берилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими узоқ ўтган замон (*berilip erdi*) кўринишидадир.

Суюрғал берилаётган, солиқлардан озод этилаётган кимсанинг даражаси (*Marḡinan büzrügäräidin*) ва исми-шарифи (*Mir Sayid Ahmad*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда яна қасабадан ўттиз олтин тавачи тартуси — яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромад суюрғал қилиб берилганлиги таъкидланади.

Ҳар икки суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда уларни расмий дафтарларга қайд этиши тўғрисида кўрсатма. Унга кўра, аввалги суюрғални кейинги берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, ҳар йили янги нишон талаб қилмай, йил бўйи ҳар турли солиқ солмай, дафтарларга қайд этилиши таъкидланмоқда. Бундан ушбу ёрлиқнинг бунга қадар берилган ҳужжатларни қамровчи, юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрлиқнинг кучга кириш санаси (сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқлардан эркинлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадлардан ўзи фойдаланиш эркинлиги берилади. Ушбуни таъминлаш учун бирор амалдор ундан мол, дон-дун талаб қилмаслиги, унга зўравонлик қилмаслиги таъкидланади. Султоннинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (*-sün*

аффикси билан) берилган: *Özi alip yesün. Heç kişi māl, taru tilämäsün, küç-uğa tegürmäsün.*

Юқоридаги буйруқнинг султон номидан битилаётгани *tep* феъли билан тасдиқланиб, яқун қисми – тарих(*datum*)га ўтилади (U.12–13). Тарих *muhurluğ nişān uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi Andigändä bitildi* кўринишидадир. У куйидаги уч компонентдан тузилган: ёрликнинг расмий даражаси (*muhurluğ nişān*); унинг битилган санаси – йил-ой-куни (*uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi*) ҳамда битилган ери (*Andigändä bitildi*).

Матн транскрипцияси

Куйида П. Мелиоранский келтирган факсимили асосида (Мелиоранский 1906, таблица I) ёрликнинг транскрипциясини келтирамиз:

(1) Sultān Umar šayx bahadur sözüm

(2) dīvānlarğa, barča (3) M(a)rğin(a)n urçinniñ (4) tüşämäl amaldār, sāhib čamlarığa!

M(a)rğin(a)n büzrügläridin Mir Sayid Ahmadğa (5) M(a)rğin(a)n qasabasidin burun bir milk bağı bilä iki qoşluq ekininiñ har ne (6) dīvānğa čıqar har түrlүг mālini suyurğal berilip erdi. Emdi uy yilida (7) riāyat qilip qasabadin otuz altun tawači tartusini dağı suyurğal (8) berildi. Emdi bu tarixqa berilganni uy yil, šavval ayiniñ yigirmi yetisidin (9) başlap burunğı suyurğalini dağı berilgän nišanı yosuni bilä musallam tutup, (10) yilğa yangi niş(ā)n tilämäyin, bu niş(ā)n bilä yil sayu heç түrlүг saltıq (11) salmayin daftarlarğa surusun. Özi alip yesün. Heç kişi māl, (12) taru tilämäsün, küç-uğa tegürmäsün, tep muhurluğ ni(šā)n uy yil, (13) šavval ayiniñ yigirmi sekizi Andigändä bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

4- қаторда: *tüšämäl amaldār* – тушим йиғувчи амалдор, теурийлар замонидаги солиқчи лавозими; *sāhib čamlari* – солиқ идораларининг бошлиқлари.

4–5- қаторларда: *Margīnan* – Марғилоннинг эскича аталиши; у ўша чоғларда қасаба эди.

5- қаторда: боғлар *milk* ўлчови, экин майдонлари эса *qoşluq* ўлчови билан белгиланган. Матнда Мир Саид Аҳмадга бундан бурун *bir milk bağ* билан *iki qoşluq ekin* дан келадиган даромадлар суюрғал қилиб берилгани таъкидланмоқда.

6, 8, 12- қаторлардаги *uy yili-uy yil* турк мучалйилларининг иккинчиси – “сигир йили”дир. Қадимда *ud yili* дейилган, кейинчалик товуш ўзгаришига учраб *uy* га айланган (*ud > ud > uy*).

7- қаторда: *tawačī tartusi* – бу бирикмадаги *tawačī* – ҳуқумдорнинг муҳим топшириқларини бажарувчи ёрдамчиси, сарой амалдорлари устидан назоратчи (*қаралсин*: Дадабаев 1990,31–32); *tartu* – матн маъносига қараганда “қўшимча мол-мулк; тортиқ”ни англатади, шунда “тавачи томонидан берилган қўшимча мулк; тортиқ” тушунилади.

Матнда ушбу ёрлиқ *nišān, muhurluğ nišān* деб аталган. *Nišān* – илк англамида “белги”, ҳужжат атамаси сифатида эса “далилловчи ҳужжат; гувоҳнома” маъносини билдиради; *muhurluğ nišān* – “хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдиқланган ҳужжат”, баъзан олий даражадаги бундай ҳужжатлар *altun muhurluğ nišān* ҳам дейилган.

9- қаторда: *nišān yosun* – жуфт сўз; *yosun* – “қонун, қоида”, *nišān yosun* – “қонун битилган гувоҳнома, далилловчи ҳужжат” маъносини беради.

12- қаторда: *küç-uğa tegürmäsün* – “зўравонлик қилмасин; зиён-заҳмат етказмасин” деган маънони беради. Одатда, эркинлик, имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кишининг муҳофазаси ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинган ва унинг

эркинлигини кафолатлаш учун “Унга ҳеч кимса зўравонлик қилмасин” (*Heç kiři küç-uğa tegürmäsün*) деб ёзиб қўйилган.

taru – “дон-дун” маъносида.

13- қаторда: *Andigän* – Андижоннинг эскича аталиши; ушбу тапонимдаги *gän* – “шаҳар, кент” маъносини билдиради. *Andigän* ўша кезларда йирик, марказий шаҳар саналган. Султон Умаршайхнинг ўрдаси, қароргоҳи шу шаҳарда эди.

Матннинг мазмуни

(1) Султон Умаршайх баҳодур сўзим

(2) девонхоналарга, барча (3) Марғинан юртининг (4) тушим йиғувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига!

Марғинан бузургларида Мир Сайид Аҳмадга (5) Марғинан қасабасидан илгари бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг ҳар не (6) девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюрғал қилиб берилган эди. Энди сигир йилида (7) (бунга) риоят қилиб, қасабадан ўттиз олтин тавачи тартусини [яъни кўшимча мол-мулк, тортиқ] яна суюрғал (8) қилиб берилди. Энди бу санада берилганни сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан (9) бошлаб аввалги суюрғални яна берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, (10) ҳар йили янги нишон талаб қилмай, бу нишон билан йил бўйи ҳар турли солиқ (11) солмай, дафтарларга қайд этилсин. (Даромадларидан) ўзи фойдалансин. Ҳеч киши (ундан) мол, (12) дон-дун талаб қилмасин. Унга зўравонлик қилмасин, деб бу муҳрли нишонни сигир йили, (13) шаввал ойининг йигирма саккизида (=1469 йилнинг 11 майида) Андиганда битилди.

Ёрликда қўлланган киши отлари

Sultān Umar šayx bahadur 1,
Mir Sayid Ahmad 4.

Жой отлари

*Andigän 13 – Андижоннинг бурунги аталиши,
M(a)rġin(a)n~M(a)rġin(a)n qasabası 3, 4, 5.*

СУЛТОН АБУ САИД БИТИГИ

Султон Абу Саид мирзо султон Муҳаммад мирзонинг ўғли. Улар султон Маҳмуд мирзонинг ўғли, улар Мироншоҳ мирзонинг ўғли, булар Амир Темурнинг ўғли (ТР.141). Султон Абу Саид мирзо таърифини тарихчи олим Мирзо Муҳаммад Ҳайдар яхши берган. Унинг сўзи билан айтганда, “Андоқ улут подшоҳ бўлдики, Амир Темур подшоҳнинг наслида мундоқ забти мамлакат бўлмаган эрди” (ТР.141).

Битигнинг очиқламаси

Темурийлар даври ҳужжатчилиги, ёзма адабий тил расмий услублари тарихини ўрганишда султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (=Узун Ҳасанга) йўллаган битиги айрича ўрин тутади. Битиг Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида Е 12307 кўрсаткичи остида сақланмоқда. Эски ўзбек тили (“чиғатой туркийси”)даги 76 қаторли ушбу битиг уйғур хатида ёзилган бўлиб, ўқилиши тағма-тағ араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган (Kurāt 1940,119–134,196–200; Содиков 2009,151–163).

Мактуб сичқон йили (ҳижрий 873 йил) рабиул-аввал ойининг йигирма иккисида Озарбайжоннинг Миёна шаҳрида битилган (*Sičqan yili rabi'ul-avval ayiniñ yigirmi ikisidä Miyānada erkändä bitildi*). Бу сана мелодий 1468 йилнинг 10 октябрига тўғри келади.

Битигнинг 3, 13, 19, 28, 38, 47, 49, 51, 61, 63, 71- қаторларида *Täñri* сўзи сатр ичидан ажратиб олиб, унинг бош қисмига ўтказиб ёзилган. У айна қатордаги *'inäyatī* сўзига боғлиқ бўлиб, ҳар гал унинг билан бирга қўшиб ўқилади.

Матнда Абу Саиднинг уй ичига тегишли кишиларнинг (ота-боболарининг) отлари ҳам ажратиб берилган. Чунончи, 4, 24, 69-сатрларда *Temür beg*, 6, 7, 11, 12, 13, 15- сатрларда *Beg* сўзи, шунингдек, 27- қаторда *Mirānšāh Mirzā* сўзи, аввалги қатор тўлмаса ҳам, янги қаторга олиб ёзилган. Бу ҳам ўша замон хужжатчилигида русум бўлган ўзига яраша бир этикетдир. Бошқа хужжатларда ҳам бунинг сингари ҳолатлар учраб туради.

71–74- қаторлар устига султон Абу Саиднинг 8,5x8,5 см ўлчамидаги тўрт бурчакли муҳр-тамғаси (нишони) босилган. Муҳр-тамғанинг ёзуви сулсда. Унинг гирдига бисмиллоҳ; калимаи тоиба; тўрт бурчагига тўрт саҳобанинг, остига эса Ҳасан ва Ҳусайн отлари ёзилган. Ўртадаги ёзуви: *As-sultānu-l-ʿazam val-xaqānu-l-akram muğisu-l-haqqi vaddin Sultān Abu Saʿid Kōrāgān haladallahu mulkahu va sultānahu* (Буюк султон ва улуғ хоқон, ҳақ ва динни ривожлантирувчи султон Абу Саид кўраган, Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини мангу қилсин).

Битигнинг тарихий аҳамияти шундаки, у темурийлар давлатининг зиддиятли даврини акс эттиради. Давлатнинг бурунги – Темурбег замонидаги сиёсий мавқеини тиклаш мақсадида Абу Саид катта юришлар олдида турар, бунинг учун ўз тарафдорлари билан келишиб олмоғи керак эди. Хат ана шу мақсадда йўлланган.

Хатнинг туркий тилда ва уйғур ёзувида эканлиги аҳамиятли. Бу, ўз навбатида, темурийлар давлатида расмий-дипломатик хужжатлар туркий тилда, ўша замонда бутун “Чигатой эллари” учун умумий бўлмиш ёзма адабий тилда олиб борилганлиги, уйғур хати эса расмий доираларда, давлат ишларида кенг амал қилганлигини тасдиқлайди.

Битигнинг тузилиши

Султон Абу Саиднинг битиги икки юртнинг эгалари ўртасида ёзилган расмий мактубдир. Уни Абу Саид мавқе жиҳатдан ўзидан қуйи турган юрт эгасига йўллаган. Мактуб

ўрта асрларда тузилган расмий-халқаро дипломатик ёрлиқлардан ажралиб туради. Қолаверса, ушбу хатни бадий эпистоляр матн ҳам дея олмаймиз. Эпистоляр жанрда, одатда, бадийлик устивор бўлади. Ушбу хат эса расмий услубда.

Битигни тузилишига кўра кириш, асосий ва яқун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш (AS.1–2) уч компонентга ажралади. Биринчиси – унвон. Унвон битиг(söz)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги)нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганлигини далилловчи ёрлиқ (*Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzüm*) кўринишида берилган. Бу Ғарб ҳужжатшунослигида қабул қилинган адресант(intitulatio)га тўғри келади.

Маълумки, ислом даври ёдгорликлари, хусусан, ўша замонларнинг расмий ёзмалари, анъанага кўра, басмала (бисмиллоҳ) билан бошланар эди. Абу Саид битиги эса бундай эмас. Битиг *Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzüm* унвони билан бошланган.

А.П. Григорьев ўрта аср ҳужжатларининг тузилишини тадқиқ этар экан, туркий тилдаги ҳужжатлар басмала билан берилмаганлигининг сабабини битигларнинг ёзувига боғлайди. Унинг фикрича, басмала фақат араб ёзувли ҳужжатлардагина берилган. Уйғур ёзувли ҳужжатлар эса басмала билан бошланмаган (Григорьев 1978,208–209).

Бизнингча, теурийлар давридан қолган ёрлиқларнинг, хусусан, Абу Саид битигининг басмала билан берилмаганлигига сабаб бу эмас. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, мазкур битиг туркий ҳужжатчиликнинг энг эски анъаналарига риоя қилган ҳолда тузилган. Иккинчи сабаби, унинг расмий ҳужжат эканлигида. Одатда, бундай унвон бошқа мактубларда учрамайди. Аммо ушбу битиг бир юрт эгасининг бошқа юрт эгасига йўллаётган хатидир. Шунинг учун у ана шундай унвон билан бошланмоқда. Унвонни басмаладан кейин келтириш, иккаласини бир матнда олдинма-кетин қўллаш эса мантиққа

терс. Басмала билан бошланган расмий ёзмаларнинг бошламаларини қараб чиққан киши фикримизга қўшилади.

Иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани (*Hasan beggä*) қайд этилган.

Киришнинг учинчи компоненти – саломлашиш (*salutatio*). Бу компонентда хат йўлловчининг саломи баён қилинган. Бу компонент матнда пайт эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гапи кўринишидадир (*salām tegäč*).

Билдирилган саломдан кейин *söz ul-kim* жумласи билан мақсадга (асосий қисмга) ўтилади (AS.2–74).

Битигнинг мазмунига қараганда, Ҳасанбегнинг бобоси Усмон бегнинг Темурбег ва унинг ўғлонларига, у дунёдан ўтгандан кейин эса Ҳасанбегнинг Темурийларга ихлос билан хизмат қилиб келаётгани, ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғини билдирганлиги эътироф этилади. Ҳасан бег билан Абу Саид ораларида аҳд сўзи кечганлиги, улар бир-бирларининг дўстига дўст, душманига душман бўлишлари келишилганди. Энди эса Рум, Миср, Шом элларининг фатҳи мўлжалланаётгани, бунинг учун султон Абу Саид керагича қўшин, қурол-аслаҳа ажратишга тайёр эканлиги билдирилган.

Муҳими, асосий қисмнинг охирида битиг йўлловчининг аҳд сўзи баён қилинган. Келишувга кўра, Абу Саид Ҳасан бегга Миср, Рум вилоятларини олиб беришни ваъда қилиб, қиёматга дайн орадаги дўстликни бузмасликка сўз беради (AS.69–74-қаторлар). Мазмуни ва моҳиятига кўра ушбу хат расмий-дипломатик аҳдлашувга (*ahd sözi, bitim* га) тенглашади.

Мактубнинг сўнгги – *яқуний қисмини* (AS.74–76) тўрт компонентга ажратиш мумкин: Биринчиси – битиг йўлловчининг тилаги (*Seniñ esänligiñni körä*); иккинчиси – битиг бериб юборилган кишининг оти (*Mahmud begni yibärildi*); учинчиси – тарих, бунда битиг битилган сана қайд этилган; тўртинчи компонент – битигнинг қаерда ёзилганлиги (*Miyānada erkändä bitildi*).

Битигнинг ёзилган санаси қатъий изчилликда: аввал турк мучал ҳисобида йил, сўнг мусулмон тақвими бўйича ой ва кун келтирилади: *Siçqan yili rabi'ul-avval ayüniñ yigirmi ikisi* (Сичқон йили, рабиул-аввал ойининг йигирма иккинчи кун).

Битигнинг матни

(1) **Sultān Abu Sa'id körägän sözüm.**

(2) Hasan beggä salām tegäč, söz ul-kim,

(3) **Täñri** 'ināyatı bulup Sāhib qirān

(4) **Temür beg** tamām mamālikni musaxxar qilip yürügändä

Uluğ

(5) atañ 'Usmān beg çin köñli bilä

(6) **Beg** davlatığa panāh keltürüp ihlāsini bildürgän üçün

(7) **Beg** dağı 'ināyatlar qilip barça ulusdın artuqsı körüp

(8) Diyārbakir vilāyatını bildürüp xāsa oğul uşağı-

(9) nñ tñçliqi üçün Hamid tæg yerni dağı

(10) suyurğap yurt bergän durur. 'Usmān beg dağı

(11) **Begniñ** ol 'ināyat şafqatını unutmayın

(12) **Begdin** soñra oğlanlarığa çin ihlāsı bilä küç berip, burun

(13) **Beg** çaqında da qilğan xidmatlarını hargiz özgä qilmadı.

Teñri 'ināyat

(14) qilip Sāhib qirān

(15) **Beg** atamnıñ taxtını

(16) menä rozi qıldı ersä, sen dağı atañ yurtını

(17) bilip el-ulusuñni başlağandın beri

(18) yaxşılığın çin etiqādini bildürüp

(19) erdin. **Täñri** 'ināyatı bilä erānlār himmatidin bu očurlarda

burunğı keçkän

(20) ata-ağalarındın artuqsı, köñül tilägän-deg, şâyasta xidmat-

(21) lar qıldıñ. İni-oğulluq, dostluq, qarındaşlığın bildürdün.

(22) Seniñ bu xidmatlarındın asru rāzi bolduq. Emdi sen dağı

bilürsen-

(23) kim, ulus egäsi

- (24) **Temür beg** tamām mamālikni zabt qılıp ülāškändä Tabriz
 (25) taxtını
 (26) meniñ atam
 (27) **Mirānšāh mirzāğa** bergän durur. Senä dağı ma'lum durur-
 kim,
 (28) ata yurtı öz yurt bolur. **Täñri** 'ināyatığa sığınıp
 (29) bu fursatlarda Aǝarbayjān vilāyatlarını zabt qılıp,
 (30) atam yurtını burunğı yosun bilä taxt qılayın tep kelä durur-
 (31) men. Hasan 'Alinıñ buzulğan xabarı örtüdin keldi. Bağāyat
 davlatğa
 (32) munāsib iş bolmuş. Miyānağa yetkändä iniñ Murād
 (33) bilä yaxşı sözlärin keldi. Seniñ könlündä andağ
 (34) keçmäsün-kim, Tabrizda Jihānšāh turup erdi, menä
 bermädilär dep.
 (35) Sen dağı bilürsen-kim, Jihānšāhğa bir vāsita bilän andağ
 tüşüp erdi.
 (36) Arada bir ahd sözi dağı keçip erdi. Basa
 (37) biz dağı Xurāsān vilāyatlarığa yañla kelip erdük. Bir neçä
 (38) vilāyatlarnıñ zabtını qılmaq muhim erdi. **Täñri** 'ināyatı
 (39) bilä erānlär himmatidin ul vilāyatlar musahhar bolup
 (40) erdi-kim, Jihānšāh seniñ üstünä yürüdi tep eşittük
 (41) ersä, ul ahd arada qalmadı. Sen dağı eşitmiş bolğay-sen-kim,
 (42) 'Ali beg degän joramni bitiglär bitip Jihānšāhğa çapturdum-
 kim,
 (43) seniñ bilä ahd qılğanda bir-birimizniñ dostığa dost,
 duşmanığa
 (44) duşman bolalı tep söz keçip erdi. Emdi
 (45) bizniñ Hasan begdin yaxşıraq dostumız yoq turur. Yüz yıldın
 (46) beri özgä bolmağan ahd seniñ üstündä boldı.
 (47) Men dağı **Täñri** 'ināyatığa sığınıp seniñ üstünä yürüdüm tep
 (48) bildürä yibärip erdim. Yibärgän elçi Tabrizğa yetkändä
 (49) Jihānšāhnıñ işini bir sarı qılğan ermiş-sen. **Täñri** 'ināyatı
 bilä

(50) Tabrizğa kelgänimdä sen dađı yıraqsınmayın kelip körür yaraqını

(51) tapsaň, kelip körgil. **Täñri** 'ināyatidin 'umidim ul durur-kim, Rum, Mısır,

(52) Şām başlıq tamām mamālik fathinı bāt

(53) bizgä rozi qılğay esä, Allah taälä emdi bilä bolğan-

(54) dın soň 'umid ul-kim, barça iş köñül tilägän-deg bolğay.

(55) Ul sarıqı vilāyatlarnıñ yaraq maslahatları-

(56) nı sen yaxşıraq bilürsen. Äğär

(57) men özüm barmaqlıq hājat bulmayın oğlanlarımdın basa

(58) beglärdin, çerigdin ne mīqdār keräklik bolsa,

(59) yaraq körüp tiläsän, ul çaqlıq kişi yibäräyin. Bu

(60) çaqlıq inilik, qarındaşlıq, xidmatkärliqnı sen qıldıñ.

(61) **Täñri** 'ināyatı bilä eränlär himmatidin Mısır, Rum, Şām-teg yerläрни

(62) alıp bermäkni

(63) men biläyin. Sendin **Täñri** 'ināyatı bilän 'umidim ul durur-kim,

(64) mundın soñra dađı ini-oğulluq xidmat-

(65) kārliqnı artturğay-sen. Hargiz özgä bolmağay-

(66) sen. Ne oğul bolğay-kim, bu keçär dünyāda burunğı yaxşı-

(67) ları yüz yıldıñ beri qılğan dostluq, qarındaşlıq-

(68) nı özgä qılğay.

(69) **Temür beg** ataň 'Usmān beggä Diyārbakir vilāyatini

(70) bergän bolsa, 'umidim ul durur-kim,

(71) men seňä Täñri 'ināyatı birlä Mısır, Rum vilāyatlarini

(72) alıp bergäy-

(73) men. Keçär dünyāda qiyāmatğa deginç bu yaxşı at arada

(74) qalğay. Seniñ esänligiñni körä Mahmud beg-

(75) ni yibärildi. Siçqan yılı rabi' ul-avval ayiniñ yigirmi

(76) ikisidä Miyānada erkändä bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

1- қатор: *Sultān Abu Sa'id körägän sözüm*. Ушбу унвондаги *sultān* сўзи Абу Саиднинг даражасидир; у “хон” маъносидадир. Одатда, расмий битигларда юрт эгасининг оти тилга олинганда унинг даражаси қўшиб айтилган. Абу Саид исмидан кейин қўшилаётган унвонни А. Курат *kürkän* шаклида ўқиган. Бу сўз асли мўғулча *küregen* – “куёв” сўзидан. У матннинг уйғур ёзувли сатрида <ö> ҳарфи билан ёзилган. Шунинг учун уни *körägän* шаклида ўқилгани маъқул. Унвонда кечган *sözüm* – “менинг сўзим; менинг битигим” маъносини англатади ва битигнинг султонга қарашлилигини далиллайди. Бошқа расмий ёзмаларнинг унвонида эса бу калима “менинг фармоним; менинг ёрлиғим” маъноларида ҳам қўлланилган.

3- қатор: *Täñri 'ināyatī bulup* бирикмаси “Тангридан иноят топиб; Тангридан иноят бўлиб; Тангридан иноят етиб” деган маънони англатади (*bulup* – “топиб, етишиб” англамидадир). Матн давомида бу бирикма *Täñri 'ināyat qilip*, *Täñri 'ināyatıǵa siǵinip*, *Täñri 'ināyatidin*, *Täñri 'nāyatī birlä* кўринишларида ҳам учрайди.

4- қатор: Амир Темур туркий ҳужжатларда *Temür beg* деб тилга олинган. Бу исмдаги *beg* унинг даражасидир. У “амир”га тўғри келади.

musaxxar qil – бўйсундирмоқ, қарам қилмоқ.

7- қатор: *artuqsı* – “ортиқ даражада” маъносида.

8- қатор: *oǵul uşaqı* – “бола-чақаси”; *uşaq* – “майда” дегани.

12- қатор: *küç berip* – “хизмат қилиб” маъносида.

19- қатор: *eränlär himmatı* – “мардлар ҳиммати” назарда тутилмоқда.

21- қатор: *ini-oǵulluq* – ўрта аср мактубларида бу сўз ўзига тобе кишиларга, юрт эгаси учун эса ўзига тобе юрт эгаси нисбатан ишлатилган.

30- қатор: *yosun* – расмий ҳужжатларда “қонун; тартиб” маъносида қўлланилган.

42- қатор: А. Курат *jora* сўзини “мулозим” деб изоҳлаган. Визнингча, бу сўз “мулозим” эмас, “ўртоқ, сафдош” маъноларида. Қиёсланг, ҳозирги ўзбек тилида: *jora* – “ўртоқ, биродор”; *küyaw joralari* – “куёвнинг ўртоқлари, тенгқурлари” дегани. Битигда шундай: *'Ali beg degän joramni bitiglär bitip Jihānšāhğa çapturdum* (Али бег деган жўрамни битиглар битиб, Жиҳоншоҳга чоптирдим).

48- қатор: *bildürä yibärip erdim* – “билдиргулик (мактуб) юбориб эдим” маъносида.

55- қатор: *Ul sariqi viläyatlarniñ yaraq maslahatlarini* – “ўша ёқлардаги вилоятларнинг қурол-аслаҳаларини; уларнинг ҳарбий қудратини” дейилмоқчи.

69–74- қаторлар: Ушбу сатрларда Абу Саиднинг Ҳасан бегга берган аҳд сўзи қайд этилган.

74–75- қаторлар: *Seniñ esänligiñni körä* – “Сенинг эсонлигингни кўриш учун; Сендан хабар олиб келиш учун” деган маънода.

Битигнинг мазмуни

(1) Султон Абу Саид кўраган сўзим.

(2) Ҳасан бегга салом дегач, сўз ул-ким, (3) **Тангридан** иноят етиб Соҳибқирон (4) **Темур бег** тамом мамлакатларни мусаххар қилиб [ўзига қарам қилиб] юрганда улуғ (5) отанг [яъни, бобонг] Усмон бег чин кўнгил билан (6) **Бег** давлатига паноҳ келтириб [яъни, бег давлатининг тинчлиги учун курашиб], ўз ихлосини билдиргани учун (7) **Бег** ҳам иноятлар қилиб, (уни) барча улусдан ортиқ даражада кўриб, (8) Диёрбакир вилоятини берди. Барча бола-чақаси(9)нинг тинчлиги учун Ҳамид таг ерни ҳам (10) суюрғал қилиб, юрт қилиб берган эди. Усмон бег ҳам (11) **Бег**нинг ул иноят шафқатини унутмайин (12) **Бегдан** сўнгра (унинг) ўғлонларига чин ихлоси билан хизмат қилиб, бурун (13) **Бег** чоғида-да қилган хизматларини ҳаргиз ўзга қилмади.

Тангри иноят (14) қилиб, Соҳибқирон (15) **Бег** отамнинг тахтини (16) менга насиб қилди эрса, сен ҳам отанг юртини (17) билиб, эл-улусингни бошлагандан бери (18) яхшилигинг, чин эътиқодингни билдириб (19) эрдинг. **Тангри** инояти билан мардлар ҳимматидан бу чоғларда бурунги кечган (20) ота-оғаларингдан ортиқ, кўнгил тилагандек, шояста хизмат(21)лар қилдинг. Ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлигингни билдирдинг.

(22) Сенинг бу хизматларингдан бениҳоя рози бўлдик. Энди сен яна билурсен-(23)ким, улус эгаси (24) **Темур бег** тамом мамлакатларни забт қилиб, (уларни ўз яқинларига) улашганда Табриз (25) тахтини (26) менинг отам (27) **Мироншоҳ мирзога** берган эди. Сенга-да маълум турур-ким, (28) ота юрти ўз юртинг бўлур. **Тангри** иноятига сиғиниб (29) бу фурсатларда Азарбайжон вилоятларини забт қилиб, (30) отам юртини бурунги йўсун [яъни, Темурбег замонидаги қонун] билан бошқарайин деб келяпман (31). Ҳасан Алининг бузуқ хабари чаппасидан келди. Давлат учун бағоят (32) муносиб (бир) иш бўлди. Миёнага етганда ининг Мурод (33) билан яхши сўзларинг келди. Сенинг кўнглингда андоқ (34) кечмасин-ким, Табризда Жаҳоншоҳ турур эрди, менга бермадилар, деб. (35) Сен яна билурсен-ким, Жаҳоншоҳга бир восита билан андоқ тушиб эрди [яъни, бир сабаб билан берилган эди]. (36) Орада бир аҳд сўзи ҳам кечиб эрди. Сўнг (37) биз ҳам Хуросон вилоятларига қайтиб келиб эрдик. Бир неча (38) вилоятларнинг забтини қилмоқ муҳим эрди. **Тангри** инояти (39) билан, мардлар ҳимматидан ул вилоятлар мусахҳар бўлиб (40) эрди-ким, Жиҳоншоҳ сенинг устингга юриди, деб эшитганимизда (41) ул аҳд орада қолмади. Сен ҳам эшитган бўлсанг керак-ким, (42) Али бег деган жўрамни битиглар битиб Жаҳоншоҳга чоптирдим-ким, (43) сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига (44) душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди. Энди (45) бизнинг Ҳасан бегдан яхшироқ дўстимиз йўқ турур. Юз йилдан (46) бери ўзга (билан) бўлмаган аҳд сенинг устингга бўлди. (47) Мен ҳам **Тангри** иноятига сиғиниб, сенинг устингга юридим

деб (48) билдиргулик юбориб эдим. Юборган элчи Табризга етганда (49) Жаҳоншоҳнинг ишини бир ёқли қилган эмишсан.

Тангри инояти билан (50) Табризга келганимда сен ҳам йироқсинмай, келиб кўришнинг яроғини [яъни, иложини] (51) топсанг, келиб кўргин. **Тангри** иноятидин умидим ул турур-ким, Рум, Миср, (52) Шом бошли бутун мамлакатлар фатҳини бот (53) бизга насиб қилса, Аллоҳ таоло шунга етиштиргандан (54) сўнг, умидим ул-ким, барча иш кўнгил тилагандек бўлғай. (55) У ёқлардаги вилоятларнинг ҳарбий қудратини (56) сен яхшироқ билурсен. Агар (57) мен ўзим бормоққа ҳожат топмай, ўғлонларимдан, сўнгра (58) беклардан, черигдан не миқдор керакли бўлса, (59) (черигнинг) ҳарбий аҳволини қараб чиқиб, яна тиласанг, ул чоқли киши юборайин. Бунга (60) тенг келадиган [яъни, бунга арзирли] инилик, қариндошлик, хизматкорликни сен қилдинг.

(61) **Тангри** инояти билан, мардлар ҳимматидан Миср, Рум, Шомдек ерларни (62) олиб бермакни (63) мен билайин [яъни, мен шуни билай; ўз устимга олай]. Сендан **Тангри** инояти билан умидим ул турур-ким, (64) бундан сўнг ҳам ини-ўғиллик, хизмат(65)корликни орттирғайсен. Ҳаргиз ўзга бўлмағай(66)сен. Бу қандай ўғил-ким, бу кечар дунёда бурунги яхши(67)лари юз йилдан бери қилган дўстлик, қариндошлик(68)ни ўзга қилса?!

(69) **Темур бег** отанг Усмон бегга Диёрбакир вилоятини (70) берган бўлса, умидим ул турур-ким, (71) мен сенга **Тангри** инояти бирла Миср, Рум вилоятларини (72) олиб бергай(73)мен. Кечар дунёда қиёматга қадар бу яхши от орада (74) қолғай.

Сенинг эсонлигингни кўриш учун Маҳмуд бег(75)ни юборилди.

Сичқон йили, Раби ул аввал ойининг йигирма (76) иккисида Миёнада эканлигимизда битилди.

Битигда кечган киши отлари

Abu Sa'id körägän 1 – XV асрнинг ўрталарида Туркистон ва Эронда ҳокимият сурган. Темур бегнинг эвараси (шажараси: Абу Саид султон мирзо бин Муҳаммад бин Мироншоҳ мирзо бин Темур бег).

Hasan beg 2, 45 – битиг йўлланаётган киши. Унинг бошқа бир оти Узун Ҳасан эди. Оқ қўюнли туркманларнинг беги. Бошда Диёрбакир ҳокими, кейинчалик Шарқий Анатўлида катта юртларни забт этиб, улуғ бир давлатнинг ҳукумдорига айланди. У қўшнилари, айниқса, Шарқий ёндаги қўшнисини Қора қўюнли беги Жихоншоҳ учун таҳликали рақиб эди. Ҳасан бег замонасининг доврўғи кетган турк бекларидан бўлган.

Sāhib qirān Temūr beg (3–4)=*Temūr beg* (24, 69)=*Sāhib qirān beg* (14–15)=*Beg* (6, 7, 11, 12, 13) – Амир Темур шундай отлар билан тилга олинган.

Mirānšāh mirzā 27 – Темур бегнинг ўғли.

Jihānšāh 34, 35, 40, 42, 49 – Қора қўюнли туркманларнинг беги.

'Usmān beg 5, 10, 69 – Матнда бу кишини Ҳасан бегга нисбатан *Uluğ ata* *'Usmān beg* деб қайд этилган. Шунга қараганда у Ҳасан бегнинг бобосидир.

Hasan 'Ali 31 – Жихоншоҳнинг ўғли.

'Ali beg 42 – Абу Саиднинг жўраси, унинг сафдоши бўлиши керак. Бойси, ҳозирги ўзбек тилида “жўра” сўзи “ўртоқ, сафдош” маъноларида қўлланилади.

Murād 32 – Ҳасан бегнинг иниси.

Mahmud beg 74 – Ушбу битигни Ҳасан бегга келтирган киши, Абу Саид давлатининг элчиларидан бири.

Hamid 9 – А. Курат бу сўзни жой оти деб берган. Аслида бу киши отидир.

Битигда учраган жой отлари

Rum 51, 61, 71 – юрт оти.

Misir 51, 61, 71 – юрт оти.

Šām 52, 61 – юрт оти, Сурия.

Xurāsān 37 – юрт оти.

Aḍarbayjān 29 – юрт оти. Уйғур хатида бу сўз <d> харфи билан ёзилган. Вазифасига кўра уни [δ] деб ўқиш керак.

Diyārbakir vilāyatī 8, 69 – Шарқий Анатўлидаги вилоят.

Tabriz 24, 34, 48, 50 – Эрондаги ер. У замонлар Жихоншоҳнинг қўл остида эди.

Miyāna 32, 76 – Озарбайжондаги бир шаҳар.

“ЖОМЕ УТ-ТАВОРИХ”ДАГИ ЭСКИ УЙҒУР ЁЗУВИ БИЛАН БИТИЛГАН ШАЖАРА

Темурийлар даврида уйғур ва араб ёзувлари ёнма-ён ишлатилган чоғларда айрим асарларни битишда бир пайтнинг ўзида иккала ёзувдан ҳам фойдаланилган. Ана шундай манбалардан бири Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида 1620 кўрсаткичи остида сақланаётган тарихчи Рашидиддин (Фазлулла Рашидиддин бин Имодуддавл)нинг (1247–1318) форс тилидаги “Жоме ут-таворих” (جامع التواريخ) асари қўлёзмасидир (СВР, 21–22). Ушбу қўлёзма асарнинг фанда маълум бўлган энг эски нусхаларидандир (Бартольд 1904, 232). “Жоме ут-таворих”нинг бошқа қўлёзмалари Истанбул, Санкт-Петербург, Лондон, Техрон, Париж шаҳарларида сақланмоқда (қаралсин: Рашид-аддин 1946, 7–15; 1968, 3–6).

Тошкентда сақланаётган нусханинг белгилари қуйидагича: Қўлёзманинг жами 264 варақ, охири йўқ. Шу туфайли унинг котиби ҳам, кўчирилган йили ҳам маълум эмас. Лекин эътибор билан кўчирилган нусха. Бичими 28,5x40 см, матн ўлчами эса 22x34 см. Ҳар саҳифа қизил рамкага олинган бўлиб, асосий матн насх хати билан қорада, айрим сарлавҳа ва эътиборли ўринлари

қизил, яшил, сариқ сиёҳларда битилган. Кўлэзмада рангли миниатюралар ҳам бор, айрим саҳифаларда миниатюрага мўлжалланган ўринлар бўш қолган, айрим миниатюралар қаламда чизилганича қолиб кетган. Кўринадики, қўлэзма тўлиқ тугаллаб улгурилмаган.

Муҳими шундаки, қўлэзмадаги шажараларда бир қатор исмлар уйғур ёзуви билан ҳам изоҳланган. Қуйида ана шу уйғур ёзувидаги матн тўғрисида фикр юритамиз.

Кўлэзманинг 109a–109b–110a саҳифаларида Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўқтой (Угедей)хон шажараси берилади. Унинг етти ўғли ва уларнинг авлодлари шажарада етти тармоқни (А, Б, В, Г, Д, Е, З) ташкил қилади. 109a бетининг юқори бурчагида Ўқтойхон рафиқаси билан акс эттирилган 9x9,5 см ли рангли миниатюра чизилган. Унинг ёнида араб ёзуви билан *صورت اوكتای* *خاتون وشعب فرزندن* ҳамда унинг остига уйғур ёзуви билан *Surat Öktauxan xatun uruğ-oğlanları* (яъни “Ўқтойхон ва хотуннинг уруғ-ўғлонлари / шажараси сурати”) деб ёзиб қўйилган. Ундан кейин уларнинг шажараси кетади. Ушбу саҳифада Ўқтойнинг дастлабки икки ўғли Кууюкхон ва Кутан авлодлари шажараси берилган. Ундаги исмлар аввал араб ёзуви билан, унинг остида уйғур ёзуви билан ёзилган (*мана шу бетнинг суратиغا қаралсин: СВР,21*).

Биринчи тармоқ (А)даги уйғур ёзувида битилган исмлар шундай ўқилади: *Kiükxan* [ap. *کیوکخان*]. Бундан уч тармоқ ажралиб чиқади:

AI. *Xoja oğul*: I. *Dökmä*: 1) *Yušmut* [ap. *یوشموت*]; 2) *Yäsükän*; 3) *Öljükän* [ap. *اولجوكن*]; 4) *Abajı*.

II. *Bus(u)ju* [ap. *بوسوجو*].

III. *Äbükän* [ap. *ابوکان*]: 1) *Čav(u)tu* [ap. *چاووتو*]; 2) *Kök(ä)-Temür* [ap. *کوکاتمور*].

AII. *Naqu*: 1) *Čipat* [ap. *جیات*].

AIII. *Huqu*. Бундан қуйидагилар ажралиб чиқади:

I. *Ürkä*. Унинг уч фарзанди бор: 1) *Tarmabala*; 2) *Ertän* [ap. *ارتن*]; 3) *Künjäu* [ap. *کونکن*].

II. *Qumbu*. 1) *Täküdär*.

III. *Könčäk*.

IV. *Dorji*: 1) *Kürin*.

V. *Tobsin*: 1) *Jüşkäb* [ap. جوشکاب].

VI. *Ermäksän*: 1) *Art(a)bašširi* [ap. ارتبه شیرى].

VII. *Teküs-buqa*.

VIII. *Tekši*.

IX. *Dar(a)bu(n)g* [ap. دارتونک].

X. *İg(i)rd(ä)y* [ap. ایگردى].

XI. *İškib* (бу ерда уйғур ёзувида берилмаган).

Шажарадаги иккинчи тармоқ (Б) қуйидагича ўқилади:

Б. *Kütän*. Бу учга бўлинади:

I. *Mütkü*.

II. *Yasu-buqa*: 1) *Kürlük*; 2) *Qambula*.

III. *Čin-Temür*.

Қўлёманинг 109b бетида ушбу шажара давом этади. Унда Ўктойнинг кейинги уч ўғли – Кучу, Карачар, Каши (В, Г, Д) авлодлари кўрсатилган. Шажарадаги бешинчи ўғил Кашидан унинг ўғли Кайду, Кайдудан эса Чапар ажралиб чиқади. Чапарнинг етти ўғли саҳифанинг бош қисмига бир қатор қилиб жойлаштирилган. Уйғур ёзувида ёзаётган котиб 109a саҳифани деярли тўлиқ тугаллагандан кейин, 109b саҳифани ҳам бир бошдан (у шажара тартибига риоя қилмаган, аксинча, саҳифанинг бир бошидан ёза бошлаган), яъни Чапар ўғиллари жойлашган устунни тўлдиришдан бошлаган. Лекин уни давом эттирмаган. Ҳатто тармоқнинг бошида турувчи Чапар кейингилардан бир оз ичкари жойлаштирилганлиги сабабли уни ҳам қолдириб кетган.

Бу бетда фақат қуйидагилар уйғур ёзувида битилган: 1) *Böri-Temür*; 2) *Oljay-Temür*; 3) *Qutluğ-Temür*; 4- от фақат араб ёзувида; 5) *Toq-T(emür)* – бу сўзни ҳам тўлалигича ёзиб тугалламаган. Бу бетдаги қолган отлар фақат араб ёзувида. 110a саҳифадаги Ўктойнинг олтинчи ва еттинчи ўғиллари ҳамда уларнинг авлодлари ҳам фақат араб ёзувида ёзилган. Уларда

уйғур ёзуви учун жой қолдириб кетилган. Умуман, қўлёзмадаги бошқа шажараларда ҳам (масалан, 167b, 191a, 191b ва б.) отлар араб ёзувида ёзилгани ҳолича, уйғур ёзуви учун тўртбурчак ярмисидан жой қолдирган. Китобдаги шажаралар ҳам араб, ҳам уйғур ёзувида ёзишга мўлжалланганлиги кўриниб турибди. Бизнингча, араб ва уйғур ёзувида битувчи котиблар бошқа-бошқа кишилар бўлган. Уйғур ёзувида ёзаётган котиб (бахши) ўзи учун қолдирилган жойга ёзиб улгурмаган. Агар котиб бир киши бўлганда эди, ҳар иккисини бир пайтда ёзиб кетаверган бўларди. Чунки араб ёзувидаги исмлар ҳам, уларнинг уйғур ёзувидаги шакллари ҳам фақат қора сиёҳдадир. Иккинчи котиб ўз ишини давом эттира олмаган дейишимизга яна бир далил 109b саҳифадаги тўртинчи сўзнинг ҳам чала ёзилганлиги.

Шажарада уйғур ёзуви учун махсус жой ажратилгани бежиз эмас. Бу бизга ўша чоғларда туркий халқлар орасида уйғур хати асосий ёзув бўлганлигидан гувоҳлик беради. Акс ҳолда, араб ёзувидаги маттни изоҳлаш учун сатр остига уйғур ёзувида ёзиб чиқиш зарурати туғилмаган бўларди. Ўша пайтларда ҳатто бошқа шажаралар ҳам уйғур хатида ёзилган бўлуви мумкин. Котиб ана шу анъанани сақлаган ҳолда мазкур шажарада уйғур ёзувини қўллаган кўринади. Шажарани ёзишда кўп жиҳатдан туркий тилли китобхонлар талаби кўзда тутилган. Бунинг яна бир исботи бош сарлавҳа (*Surat Öktayhan xatun uruğ-oğlanlari*)нинг туркий тилда эканлигидир. Шунинг учун уйғур ёзувидаги маттни туркий тил нуқтаи назаридан текширишимиз тўғри бўлади. Унинг хат услуги XIV–XV юзйилликларда Мовароуннахр, Хуросон, Эрон маданий муҳитида кўчирилган уйғур ёзувли ёдгорликларнинг хат услубига жуда яқин. Ёзувнинг мана шу белгисига таяниб, мазкур қўлёзма ана шу худудларда кўчирилганини тахмин қилиш мумкин.

Умуман, “Жоме ут-таворих”нинг мазкур нусхаси уйғур ёзувининг тарихи билан боғлиқ муҳим масалаларни ойдинлаштиради. Унга асосланиб, XIV–XV юзйилликларда

Темурийлар давлатида уйғур хатининг мавқеи юқори бўлган деган хулосани дадил айта оламиз.

ЁРЛИҚ ВА БИТИГЛАР КЎРСАТКИЧИ

Олтин Ўрда хонларининг ёрлиқ ва мактублари

№	Ҳужжатнинг оти, ёзув тури	Ёзилган ери	Санаси
1	Тўхтамишхоннинг Яғайлига йўллаган ёрлиғи, уйғур ёзувида.	Тан суви ёқасида [яъни Дон дарёси ёқасида].	Товуқ йили, ҳижрий етти юз тўқсон бешда, ражаб ойининг саккизинчи куни [=1393 йилнинг 20 майида].
2	Темур Қутлуғ ёрлиғи, уйғур ва араб ёзувида.	Узу сувининг [яъни Днепр дарёсининг] ёқасида, Мужаваранда.	Ҳижрий 800 йил (=1397) барс йили, шаъбон ойининг олтинчи куни.
3	Улуғ Муҳаммад хоннинг II Муродга йўллаган мактуби, араб ёзувида.	Узу суви [яъни Днепр] ёқасида.	Маймун йилида, ҳижрий саккиз юз ўттиз биринчи йил, жумаду-л-аввал ойининг йигирма еттинчи куни (=1428 йилнинг 14 марти).
4	Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби, араб ёзувида.	Азуғли ўзан ёқасида.	Товуқ йили, ҳижрий саккиз юз етмишда, муборак барот ойининг бешинчи куни, сешанба кун (=1466 йилнинг 10 апрели).
5	Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби, араб ёзувида.		Ҳижрий саккиз юз саксон иккида, муборак сафар ойининг ўртаси (=1477 йилнинг май-июни).

Темурий султонларнинг битиг ва ёрлиқлари

№	Хужжатнинг оти	Ёзилган ери	Санаси
1	Темурбегнинг тошга ёздирган битиги, араб ва уйғур ёзувида.	Улугтоғ этагида.	Ҳижрий етти юз тўқсон учинчи йил кўклами (=1391 йилнинг апрели)
2	Шохруҳ мирзо ёрлиғи, уйғур ёзувида.	Боғи шаҳарда.	Ҳижрий саккиз юз йигирма бешда, сигир йил, муҳаррам ойининг йигирма иккиси (=1422 йилнинг 16 январ).
3	Султон Умаршайх ёрлиғи, уйғур хатида.	Андиганда.	Ҳижрий сигир йили, шаввал ойининг йигирма саккизи (=1469 йилнинг 11 май).
4	Султон Абу Саид битиги, уйғур ва араб ёзувида.	Озарбайжоннинг Миёна шаҳрида.	Сичқон йили (ҳижрий 873 йил) рабиул-аввал ойининг йигирма иккиси (=1468 йилнинг 10 октябри).

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг ёрлиқлари, расмий-дипломатик ёзишмаларини тарихий-филологик, манбашунослик ва матншунослик жиҳатдан ўрганиш куйидаги умумий хулосаларга олиб келади:

(1) Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг ёрлиқлари ва расмий битиглари ўрта асрлар туркий ҳужжатчилигининг классик намуналаридир. Улар ўрта асрлар дипломатикасининг юксак талаблари асосида яратилган: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; услуги юксак балоғат даражасида, терминлар тизими мукамал; туркий ҳужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичидан ўтганлигини англатиб туради. Устига-устига, хати чиройли; матнни ўта саводли кишилар битган.

(2) Ёзма адабий тилнинг ижтимоий-сиёсий вазифаси бўлади. Давлат ҳужжатчилиги, расмий дипломатика шунинг учун ҳам ёзма адабий тилдан фойдаланади. Одатда, давлат даражасидаги ёрлиқ ҳамда битиглар учун ёзма адабий тилнинг ўзига хос, муайян қолипга эга, сайқал топган расмий услуги амал қилган. Ҳужжатнинг тили, аввало, сиёсий, расмий доираларда тушунарли, халқаро дипломатия талабларига жавоб бермаги керак. Ёзма адабий тилнинг барча қоидалари асосида битилган ҳужжат ёрлиқ берувчининг обрўси, сиёсий сергаклиги, дипломатияни яхши билишини ҳам белгилайди. Шунга кўра, Олтин Ўрда муҳотида ҳам, Темурийлар давлатида ҳам ҳужжатчилик ишига, айниқса, халқаро дипломатик ёзмаларга эътибор жиддий эди. Хонлар ва султонларнинг ёрлиқлари, расмий хатлари, дипломатиканинг талаб ва қоидаларига биноан, ёзма адабий тилда битилган.

(3) Олтин Ўрда давлати ва Темурийлар салтанатида давлат ишлари, расмий-дипломатик ишларда икки хил – уйғур ҳамда араб ёзувларидан фойдаланилган.

Уйғур хатига, айниқса, Темурийлар давлатида эътибор катта бўлди. Қадимги турк ёзув аънасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлар эди. Темурбек ўз давлатининг расмий ишларида, ички ҳамда халқаро дипломатик муносабатларда, бадиий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма адабий тили (“чигатой туркийси”)нинг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзувига айланди. Уйғур хати, араб хати билан баробар Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди.

(4) Давлат девонида ёрликлар ва расмий ёзмалар учун хат услубини сайлашда матннинг адресатга тушунарли бўлиши, ёзув кўрки, эстетик жиҳатларига, халқаро расмий-дипломатика талабларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.

Хужжатларда ҳар иккала ёзувнинг турли кўринишдаги хат услублари учрайди.

Олтин Ўрда хонлари ва темурий султонларнинг уйғур хатида битилган матнларини хат услубига кўра уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

Биринчи гуруҳ ёдгорликлар хати. Бу хат шакли югурик раvon шаклли бўлиб, у Ўрта Осиёда кенг қўлланилган. Шохруҳ мирзо ҳамда султон Умаршайх ёрликлари ана шу хат услубидадир.

Иккинчи гуруҳ ёдгорликларининг хати. Бу хат шакли кўпроқ уйғур хатида битилиб, тагма-таг араб хатида изоҳлаб чиқилган матнларда қўлланган. Ҳарфлари қиррали кўринишга эга Ушбу хат турида Темур Кутлуғ ҳамда Абу Саид ёрликлари битилган.

Учинчи гуруҳ ёдгорликларининг хати. Бу ҳарфлари чўзик шаклли хат туридир. Тўхтамишхон ёрлиғи ана шу хат турида.

Араб ёзуви расмий хужжатларда ҳам бир неча хат услуби ишлатилган. Жумладан, уйғур ёзувида битилиб, тагма-таг араб хатида ўқилиши берилган матнлар, асосан, настаълиқ хатида. Бунинг сингари хужжатларда асосий сатрдаги уйғур ёзувининг

хат услуби ҳам катта ўрин тутади; уларда ҳар икки ёзув (уйғур ва араб ёзувлари) ўзаро уйғунлашиб матн кўркини таъминлайди.

Фақат араб ёзувида битилган ҳужжатларда бутун эътибор ана шу ёзувга қаратилади; унинг тушунарли ўқилиши, матн каллиграфиясига урғу берилади. Бундай ҳужжатлар кўпинча, девон-махқама ишлари учун ўйлаб топилган девоний, шунинг билан бир қаторда, настаълик хатларида битилган. Муҳим ўринлари, айниқса, мактубнинг бош жумлалари сулсда ҳам ажратиб ёзилган. Яна бир жиҳати, расмий-дипломатик матнларда диакритик белгилар ишлатилмайди. Бу ҳам бўлса, ўрта аср дипломатикасининг ўзига яраша белгиларидан биридир.

(5) Ёрлик ва мактубларнинг бари хон ёки султонлар тилидан битилган. Улар юрт эгаларининг расмий кишиларга, давлат идораларига қаратилган сўзлари бўлиб, туркийгўй ҳуқумдорларнинг сиёсий, расмий-дипломатик нутқни, расмий мулоқот маданиятининг лингво-культурологик, этик-эстетик қирраларини ўзида акс эттиради.

Ёрлик ва мактубларнинг турига қараб улардаги баён услуби, ҳуқумдор нутқи ҳам фарқланиб туради. Имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрликлар унинг ижросини таъминлови идораларга, бирор юридик ташкилотга ёки юридик кимсаларга (адресатга) қаратилган бўлади. Ёрлик бирор кимсага имтиёз ҳуқуқини беришни кўзлаб тузилаётган эса-да, имтиёзга эга бўлаётган кимсанинг даҳлсизлиги, эркинлиги, мол-мулкни сақлаш юридик ташкилотлар ва амалдорларга юклатилади. Буйруқ, кўрсатма ўша маъмурий ташкилот ёки юридик кимсалар, амалдорларга берилади.

Хонларнинг қарам юрт ҳуқумдорларига йўллаган ёрликларида ёрлик йўлловчининг нутқи бевосита ўша ҳуқумдорга қаратилган бўлади; унга кўрсатма сифатида битилади. Гаплар мазмуни ҳам шунга қараб тузилади; лексик, морфологик шакллар, баён тарзи шунга қараб танланади.

Ўзаро тенг томонга йўлланаётган мактублар икки мамлакат ўртасида сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатиш, бордикелдини мустақкамлаш, бирон қалтис вазият чикқудек бўлса, теварагида уни қўлловчи хоқон туришини таъминлаш мақсадида ёзилади. Шунинг учун хатда ўзаро келишувга, дипломатияга катта урғу берилади: адресатга одоб чегарасида, хурмат ва илтифот билан муносабат билдирилади; адресатнинг хурмати учун унинг шаънига мақтовлар айтилади. Мазмун кўтаринки, имкон қадар бадий жумлалардан кенг фойдаланилади. Уларда илтимос, истак оҳанги кучли бўлади. Бундай хатлар расмий-дипломатик характерда бўлишига қарамай, муайян маънода, уларни эпистоляр жанрга (мактубот жанрига) киритиш мумкин.

(6) Ўша давр ёрликларида, расмий услубга тегишли белгилардан ташқари, оғзаки услубга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, матнни мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, хужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, туркий бадий адабиётнинг таъсири бўлган. Шундай қилиб, расмий хужжатларда, ўрни билан, фикр ифодаси билан боғлиқ ҳолда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган сўз ҳамда жумлалар, жуфт сўзлар, синтактик параллелизмлардан ҳам унумли фойдаланилган. Улар расмий матнга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг жонли, таъсирили ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз ўрнида, матннинг сиёсий-психологик қувватини ҳам таъминлайди. Бу ҳодисани эски туркий, хусусан, ўзбек тили ёзма адабий тили тарихидаги услублар синкретизми сифатида баҳоламоқ керак.

КИТОБДА ҲАВОЛА ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ АСАРЛАР

Бартольд 1904 – Бартольд В. Отчет о командировке в Туркестан. – Записки восточного отделения Русского археологического общества. Том XV, 1902–1903. С.-Петербург, 1904.

Благова 1982 – Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. М., 1982.

Боровков 1963 – Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского тевфира XII–XIII вв. М., 1963.

Гафуров 1989 – Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга II. Душанбе, 1989.

Григорьев 1978 – Григорьев А.П. Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамот XIII–XV вв. – Тюркологический сборник. 1974. М., 1978. С. 208–209.

Григорьев 1981 – Григорьев А.П. Официальный язык Золотой Орды XIII–XIV вв. – Тюркологический сборник. 1977. М., 1981. С. 81–89.

Дадабаев 1990 – Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. – в кн. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент, 1990. С. 5–84.

Добродомов 1978 – Добродомов И.Г. О половецких этнонимах в древнерусской литературе. – Тюркологический сборник, 1975. М., 1978. С. 102–129.

ДТС – Древнетюркский словарь. Л., 1969.

ДПЯ – Документы на половецком языке XVI в. (судебные акты каменец-подольской армянской общины). М., 1967.

Ибн Баттута 2012 – Ибн Баттута. Саёхатнома. Тухфат ан-нузор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор (Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига тухфа). Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. Тошкент, 2012.

Мелиоранский 1906 – Мелиоранский П. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904–1905. СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.

МК – Махмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. I–III. Тошкент, 1960–1963.

Наджип 1989 – Наджип Э.Н. Исследования по истории тюркских языков XI–XIV вв. М., 1989.

Омонов 1997 – Омонов Қ. XIV–XV асрларда уйғур хатида битилган имтиёз ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларининг лисоний-услугий тадқиқи. Номзодлик диссертациясининг автореферати. Тошкент, 1997.

Радлов 1888 – Радлов В. Ярлыки Токтамышша и Темур-Кутлуга. – Записки Восточного отделения. Т. III. СПб., 1888. С. 1–40.

Радлов 1890 – Радлов В. Кудатку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. СПб., 1890.

Рашид-ад-дин 1946 – Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том III, перевод с персидского А.К. Арендса. М.–Л., 1946.

Рашид-ад-дин 1968 – Рашид-ад-дин. Джамии ат-таварих. I, часть 1. Критический текст А.А. Ромаскевича, А.А. Хетагурова, А.А. Али-заде. М., 1968.

Рустамов 1976 – Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида. // “Адабий мерос” (5). 1976. 39–42-б.

СВР – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том I, под ред. А.А. Семенова. Ташкент, 1952.

Содиқов 1988 – Содиқов Қ. Уйғур хатида битилган нодир кўлёма. // “Адабий мерос”. 4(46), 1988. 59–62-б.

Содиқов 1992 – Содиқов Қ. XI–XV аср уйғур ёзуви туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Докторлик диссертацияси. Ташкент, 1992.

Содиқов 1997 – Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). Ташкент, 1997.

Содиқов 2004 – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Ташкент, 2004.

Содиқов 2008 – Содиқов Қ. Қадимги турк фалсафаси. Ташкент, 2008.

Содиқов 2009 – Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Ташкент, 2009.

Содиқов 2011 – Содиқов Қ. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. Ташкент, 2011.

Содиқов 2013 – Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар. Ташкент, 2013.

Содиқов, Омонов 2010 – Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Ташкент, 2010.

Содиқов, Омонов 2012 – Содиқов Қ., Омонов Қ. Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдиэлари. Ташкент, 2012.

Султанов 1978 – Султанов Т.И. Письма Золотоординских ханов. – Тюркологический сборник, 1975. М., 1978. С. 234–251.

ТР – Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О. Жалилов. Ташкент, 2011.

Ҳакимов 2013 – Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Ташкент, 2013.

Ганиева, Содиқов 2013 – Ганиева С., Содиқов Қ. Ёзув тарихи ва китобат санъати. Ташкент, 2013.

Щербак 1959 – Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959.

Щербак 1962 – Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.–Л., 1962.

Щербак 1983 – *Щербак А.М.* Рукописный сборник Or. 8193 и его значение для узбекской филологии. // “Советская тюркология” № 3, 1983. С. 72–77.

Arat 1992 – Adib Ahmed b. Mahmud Yükneci. Atebetü-l-Hakayik. R.R. Arat. Ankara, 1992.

BN – Zahir Al-din Muhammad Babur. Babur-nama (Vaqa’i). Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto Syokado, 1995.

Deny 1957 – *Deny J.* Un Soyurgal du Timouride Sahruh en ecriture Ouigoure. // Journal Asiatique. Tome CCXLV. Annee 1957. Fascicule №3. Paris. P. 253–266.

Gabain 1950 – *Gabain,* von A. Altürkische Grammatik. Leipzig, 1950.

Kurat 1940 – *Kurat A.N.* Topkari Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistân Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. İstanbul, 1940.

KTT – *Kitab-ı Mecmü-ı Tercüman-ı Türkî ve Acemî ve Muğali.* Recep Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. Ankara, 2000.

Pavet de Courteille 1882 – *A. Pavet de Courteille.* Miradj-Nameh. Paris, 1882.

Radloff 1891 – *Radloff W.* Das Kudatku Bilik des Jusuf Chass-Hadschib aus Bäläsagun. Theil I. SPb., 1891.

Sertkaya 1973 – *Sertkaya O.F.* Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazı Manzum Parçalar. I. İstanbul, 1973.

Sertkaya 1975 – *Sertkaya O.F.* Uygur Harflariyle Yazılmış Bazı Manzum Parçalar. II. İstanbul, 1975.

Sertkaya 1977 – *Sertkaya O.F.* İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Bochum, 1977.

Sertkaya 2007 – *Sertkaya O.F.* Timür Bek’in Toktamış Han’a 793=1391’de Yapmış Olduğu Seferin Arap ve Uygur Harfli Kitabeleri (Karsakpay Yazıtı). – Ölümünün 600. Yılında Emir Timür ve Mirası. Uluslararası Sempozyumu. 26–27 Mayıs 2005. İstanbul 2007. S. 31–39.

TDT – *Seferoğlu Ş..K., Müderrisoğlu A.* Türk Devletleri Tarihi (Etnolojik bir deneme). Ankara, 1986.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

A – Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби.

AS – султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган битиги.

M – Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби.

T – Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи.

TQ – Темур Қутлуғ ёрлиғи.

U – султон Умаршайх ёрлиғи.

UM – Улуғ Муҳаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактуби.

Ş – Шоҳруҳ мирзо ёрлиғи.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи бўлим. Ёзув тарихи ва сийсий, расмий-дипломатик нутқ стилистикаси	9
Олтин Ўрда давлати ва Темурийлар салтанатида расмий тил	9
Ёрлик ва мактублар эски ўзбек адабий тилининг ёдгорликлари сифатида	15
Олтин Ўрда ва Темурийлар давлатларининг расмий ёзувлари	25
Уйғур алифбоси ва ҳарф-товуш муносабатлари тўғрисида	34
Ёрлик ва мактубларнинг хат услуги	39
Юрт эгаларининг адресатга қаратилган сўзи ва сиёсий, расмий-дипломатик нутқ стилистикаси	46
Темурийлар даври ёрликларида расмий ва бадиий услублар синкретизми	66
Расмий битигларда тарих ва унинг берилиши	72
Ёрлик ва мактубларда кечган атамалар тизими	75
Иккинчи бўлим. Олтин Ўрда хонларининг ёрлик ва мактублари	82
Тўхтамишхон ёрлиғи	83
Темур Қутлуг ёрлиғи	89
Олтин Ўрда хонларининг турк султонларига йўллаган мактублари	
Учинчи бўлим. Амир Темур ва темурий султонларининг ёрлик ҳамда битиглари	114
Туроннинг султони Темурбегнинг тошга ёздирган битиги.....	115
Шоҳруҳ мирзонинг уйғур ёзувли ёрлиғи.....	117
Султон Умаршайх ёрлиғи.....	124
Султон Абу Саид битиги.....	130
“Жоме ут-таворих”даги эски уйғур ёзуви билан битилган шажара.....	142
Умумий хулосалар	148
Китобда ҳавола қилинган илмий асарлар	152

Қосимжон Содиқов

**Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар:
тарихий-филологик талқин**

2013 йилнинг 15 декабрида босишга рухсат этилди. Компьютерда Times New Roman ҳарфида терилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Китобнинг кўлами 10 босма табоқ. Сони 100 та. Буюртма .

“TEZKOR-PRESS PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Фарҳод кўчаси, 21 А уй.

© Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2013 йил.

© Содиқов Қосимжон

